

Шавкат Раззоқов

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЗАВҚИ

ёхуд

Сизни ўзгартирадиган китоб



Шавкат Раззоқов



ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЗАВҚИ



ёхуд

Сизни ўзгартирадиган китоб

*Cho`lpon nomidagi-matbaa ijodiy uyi
Тошкент - 2014*

УЎК: 159.9
КБК 84(5Ў)7
P18

Масъул муҳаррир — Муҳиддин Омон

P18 **Раззоқов Ш.** Ўзликни англаш завқи:/Ш. Раззоқов. — Т.:
Cho`lpon nomidagi NMIU, 2014. - 96 б.
ISBN 978-9943-05-631-2

УЎК: 159.9
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-05-631-2

© Шавкат Раззоқов, 2014
© Cho`lpon nomidagi NMIU, 2014

ҚАЛБНИ ЎЗГАРТИРАДИГАН КИТОБ

Азиз китобхон, ўйлаймизки, Сиз сўнгги йилларда оламга машхур мутафаккирлар, донишмандлар ҳамда психолог олимларнинг илмий тавсиялари, ҳаётий тажрибалари асосида тайёрланаётган, инсон шахсияти, руҳий олами, ижтимоий муносабатларининг шаклланиши ва умуман борлиққа муносабати борасидаги китобларни кузатиб бормоқчасиз.

Бинобарин, ҳар бир киши муайян ёшга кириб, ақлини танигандан сўнг, ўз туйгуларини, тафаккур тарзини, теғрасидаги кишиларга, оиласига, яқинларига муносабатларини бир қур назардан ўтказиб олишга эҳтиёж сезади.

Ва шу эҳтиёж ҳосиласи улароқ, бу оламда, ижтимоий маконда ўз мақомини аниқлайди. Айни шу изланишлари жараёнида «Мен ўзи кимман, қандай одамман? Ота-онага қобил фарзанд бўла олдими, ўз фарзандларим олдидаги оталик-оналик бурчимни тўқис адо этиялманми? Бу ёруғ дунёга нега келганман, мақсадим, маслагим нималардан иборат? Ўтган йиллар ичида нималарни йўқотиб, нималарни қўлга киритдим? Келажагимни қандай қуришим лозим? Инсоний бахт-саодат, баркамоллик деган тушунчаларга қай даражада даҳлим бор?» — дея ўйланиб қолади. Ва бу ниҳоятда табиий ва инсон умрининг мазмунини белгилаб бергувчи жараёндир.

Амалиётчи психолог Шавкат Раззоқовнинг «Ўзликни англаш завқи ёхуд Сизни ўзгартирадиган китоб» номли ушбу китоби Сиз азизларга ўз-ўзингизни, аниқроғи ўзлигингизни таниб олишингизда беғараз кўмакчи ва дастуруламал бўлади, деган умиддамиз.

Зеро, муаллиф мазкур асарида ҳеч бирингиздан зигирча фарқ қилмайдиган, худди сиз яшаётган замон ва маконда, айнан Сизнинг шаҳрингизда, эҳтимол маҳалла ёки қишлоғингизда умргузаронлик қилаётган ўз қаҳрамонининг ажойиб ва гаройиб саргузаштлари, аниқроғи унинг ақлли ҳамсуҳбати бўлган «Инсоннинг руҳий-психологик ҳолатини кузатиш, таҳлил ва шарҳлаш орқали тадқиқ этиш мақсадида» ихтиро қилинган робот билан бир неча ой мобайнида давом этган мулоқотлари воситасида ҳеч қандай танбеҳу дашномларсиз, ваъзхонлиғу панд-насихатларсиз Сизни ўзлигингизни кашф

этишга, бу фоний дунёда аслида кимлигингизни билиб олишга даъват қилиб аввало қалбингизни, кейин эса феълингизни таҳрир қилди, барча қусурлардан тозалайди, ўй-фикрларингизни, ўзлингиз ва умуман шахсиятингизни яхши томонга ўзгартиришга муваффақ бўлади.

Бундай бироз баландпарвозроқ, баъзи бир реклама роликларидаги каби гайриоддий таъриф у тавсифимизга ишонгингиз келмаяптими? Унда марҳамат, Сизни ўзгартирадиган китоб саҳифалари муталаангиз учун мунтазир...

Муҳиддин Омон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон, ношир.

“Кечаги кундан ўрганинг,
бугунни яшанг, эртадан
умид қилинг. Энг муҳими –
савол беришдан тўхтаманг.”
Альберт Эйнштейн

Танишув

Дўстимни излаб ишхонасига бордим. Жойида йўқ экан. Унинг кабинетига кириб бироз кутишга тўғри келди. Чеккада турган курсига ўтириб хонани кўздан кечириб бошладим ва бир бурчакда турган одам шаклидаги роботни кўриб қолдим. Дўстим янги машина устида ишлаётганлигини айтган эди. Лекин бу ускуна робот эканлиги ҳаёлимга келмаган экан. Темирдан ясалган бўлса ҳам кўзлари худди тирик одамникига ўхшайди. Тикилиб қараган сайин, кизиқишим ортаверди. Бир фурсат маҳлиё бўлиб уни томоша қилдим.

Нимагадир кайфиятим кўтарилди ва ўрнимдан туриб икки букилиб: - Ассалому алайку-ум!, - деб роботга таъзим қилдим. Ҳали гавдамни кўтаришга ҳам улгурмаган эдим-ки, “**Ваалайкум ассалом**”, деган гулдураган овоздан сесканиб кетдим. Не кўз билан кўрайки, гапираётган - робот экан.

-Мен роботман. Сен кимсан? – деди робот, бирданига жон кирган кўзларини чараклатиб.

Астагфируллоҳ... Бунча кўзлари одамнинг ичига кириб кетмаса. Бир амаллаб эсимни ўнглаб олдим ва ўзим билмаган ҳолда:

-Мен одамман, - деб жавоб бердим, интиқиб.

Роботдан садо чиқмади. Нима бало, дўстим бу роботга келган меҳмонлар билан ҳазиллашиш учун фақат биргина гап ўргатиб қўйганмикин? Агар шундай бўлса, ҳазил менга ёқмади. Ўзимни худди калака қилингандек сездим ва роботга қараб пичинг қилиб қўйдим:

-Ҳов қўғирчоқ, биров билан гаплашиш учун лампочкалар тақилган симёғоч эмас, одам бўлиш керак, тушундингми?!

Лекин бир дақиқа ўтар-ўтмас уялганимдан юзим қизарганини сездим, чунки кўзини мендан узмасдан қараб турган робот яна тилга кирди ва у айтган гапдан кейин оғзим бир фурсат очик қолди.

-Мен шунчаки жавобингни таҳлил қилаётган эдим, - деди у. Тўғри, сен одамсан. Лекин **бугунги кунда Ер юзида одамлар сони 7 миллиарддан ошган. Сенинг улардан нима фарқинг бор? Сен кимсан?**

Очиқ қолган оғзимни бир амаллаб юмдим, лекин аъзои-баданимни совуқ тер босди. Ўзини яккаю ягона ва бетакрор деб ҳисоблаб юрган одамга бунақа гаплар худди мих қоқаётганда болгани ноҳос бормогига ургандек таъсир қилар экан. Азбарои Худо, ўзимни йўқотиб қўйдим. Лекин негадир буни роботга сездирмасликка ҳаракат қилиб, сохта табассум билан:

-Мен эркакман,-дедим.

Жавобимга нима дейиши мумкинлигини ўйлаб турганимда у яна тилга кирди.

-Бу гапингдан ҳам аслида кимлигингни англаб бўлмайди, - деди у. **Чунки одамлардан ташқари барча тирик жонзотлар ҳам икки жинсга бўлинган ва**

бу маънода уларнинг сандан фарқи фақат паспорти йўқлигида. Сен кимсан?

Бу сафар бироз ансам қотгандек бўлди ва мен ўз исми шарифимни айтдим. Робот яна бир дақиқа ўйланиб қолди ва лўкма ташлади:

-Бугунги кунда сенинг исминг ва фамилиянг билан яшаб юрганлар сони фақат Ўзбекистоннинг ўзида роппа роса 179 та. Сен уларнинг қайси бирисан?

Ўйланиб қолдим. Бироқ бу ўйланганим имтиҳонда берилган, умрингда эшитмаган масала устида ўйлашга ўхшаб кетарди. Чунки робот айтаётган бу “фаннинг” “ф” ҳарфи билан ҳам таниш эмасдим. Худди буни сезгандек робот бир пас жим турди-да, кейин бир маромда, лўнда-лўнда қилиб гапира бошлади:

-Исми шарифинг, касби-коринг, феъл-атворинг, одатларинг, кизиқишларинг ҳам сенинг кимлигингни билдирмайди. Нега деганда “фалончиман, фалон жойда ишлайман, фалон ишлар қилганман” дейдиганлар ҳам, сеникидай билим ва тажрибга эга бўлганлар ҳам, сенга ўхшаб турмуш кечирадиганлар ҳам сон-саноксиз. Ҳаттоки, одамзод тарихида яккаю-ёлғиз ҳисобланган буюк шахсларни ҳам бошқа биров билан адаштириш мумкин. **Тарихда иккита Искандар Зулқарнайн, учта Сукрот, тўртта Афлотун яшаб ўтган. Сен кимсан?**

Роботнинг саволига жавоб бериш у ёқда турсин, қаердалигимни ҳам унутиб қўйдим. Қанча вақт ўтганини билмадим, ниҳоят нима деяётганимни ўзим ҳам яхши англамаган ҳолда:

-Шунчаки яхши одамман, - дедим ва ўйламай отган гапим нишонга тегар деган умид билан кўз тагидан аста унга қараб қўйдим. Лекин нишон умуман бошқа томонда экан шекилли, унинг чиройли кўзлари чакнаб:

-Бунга гумоним йўқ, - деди. Лекин мен сандан қандай эканлигингни эмас, кимлигингни сўраяпман. **Қолаверса, дунёдаги энг ёвуз кимсалар ҳам ўзини “яхши одамман” деб ҳисоблайди. Шу вақтгача “Мен ёмон одамман” деб фақат Хўжа Насриддин айта олган. Сен эса Хўжа Насриддинга ўхшамайсан. Шундай экан, кел, яхши-ю ёмонларни, хушфеъл ва бадфеълларни, машҳур ва оддийларни ҳам тинч қўяйлик. Шахсан сен кимсан?**

Бу темир-терсак тагин ҳазил ҳам қилади-я. Тўрт томонга тарқалиб, мендан тобора узоқлашиб бораётган фикрларим ниҳоят тўхтаб мен томонга ўгирилишди. Майли, мана сенга ҳазил.

-Мен севгилимнинг ёриман, - дедим ясама қувноқ оҳангда ва унга қараб тиржайиб қўйдим.

Робот жимиб қолди. Бу сафар робот тушунмаган нарсага тил теккиздим назаримда. Ҳа, тўғри-да, мия ўрнига микросхема, юрак ўрнига гидравлика ўрнатилган машина севги нималигини, ёр кимлигини қаердан билсин.

-Ҳой, япониялик қариндош, - дедим захархандалик билан. Дамингиз ичингизга тушиб қолди, нима бало ёки дисководингиз ишдан чиқдими?

Лекин пичинг ва захархандалик ҳатто темирни ҳам гапиришга мажбур қилар экан. Ичидан худди пашша “зингиллаши”га ўхшаган сас чиқариб турган

робот бир-икки дақиқадан кейин тилга кирди ва суҳбатимизни тўхтаган жойидан давом эттирди:

-Ундай ҳолда сен севимли ёр бўлишдан олдин Ким бўлгансан? Қолаверса, вақт ўтиб, “Мен севгили ёрман” деб айтишга уяладиган ёшга етганингдан кейин Ким бўласан?

Бу гап менга ёқмади. Жавоб бермадим. Одам шаклидаги бу галати мосламадан кўрка бошлаганимни сездим ва бундай шароитда жуфтакни ростлаш энг маъқул ишдек туюлди. Секин эшик томонга бурилдим ва оёқ учида бир икки қадам ташлаган эдим робот кетимдан гап отди:

-Балки сен ўзингни “Худонинг бандасиман, мусулмонман” деб ҳисобларсан?

Бу гап диққатимни тортиб, баданимга жон киритгандай бўлди. Тўхтаб аста унга қарадим. “Ўзинг биларкансан-ку, ярамас, нима қилардинг мени шунча қийнаб” - дедим ичимда. Нимага олдинроқ шуни айтмабман, деб турган эдим у гапини давом эттирди:

-Сенга бу гап маъқул бўлганга ўхшайди. Жуда яхши. Демак сен ўзингни Аллоҳнинг итоаткор қулиман деб ҳисоблайсан. Бу дегани сен Парвардигорнинг амрларига бўйсунасан. Яъни: шукрни биласан, тилинг ёки кўлинг билан бошқаларга озор етказмайсан, дунё неъматларига хирс кўймагансан, нафсингга қул эмассан, бировларни гийбат қилиб бошқаларга ҳасад қилмайсан, ёлгон гапирмайсан, бировнинг ҳаққини емайсан, ҳеч кимга нафрат билан қарамайсан. Шундайми?

Мен лом-мим дея олмадим. Мендан садо чиқмаганидан кейин робот бу мавзуга ҳам нуқта қўйди:

-Агар шундай бўлса сен фариштасан ва сен Ерда эмас, осмонда бўлишинг керак эди. Лекин сен Ердасан, унда сен кимсан?

Мен тошдек қотиб туравердим, у эса ўзининг ҳеч қандай эътирозга жой қолдирмайдиган мулоҳазаларини давом эттирди:

-Эҳтимол, сен ўзингни “ота-онамнинг фарзандиман” дерсан? Ундай бўлса ўзингни дунёда эмас, мамлакатда эмас, лоақал ўз маҳаллангдаги барча “фарзандман” деб юрганларнинг энг муносибиман деб айта оласанми?

“Юрагимнинг энг нозик жойидан тутдинг-ку, номард”- деб кўнглимдан ўтказдим.

-Ахир сен ўзингни дунёда ягона, энг муносиб, энг яхши, энг ақлли деб ҳисоблайсанку, - давом этди у. –Хўш, сенинг бошқалар орасида ягоналигинг, бетакрорлигинг нимада? Атрофингдагилар сени бошига кўтариб юришибдими ёки қандай ажойиб одам эканлигингни билмаганликлари туфайли кадрингга етишмаяптими? Майли, сенинг кадрингга етмаганларни кўйиб турайлик. **Хўш, Сен ўзинг учун кимсан?**

Мен индамадим, чунки бунақанги савол умримда хаёлимга келмаган. Лекин нима учун тўғри гап тукқанингга ёқмаслигини бир зумда аниқ тушуниб етдим ва ўзимни худди кўчанинг қоқ ўртасида ялонгоч ҳолда қолган одамдек сезиб, саросимага туша бошладим.

-Ажабо, - деди мендан жавоб чиқмаслигини сезган робот, - наҳотки сен ўзингни кимлигингни билмасанг, наҳотки бу тўғрида ўйлаб кўрмаган бўлсанг?

Бу тўғрида ўйлашга ҳали эртами, ёки аксинча, энди кеч бўлдимикин? Ҳақиқатан ҳам бир сабаби бордир. Лекин ҳайратланарлиси - сен бу тўғрида ўйлаб кўрмаганингда эмас. **Ҳайратланарлиси шундаки, ўзингнинг кимлигингни билмасдан туриб, бошқаларнинг кимлигини билишингда, уларнинг устидан ҳукм чиқара олишингда, яъни яхшини ёмондан, ақллини ақлсиздан, тўғрини нотўғридан ажрата олишингда. Ёки сен бундай қилмайсанми?**

Робот гапни каерга бураётганлигини унчалик англамадим ва яқин орада ит борлигини сезган мушукдек кўзларимни ҳар томонга аланглатиб туравердим.

-Ҳа, сени билмадим, лекин кўпчилик одамлар бир умр шундай қилиб келишади, - давом этди у. Болалигидан бошлаб “яхши” дўст ахтаришади, “ёмонларни” эса нафақат рад қилиш, балки пайти келганда, кучи етса адабини ҳам беришга ҳаракат қилишади. **Одамларнинг аксарияти кимнинг Ким эканлигини жуда яхши биламан деб ўйлашади, айниқса ўз яқинларини.** Улар ўз ога-иниларини ва фарзандларини нафақат Ким эканлигини, балки келажакда Ким бўлиши кераклигини ҳам аниқ биламан, деб ҳисоблашади. Кези келганда ўз тасавури бўйича уларга “тўғри тарбия бериш”га “тўғри йўлга солиш”га ҳам ҳаракат қилишади. **Ўзининг кимлигини билмасдан туриб яқинларини кимлигини билишлари ҳали ҳолва. Улар ҳатто етти ёт бегона бўлган душманларини ҳам Ким эканлигини яхши билишади. Аниқ билмасалар уларга нафрат билан қарамаган бўлардилар.**

Мен тарашадай қотиб қолдим, чунки роботнинг гаплари каминага ҳам тегишли эди.

У кўзларини чакнатиб, ҳар бири юрагимга пичокдек санчилаётган гапларини давом эттирди:

-Одамлар жуда антика мавжудот, чунки ўзлари билмаган соҳада ҳакамлик кила олишади, ўз уйида эса ўзларини ҳакамлар ҳайъатининг раиси деб ҳисоблашади. “Соҳани” билмасликлари рост, чунки ўзини кимлигингни билишмайди. **Ўзини билмаган одам ўз яқинларининг кимлигини қандай қилиб билиши мумкин?**

Мен яна индамадим. Умримда биринчи бор огзим куриб, тилим томогимга ёпишиб қолганини аниқ сездим, бу худди ёмон туш кўрганингда хавфли жойдан қочиш керак бўлган пайтда балчикдан оёгингни кўтариб ололмагандек бўлар экан.

-Кимлигингни билмасдан туриб қандай яшаяпсан, умрингни, бебаҳо вақтингни нималарга сарфлаяпсан? Қаерга ва нима мақсадда шошаяпсан? Бугун ўзингни ким эканлигингни билмасдан эртага Ким бўлмоқчисан? Ёки келажакда “фалончи” бўлмоқчимисан? Лекин эртага фалончи бўлиш учун, бугун Ким эканлигингни билишинг керак-ку! Чунки келажакда баҳайбат фил бўлишни орзу қилаётган кичкина маймунча эртага филга айланишига ишониш қийин. Шунинг учун кел, пуч ёнғоқларни санашга вақт сарфламайлик. Сен кимсан? Ўзингнинг кимлигингни билмасдан туриб, бошқалар сени ким деб ҳисоблашини истайсан?

Аъзои-баданим музлаб кетди, пешонамни эса тер босди. Робот менга бошдан оёқ разм солди, кейин менга раҳми келгандай қилиб, бироз пастрок товушда фикрини давом этди:

-Сен бу саволларга эртами-кечми, бари бир жавоб топсанг керак. Сабаби фил ва маймунлардан фарқли ўлароқ сенга ақл-заковот деган неъмат шуни билиш учун ва келажакда ҳақиқатан ҳам бетакрор эканлигингни намоён этиш учун берилган. Сен хозирча ўзингнинг кимлигингни билишни истамаслигинг, бу тўғрида бош қотирмаслигинг мумкин, албатта. Бу сенинг ихтиёрингда. Лекин гап шундаки, **ўзини кимлигини билмаганлар азал-азалдан ўзини билганларнинг хизматини қилишдан, ёки уларга таклид қилишдан бошқа ишга ярамаган, ўзининг эмас, бошқаларнинг ақли билан ҳаёт кечиришган ва, охир-оқибат бундай одамларнинг дунёга келгани ҳам, кетгани ҳам ҳеч кимни қизиқтирмаган. Сенинг ҳаётинг ҳам шундай кечишига рози бўлармидинг?**

Шу вақтгача қоққан қозикдай турган бўлсам, бу гаплардан кейин “қоққан қозик” ерга, бошим эса елкам ичига кириб кетди десам ҳам бўлади.

-Бу хол сени қониктирадимми? – яна сўради робот.

Бошимни “қоқилган ердан” чиқариб секин унга қардим. У ҳамон мендан кўзини узмай, жавоб кутарди.

-Бундай ҳаёт сени қониктирадимми?

Индамасам у эрталабгача шу саволни такрорлайверадигандек туюлди. Мен “йўқ” деган маънода бошимни аста иргатиб қўйдим.

-Майли, ўйлаб кўр, кимдир келаяпти..., хоҳласанг кейин гаплашамиз, - деб унинг чакноқ кўзлари ўчиб, кўгирчоқларникидай нурсиз қотиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам, бир дақиқа ўтар-ўтмас хонага дўстим кириб келди. У хойнахой менинг юз-кўзимда одатда менга хос бўлмаган қандайдир аломатларни пайқади шекилли, чунки ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин, менга кўз кири билан бир муддат тикилиб қараб:

-Тинчликми? – деб сўради.

Мен беихтиёр рўпарамдаги бурчакда турган роботга қараб:

-Ҳа, ҳа, ҳаммаси жойида, - деб мингиллаб қўйдим.

Гапимиз ҳеч ковушмади. Тўғрисини айтсам, нима учун келганлигим эсимдан чикди. Шунчаки хайрлашиб кетаверишим дўстимда руҳий аҳволим тўғрисида шубҳа тугдириши аниқ эди. Бироқ, қанчалик тиришмайин, биронта тутурукли гап таполмадим. Ниҳоят бор журъатимни йигиб:

-У, анақа..., бизни эшитмаяптими? - деб, роботга ишора қилдим.

Дўстим менга худди “қовун тушриб қўйган” биринчи синф боласига қарагандай нигоҳ ташлаб:

- Эсинг жойидами, бу бор йўғи электрон ускуна-ку, эшитмаяптими деганинг нимаси?! – деди ажабланиб. Қолаверса, бу шунчаки экспериментал нусха, хали тайёр эмас. У Шароф Бошбековнинг роботидай* бўлиши учун хали анча вақт керак. Нимага сўраяпсан ўзи?

* Бу ерда Ш.Бошбековнинг “Темир хотин” асарига ишора қилинган.

Мен ноилож тутликиб тортиниб робот билан “бир-икки арзимас гапларни” гаплашганимизни ва унга шунчаки қизиқиб қолганлигимни айтишга мажбур бўлдим ва онда-сонда келиб, робот билан суҳбатлашиб турсам бўладими? - деб сўрадим.

У менга узоқ тикилиб, ўйланиб қолди, кейин: - Майли, техника ишкибози, мен ҳар куни соат учдан тўртгача лабораторияда бўламан, бекор вақтинг кўп бўлса келиб гаплашавер, лекин роботга ва бошқа ускуналарга қўл теккизма, хўпми? – деб ўрнидан турди.

Анча енгил тортдим. Дўстим билан илиқ хайрлашиб, “зўр йигитсан-да!” деб, елкасига бир уриб, хонадан чиқиб кетдим.

Билими бор, ақли йўқ

Уйга келганимдан кейин ҳам, эртаси куни ишхонада ҳам роботнинг гаплари хаёлимдан нари кетмади. Ўйлаб, ўйимга ета олмадим, машава ва хангомаларга тўла, лекин тувакларни йўқ чархпалакка ўхшаб беҳуда айланаётгандек туюлган ҳаётимда нимадир ўзгарди ва бу ўзгариш кўпол ва дангалчи роботнинг мен ҳазм қила олмаган гаплари билан боғлиқ эди. Ҳазм қилинмаган нарса азоб беришини эса ошқозоним ўргатган.

Орадан бир hafta ўтди. Ниҳоят бир амаллаб, алламбало бахоналар қилиб ишхонадан қочдим ва “йўлга чиқдим” деб дўстимга кўнгирок қилиб роппа-роса соат учда унинг ишхонасига кириб бордим.

Котиба қиз мени кўриши билан, “хабарим бор”- дегандек ўрнидан туриб хонани очиб берди ва мен ичкарига кириб, эшикни ёпиб, бир курсини олдимда, роботнинг рўпарасига ўтириб олдим. Хона жим-жит, фақат девор соатининг чиққиллаши эшитилади, холос.

-Мен келдим! - дедим, ёрини интизор қилиб қўйган ошиқ оҳангида. Роботнинг кўзларига жон кирди ва атрофга аланглаб, хонада мендан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўриб, менга тикилиб қолди.

-Мен роботман, сен кимсан?, - деди робот.

И-я, бу қанақаси бўлди?! Мен бу ярамаснинг гапларидан кечалари уйқум қочиб, ўзимни кўярга жой тополмай, суҳбатимизни давом эттиришни зориқиб кутиб юрсам-у, бу бўлса мени танимади ҳам. Бирдан миямга бир келди-ю, ўз лапашанглигимга ачиниб кетдим. Ахир бу робот дегани бор-йўғи бир жонсиз ускуна-ку, у худди магнитофонга ўхшаб бир ёзувни такрорлайверади, холос. Мен бўлсам у билан суҳбат курмоқчиман. Эҳ, каллаварам...

Шу пайт робот ўз саволини такрорлади:

-Мен роботман, сен кимсан?

Жаҳлим чиқиб кетди ва роботга қараб бор овозим билан бақирдим:

-Менга қара эй, компьютер билан калькуляторнинг боласи! Сени онгли равишда фикр юргизадиган мўъжиза деб юрсам, сен бир лапарни қайта-қайта такрорлайверадиган оддий магнитофон экансан-ку. Мен бўлсам лаққа тушиб ўтирибман-а, туёгингни ўрнида нима бўлса ўшани шикқиллат! Тушундингми?!- деб сапчиб ўрнимдан турдим.

-Шошмай тур, - деди робот, ўзининг ҳеч қандай ҳис-туйғуни акс эттирмайдиган, тоғарадан чиққан сасга ўхшаган овози билан. Менинг операцион тизимимни тўлгазиш вақти максимум даражада ўрнатилганлиги сабабли процессорим бирданига ишга тушиши қийин. Мен сени танидим. Сен билан 168 соат олдин гаплашган эдик. Хайрлашишдан олдин мен сенга: “Ўзини кимлигини билмаганлар азал-азалдан ўзини билганларнинг хизматини қилишдан, ёки уларга таклид қилишдан бошқа ишга ярамаган, ўзининг эмас, бошқаларнинг акли билан яшашган ва бундайлар дунёга келгани ҳам, кетгани ҳам ҳеч кимни қизиқтирмаган. Бундай ҳол сени қониқтирадим?”, - деб сўрадим. Сен эса “йўқ” деган манода бошингни сарак-сарак қилиб қўйдинг. Тўғрими?

“Операцион тизими” нималигини билмадим, лекин унинг олдида ўзимни бироз ноқулай сездим.

-Кечирасан, - дедим, курсига ўтириб, - сени хафа қилиб қўйдим шекилли.

-Мен хафа бўлишни билмайман, - деди робот, - чунки ҳеч қачон хато қилмайман.

-Хато қилмайсан?!

-Ҳа.

-Сенинг ақлингга лол қолган эдим, хали нуқсонларим ҳам йўқ дегин?

-Йўқ, - деди робот, - сен мени нотўғри тушундинг. Мен бировга бераётган маълумотларимда хато қилмайман. **Қолаверса, ўзим ва ўз имкониятларим тўғрисида аниқ ахборотга эгаман, шунинг учун мени биров танқид қилиши, камситиши ёки, аксинча, мақташида мени қизиқтириши мумкин бўлган ҳеч қандай янги маълумот бўлмайди.** Ақлга келсак, менда умуман ақл йўқ, мен шунчаки жуда кўп маълумот ва жуда кўп ахборотга эгаман. Сенда эса ақл бор, лекин ахборот ва маълумот жуда оз.

-А-ана холос, - дедим “а” ҳарфида дудукланиб, - ўтган сафар “Сен кимсан” деб адои-тамом қилгандинг, энди бўлса менда ақл бору, ахборот ва маълумот озлигини қаердан била қолдинг?

Робот одатдагидек лўнда-лўнда қилиб гапира бошлади:

-Биринчи марта, “Сен кимсан?” деб сўраганимда, “одамман” деб жавоб бердинг, одамларнинг кўпчилигида эса ақл бор. Шунинг учун, “сенда ақл бор” деганимда, мен фақат сени эмас, одам зотини назарда тутиб айтдим. Сенда жуда оз ахборот ва оз маълумот бор деб эса “Сен кимсан”, деган саволимга жавоб бера олмаганинг учун айтдим.

-Майли, - дедим, бироз энгсам котиб, - агар сен айтганингдек шунча кўп нарсани билсанг менинг кимлигимни ўзинг айтиб қўяқол!

-Мен буни билмайман, - деди робот.

Робот билан илк бор гаплашганимиздан буён миямдаги барча фикрлар алгов-далгов бўлиб кетган бўлса, энди калламда ҳеч вақо қолмаганлигини кўзгуда кўргандай кўрдим. Бу иблис мени калака қиляптими ёки мен ҳақиқатан ҳам ҳеч балони билмайманми? Ундай десам, олий маълумотли мутахассисман, озми-кўпми ҳаётини тажрибага эгаман. Бу бўлса ўзи билмаган нарсани мендан сўраб, мени аҳмоқка чиқариб ўтирибди...

Шу тарзда ўйлаб туриб, ўзимга-ўзим аччигим келди, кейин яна жаҳлим кўзгаб, ўзимни тутолмаганимдан қон босимим ошиб кетаётганлигини ҳис

қилдим. Жаҳлим чиққан пайтда худди шиширилятган шарга ўхшайман, ичимдагини тўкиб-сочмасам ёрилишим аниқ.

-Менга қара, темир кўгирчоқ, - дедим зарда билан, - билмас экансан, унда нега нуқул “Сен кимсан, сен кимсан” деб менга ёпишиб олдинг?! Сенга нима керак ўзи?!

-Менга ҳеч нарса керак эмас, - жавоб берди робот. Сенга ёпишиб олганим ҳам йўқ. Ўтган сафар ўзинг биринчи бўлиб менга салом бердинг. Мен сени суҳбатга тортганим йўқ. “Сен кимсан?” деб сўраганим эса, ҳақиқатдан ҳам кимлигингни билмоқчи эдим, холос. **Гаплашиш учун, ким билан мулоқот қилаётганимни аниқлашим керак-ку.**

Бунга эътироз билдириш қийин эди. Хатоимни тушуниб ўзимни босишга уриндим, лекин танамда мадорим қолмади ҳисоб. Чунки робот билан бўлаётган даҳанаки жангимиз мен учун яна нокаут билан тугаган эди. Устимда ўнгача санайдиган рефери бўлмаса ҳам эсимни йигиб олишга ҳаракат қилдим. Шамол айланим юрган калламда битта, кичкинагина, зўрга нафас олаётган фикр пайдо бўлди: “Агар бу одам шаклидаги консерва банкиси шунча кўп нарса билса, - ўйлардим мен, -демак ундан ўзи менга берган саволларга жавоб ҳам топа олишим мумкун-ку”. Вазиятни юмшатиш учун гапни узокроқдан бошладим.

-Сен... ҳақсан. Кел, энди ўтган ишга саловот, мен сендан ҳечам ҳафа эмасман. Хўп десанг иккаламиз дўст бўламиз.

-Сен билан дўстлаша олмайман, - деди робот.

-Нега?!

-Чунки кимлигингни билмайман.

-Ҳой, ноинсоф, яна ўша гапми?! Агар мен ўзимнинг кимлигимни билмасам, кел, буни биргаликда аниқлайлик!

-Қанақасига?

-Ахир ўзинг айтдинку: “Менда ахборот, маълумот кўп, сенда эса ақл бор” деб, тўғрими?

-Тўғри.

-Демак, иккаламиз биргаликда барча саволларга жавоб топишимиз мумкин бўлади.

-Розиман, - деди робот, - бунинг учун мен нима қилишим керак?

-Ҳа бу бошқа гап, - дедим топқирлигимга хурсанд бўлиб, - хўп десанг, энди мен савол бераман, сен жавоб берасан, келишдикми?

-Келишдик, - деди робот, - лекин сенга, яъни бизга, керак бўладиган маълумотларнинг барчаси ҳам менда бўлмаслиги мумкин.

-Э-э-э, йў-ў-ўқ, - хушомад қилдим мен роботга, - менимча сен ҳамма нарсани биласан.

-**Биринчидан,-** деди робот, - бизга керакли бўлган маълумотларнинг барчасини дунёда ҳеч бир компьютер ёки робот ўзига сигдира олмайди, уларни фақат китоблардан топиш мумкин. **Иккинчидан,** сен билан бир-биримизни тўғри тушунишимиз учун ҳар бир сўзингни шошмасдан, ўйлаб гапиришингга тўғри келади.

-Керак бўлса, - дедим мен, роботнинг гапни бўлиб, - зарур китобларни топиб, кунт билан ўқишга тайёрман, бунга гап бўлиши мумкин эмас. Лекин “ўйлаб гапир” деганинг нимаси, сенга ёқмайдиган сўз айтмадим шекилли?

-**Учинчидан**, - давом этди робот, - эшитган ҳар бир сўзнинг шошмасдан магзини чақишга ҳаракат қилишни ва вақтни беҳуда сарфламасликни истасанг, гапни бўлмасликка одатланишингга тўғри келади. Қолаверса, менга “ёқадиган” ёки “ёқмайдиган” гап йўқлигини сенга айтиб ўтдим. “ўйлаб гапир” деганда эса мен ҳозиргина сен ишлатган “ҳамма нарсани биласан” деган иборани назарда тутаяпман. **Гап шундаки, мен ҳеч нарсани билмайман, “билади” деб фақат одам тўғрисида айтиш мумкин, у ҳам бўлса ҳамма одамларга нисбатан эмас. Масалан, сен нимани биласан?**

Робот яна жигимга тега бошлади шекилли, хато қилмайман деб:

-Арифметикани биламан!, - дедим.

-**Жуда яхши, ундай бўлса энг катта сонни айт-чи?**

-Буни ҳар бир мактаб боласи билади, - дедим мен, “рақибимни” мот қилишга имкон пайдо бўлганлигига сал кайфиятим кўтарилиб, - энг катта сон бу миллион, триллион, бициليون ва хоказо.

-**Йўқ**, - деди робот, - **энг катта сон – бу тўққиз, тўққиздан катта сон йўқ, ундан кейин Ал-Хоразмий кашф қилган “ноль” келади, холос. Яна нимани биласан?**

Мен жимиб қолдим. Робот ҳам “одамгарчилик” юзасидан бироз сукут сақлаб туриб, гапни давом эттирди:

-Менимча, сен хатто ўз она тилингни ҳам “биламан” деб айта олмайсан, чунки сен ўзбек тилида гапиришни биласан, холос. Ўзбек тилидаги барча сўзларни ва уларнинг маъносини билсангинга бу тилни биламан деб айтишинг мумкин. **Қолаверса, масаланинг иккинчи томони ҳам бор, “билиш” сўзи бир жихатдан “иш – бил”, “бил-иш” деган маънони англатади. Яъни “билиш” сўзи қуруқ сас, товуш эмас, балки маълум бир ишни, ҳаракатни назарда тутаяди. Масалан, сен ўз соғлигинг учун нима фойдали-ю, нима зарарли эканлигини биласанми?**

-Бил...сам... керак, - деб, тилим дарров тишларим ортига бекиниб олди.

-Тўғри, - деди робот, - сен буни биламан деб ҳисоблайсан, аслида эса зарарли одатларга берилиш, кўп овқат ейиш, кам ҳаракат қилиш соғлиққа зиён етказиши тўғрисида шунчаки эшитгансан холос, аммо қандай зиён етказишини аниқ билмайсан. **Лекин, тўғрисида айтганда буни билишнинг ўзи кифоя қилмайди, энг қийини соғлиқ сенга нимага кераклигини билишда.** Буни билганлар эса ичкилик ёки кашандаликка берилмайди, нафсини тияди, ялқовлик ва хузур қилишга ўч бўлган танасининг бекор қолишига йўл қўймайди. Аслида ҳамма бало одам зоти “икки жаҳон оввораси” бўлганлигида. Унинг талаб-истакларга тўла кўнгли бор ва эҳтиёжларга тўла танаси бор. Бироқ одам кўпинча уларни бир биридан ажратишни, яъни истак ва эҳтиёжнинг фарқини билмай қолади. Масалан, одатда оила **эҳтиёжлари** унчалик кўп бўлмайди, уларни қондириш ҳам қийин эмас. Лекин сенинг ва оила аъзоларинг **истакларини** қондиришга бугун топаятган пулингдан ўн баробар кўп маблағ ҳам етмайди.

Умуман олганда, ўзини кимлигини билгандан кейингина одам зоти бирор нарсани “биламан” деб айтишга қодир бўла олади. Таажжубки, одамникидай ақл-заковоти бўлмаган жонзотларнинг барчаси ўзини кимлигини яхши билишади. Масалан бўрининг ташки кўриниши итдан фарқ қилмаса ҳам у ҳеч қачон кўлга ўрганмайди, чунки у ўзининг бўрилигини билади, **яъни фақат ўз табиати, танасининг талаби билан яшайди.**

Одам зоти учун эса, нимагадир ўзини билиш жуда кийин кечади, ҳолбуки бу иш ҳеч ҳам кийин эмас. **Масалан, эркак ўзининг эркаклигини билсагина аёл ва қиз болани камситиш ёки хўрлашдан, унга зарар етказишдан номус қилади.**

-Тўхта, - дедим мен роботга. Сен айтаётган гапларни англаб олишга улгурмаяпман. Сенингча, мен “биламан” деб ҳисоблайдиган билимларимга амал қилсамгина, уларни ҳақиқатан ҳам билган бўламан, шундайми?

-Шундай бўлса керак, - деди робот, - сен ҳозиргина айтган сўзлар мендаги маълумотлар орасида йўқ, лекин борлари сенинг фикрингни тасдиқлайди.

-Масалан?

-Масалан: **“Ўз билимига амал қилмаган одам, устига ақлли китоблар юкланган эшакка ўхшайди”*** ёки **“Икки киши дунёдан ҳасрат билан ўтди: бири – йиғди, емади, иккинчиси – билди, қилмади”**** ва ҳоказо.

Роботнинг бу гаплари бироз руҳимни кўтарди. Озгина бўлса ҳам, нинанинг кўзидай бўлса-да, биздаям бор экан-ку акаси. Шу вақтгача ҳеч ким айтмаган фикрни айтиш ҳазилми сизга!

-Хўп, - дедим мен, - каминани ҳар бир гапни олдин ўйлаб, кейин гапиришга ўргатдим деб ҳисоблайвер, айниқса “биламан” деб энди ҳеч қачон бўлар-бўлмас, йўл-йўлакай айтмайдиган бўлдим. Энди асосий масалага қайтсак. Мен ўзимнинг кимлигимни билиш учун нима қилишим керак?

-Эҳтимол, ўрганишинг керакдир, - деди робот.

-Нимани?

-Ўзингни.

-Қандай қилиб?

-Кузатиб, ўйлаб, фикрлаб, хулоса қилиб. Мен, масалан ўйлаш, фикр юритиш ёки қандайдир маълумотлардан хулоса чиқаришга қодир эмасман, фақат кўп маълумотларни саралаб шулардан бирини танлашим мумкин. Бундай ишни ҳатто оддий қаргалар ҳам қила олади. Сенда эса фикрлаш ва хулоса қилиш имконияти бор.

-Тахминан тушундим, - дедим мен, аслида ҳеч нарса тушунмаган бўлсам ҳам, - лекин нимадан бошлашим керак?

-Масалан, танангдан, - жавоб берди робот.

-Сени тушунмаяпман, - дедим мен, фикрларим тобора чалкашиб бораётганлигини сезиб.

* Ўзбек халқ матали.

** Сайфи Саройи (1321 - ?) шоир, таржимон.

Тушунтиришга ҳаракат қиламан, - деди робот ўзининг бефарк, жонсиз овози билан. Айтчи, шахсан сенинг танангда бошқа ҳеч ким билан адаштиришга йўл қўймайдиган қандай белгилар бор, деб ҳисоблайсан?

-Танамдаги ҳолларимми?

-Йўқ, шошилма, ўйлаб кўр.

-Бармоқ изларим, - дедим мен, детектив фильмларни эслаб.

-Тўғри, - деди робот, - бундан ташқари кўз қорачигинг, конингдаги малекулалар тузилиши, тилингдаги чизиклар, танангинг ҳиди ва ниҳоят, бир идишдан олинган икки томчи сув ҳам бир-бирига ўхшамаганидек, сенинг феъл-атворинг ҳам бошқа ҳеч кимникига ўхшамайди. **Шу вақтгача Ер юзида яшаб ўтган 107 миллиард одамларнинг биронтасида бу белгилар ва сифатлар сеникига ўхшамаган. Сенингча нимага шундай?**

Узоқ ўйга ботдим, лекин роботнинг бу саволига нима деб жавоб беришни била олмадим. У ҳам мени қийин аҳволга тушганлигимни сезгандек, ўртамиздаги жимликни бузмади. Ниҳоят, хаёлимдан ўтган фикрларни бир амаллаб бирин -кетин тилимга чиқара бошладим:

-Бундан келиб чиқадики, сен айтган белгилар бўйича мен ҳеч кимга ўхшамайман, маълум жиҳатдан мен бетакрорман, дунёда яккаю яғонаман... Ташқи кўринишим ҳам бошқа ҳеч кимникига ўхшамайди. Феъл-атворга келсак, шу ёшга кириб менинг кўнглимни ёки сўзларимни тўғри тушунган биронта “икки оёкли” топилмади. Демак, бу ерда қандайдир ҳикмат бўлса керак. Балки табиат одамларни бетакрор қилиб яратишидан ҳам бирон мақсад кўзлагандир? Нима дейсан?

-Бесабаб ва тасодифан ҳеч нарса содир бўлмайди, - деди робот, - жонзотлар дунёсида эса бемақсад ҳеч бир ҳаракат қилинмайди.

-Мени Табиат бетакрор қилиб яратишидан қандай мақсад кўзланган бўлиши мумкин?

-Бу саволга менда жавоб йўқ, - деди робот, - буни фақат одамнинг ўзигина билишга кодир.

-Ахир қандай қилиб? – дедим мен қизишиб, - ҳеч бўлмаганда бирон бир йўл кўрсат!

-Ҳаракат қилиб кўраман, - деди робот. Айтайлик, сен ўзингни Табиатга қандай алоқанг бор деб ҳисоблайсан?

-Қандай алоқанг бор?- деганинг нимаси, маълум жиҳатдан мен Табиат фарзандиман, унинг бир қисмиман, десам ҳам бўлади (Табиатнинг гултожиман, дейишимга сал қолди).

-Жуда яхши, демак Табиатнинг сени яратишдан кўзлаган мақсадини тушуниш учун ўзингни ўрганишинг, тушунишинг ва билишинг керак, холос.

-Оббо, яна ўша гап... Ахир мен бир нарсани тушуна олмаяпман. Ўзимнинг нимами ўрганаман? Ўзимни жуда яхши биламан-ку?!!!

Тухумни синдирмасдан ковуриб бўлмайди

Робот “бип-бип” деб овоз чиқариб қўйди. Бироз кутиб турдим, лекин ундан ўзга садо чиқмади. Нима бало, ўчиб қолдимикин? Кўзлари ҳам назаримда бироз гилайлашгандек. Бирдан, гап нимадалигини тушундим.

“Биламан” деган сўзни ўйлаб гапиришга ваъда берганимдан буён пиёладаги чой совийдиган вақт ҳам ўтгани йўқ, устига-устак “ўзимни биламан” деб қўйибман...

-Бўпти-бўпти, - дедим мен роботга, кийимидаги йиртиқни яширишга уринаётган одамдек шошиб, - аслида ўзимнинг қайси томонларимни ўрганишим мумкин?- деб сўрамоқчи эдим, нимадан бошлашим керак?

-Масалан, муносабатдан, - деди кўзлари жойига келган робот.

-Қанақа муносабатдан?

-**Ўзингга бўлган муносабатингдан, - деди у, - чунки “ҳамма гап муносабатда”. Ўзингга нисбатан қандай муносабатдасан?**

-Одам ўзига нисбатан қандай муносабатда бўлиши мумкин, - хайрон бўлдим мен, - албатта яхши муносабатда бўлади-да!

-Менимча, - деди робот, - сенда бошқалар номидан гапириш ҳуқуқи йўқ. Шунинг учун кел, бир бошдан ва шахсан сен тўғрингда гаплашайлик. Ўзингга бўлган муносабатингни эса ташки кўринишингдан бошлаймиз. **Сен ўз ташки кўринишингга қандай муносабатдасан?**

-Биласанми, - дедим мен ўйланиб, - ташки кўриниш масаласи... бироз нозик масала...

-Нимаси нозик?

-Нима десам экан, - деб чайнала бошладим мен, - ҳамма одамлар чиройли ва қадди-қомати келишган бўлишни исташади (яна бошқалар номидан гапирдим шекилли), лекин...

-Нима лекин? – сўради, бу сафар хатоимни кечирган олижаноб робот.

-Лекин, ҳамма ҳам бундай бўла олмайди.

-**Сен яна ҳамманинг номидан гапира бошладинг, - деди қитмир ва номига олийжаноблик қилган робот, - сен ўз ташки кўринишингга қандай муносабатдасан, ўзингни чиройли ва қадди-қомати келишган деб хисоблайсанми?**

-Унчалик эмас, - дедим камтаринлик билан.

-**Нима унчалик эмас?**

-Нима, нима!.. Масалан, бўйи-бастим унчалик эмас!

-**Бўйи-бастинг “унчалик” эмас экан, “қанчалик” бўлса рози бўлардинг?**

-Масалан 180-185 сантиметрлар атрофида бўлса.

-**Сен бу рақамларни қаердан олдинг?** - сўради робот.

-Қаердан бўларди, аёлларга шундай бўйли эркаклар ёқади.

-**Буни сенга аёллар айтганми?**

-Йўге, ўзим бил..., - дедим-у, суяксиз тилимни тишлаб олдим, - яъни кўпчилик шундай ҳисоблайди, демокчиман.

Робот савол беришдан чарчамади. Мен ҳам бўш келмасдан бу темир кутига одамлар ўртасида ташки кўриниш масаласида маълум бир талаблар борлигини, маълум “эталонлар” , яъни андозалар ўрнатилганлигини тушунтирдим. Айниқса, аёллар кадди-қомати келишганлигининг эталони, намунаси бўлган “90 x 60 x 90” деган ўлчов борлигини тушунтиришда алоҳида жонбозлик кўрсатдим. Робот эса менинг гўзаллик тўғрисидаги илмий асосланган “маърузамни” охиригача тинглаб, яна ўзининг бу масаладаги гўллигини намоён қила бошлади.

-Бундай эталонларни, яъни андозаларни ким ўрнатган?

-Одамлар, - жавоб бердим мен дадиллик билан.

-Сенга бундай эталонлар ўрнатилганлиги ёқадими?

-Йўқ.

-Нега?

-Чунки мен бу эталонлар талабларига унчалик тўғри келмайман.

-Демак, - деди эзма робот, - бошқалар ўрнатган эталонлар сенга ёқмайди, лекин шунга қарамасдан уларга тўғри келмаганлигиндан азият чекасан, кийналасан. **Бошқача қилиб айтганда, сен ўз “эталонларингга” эга бўлишдан кўра, нотўғрилигига қарамасдан, бошқалар томонидан маъқулланган тайёр эталонларга мос келишга ва уларга амал қилиб яшашга интиласан, шундайми?**

Робот узоқ гапирди.

Назаримда у менинг болалик ва ёшлик давримни худди кино экранида кўриб тургандек эди. Мактабда ўқиб юрган пайтларим бакувват ўспиринларга хавас қилганларим, бўйим тезрок ўссин, деб худди ошқовокдек токнинг зангига кўлларимда мадор қолмагунича осилиб турганларим, яширинча ҳар куни бўйимни ўлчаганларим, ҳадеб сочимни хўллаб тараганларим ва ҳар сафар кўзгуга қараганимда қош-у ковогим, картошкага ўхшаган бурним, хабашларникидай бўртиб чиққан лабларим, ҳатто бечора шалпанг кулоқларимдан ҳам ўпкалаб, жиги-бийрон бўлганларим, бари, худди кечагидай кўз олдимдан ўтди. Роботнинг фикрича, ота-онамдан бошлаб атрофимдаги қариндошларим ва тенгдошларим ҳам ташқи кўринишим билан боглик изтиробларим кучайишига салмокли ҳисса кўшишган экан.

-Хуллас, - яқун ясади робот, - ҳозир ҳам сени ўз ташки кўринишинг кониктирмайди. Бошқача қилиб айтганда, ўз ташки кўринишингга бўлган муносабатинг сени қувонтирадиган даражада эмас, шундайми?

-Ҳа, - дедим мен, зўрга товуш чиқариб.

-Ундай бўлса, - деди жонсиз суҳбатдошим, - энди ўз ҳаётингга, турмушингга бўлган муносабатинг тўғрисида ўйлаб кўр. У сенга ёқадими, ундан мамнунмисан, ўзингни “бахтли одам”, деб ҳисоблайсанми?

-Худога шукур, - дедим мен бироз қаддимни ростлаб, - ҳеч кимдан кам жойим йўқ. Эл орасида ўзимга яраша обрў-эътиборим бор. Ўзимни бахтлиман деб айта олмайман-у, аммо... ҳаётим ёмон дейишга ҳам асосим йўқ.

-Сенинг бахтинг – бошқалардан кам бўлмасликда, “ўзингга яраша” обрў-эътиборга эга бўлишда , деб ўйлайсанми?

-Йўқ, - дедим мен бироз ўйланиб, - лекин ўз тенгқурларинг орасида “тенг” бўлиб юриш одам учун жуда муҳим, айниқса эркак учун. “Қаторда норинг бўлсин...” деган гап бор. Қолаверса, бошқалардан кам бўлсанг, сени ҳеч ким тан олмайди.

Робот кўзларини юмиб, бир дақиқа бошини эгиб турди, кейин бирдан сўради:

-Сен фақат ўзингдан кам бўлмаганларни тан оласанми?

-Йўғ-е, - дедим беихтиёр.

-Унда нимага бошқалардан кам бўлсанг, сени ҳеч ким тан олмайди, деб ҳисоблайсан?

Роботнинг саволига қандай жавоб беришни била олмай бошим қотиб қолди. Бу “палакат” ўз саволлари билан мени яна бурчакка тикиб қўйди. Бу “бурчакдан” бир амаллаб чиқиш учун миямга биринчи бўлиб келган гапларни айта бошладим:

- Сен одам бўлсанг, мени тушунган бўлардинг..., - деб гап бошладим-у, негадир машхур фильмдаги “Иван Васильевичнинг” “Одамга ўхшаб гапирсанг тушунаман-да..” деган сўзлари эсимга тушиб ортга чекиндим ва гапни бошқа томонга бураман, деб баттар чалғидим: -Ишкилиб, мен ўзимни бировдан баланд ҳам, паст деб ҳам ҳисобламайман, ҳаётим эса яхшиям, ёмон ҳам эмас, демокчи эдим, холос.

-Бундан келиб чиқади-ки, сен ўзингни ўртача одам деб ҳисоблайсан, шундайми?

-Шундай деса ҳам бўлади, - жавоб бердим мен.

-Яъни, - деди робот, - бошқалардан деярли фарқим йўқ, демокчисан, тўғрими?

Роботнинг бу саволини эшитиб, у билан бўлган биринчи суҳбатимиз эсимга тушди. Ўйлаб қарасам, шунча гапдан кейин ҳам биз деярли бир кадам ҳам олдинга силжимадик. Яна ўша гап, бошқалардан нима фарқинг бор, яъни **кимсан ўзи?**, деган саволга жавоб йўқ эди. Бузоқ айланиб, сомонхонага қайтиб келди...

Робот мени ухлаб қолмаганлигимга амин бўлиш учун саволини такрорлади:

-Демак, сен бошқалардан фарқим йўқ демокчисан, шундайми?

Мен бошимни ирғаб қўйдим, чунки кўпинча фикримдан олдинроқда чопиб юрадиган тилим бу сафар айланмай қолди.

Роботнинг эса яна чакаги очилди:

-Сенга ўз ташқи кўринишинг унчалик ёқмайди. Турмушингдан, ҳаётингдан ва умуман ўзингдан мамнун эканлигинг сезилмайди, яъни мактаб тилида айтганда узингга “5” баҳо қўёлмайсан. Донолар фикрича “Модомики, ўзингни аввало ўзинг баланд баҳоламас экансан, дунё ҳам сен учун юқорирок нарх қўймайди”. Рухшунослар эса “Одам ўзига нисбатан қандай муносабатда бўлса, бошқаларга ҳам худди шундай муносабатда бўлади”, деб ҳисоблашади.

Бу гап менга нимагадир огир ботгандек бўлди ва мен осилган бошимни жўжахўроздай кўтариб, дўқ қилиб қўйдим:

-Бу билан нима демоқчисан?!

-Айтганимдан бошқа ҳеч нарса демоқчи эмасман, - деди робот. Менда одамларга ўхшаб “гапнинг тагига гап қўйи” сўзлаш қобилияти йўқ. Бундай қобилият бўлиши учун сўзнинг ўзидан ҳам мухимроқ ва ишончлироқ нарса, яъни оҳанг билан гапиришни ўрганишим керак. Биз сен билан “муносабат” тўғрисида гап бошладик, шунинг учун бу масаладаги руҳшунослар фикри сенга ёрдам бериши мумкин, деб айтдим, холос.

“Жўжахўрознинг боши” ўзининг одатдаги жойига қайтиб ўрнашиб олди. Руҳшунослар фикри нима учун менга ёқмаганлигини унчалик англаб етмадим, лекин муносабат мавзусини аниқроқ тушуниб олишга ўзимда бир интилиш, қизиқиш сездим. Ноқулай вазиятни бир дақиқа сукут билан юмшатиб, роботдан суҳбатимизни тўхтаган жойидан давом эттиришини илтимос қилдим. У менга яна савол берди:

-Ўзингга ва ўз ҳаётингга нисбатан бўлган муносабатингни айтайлик, аниқлаб олдик. Энди ўйлаб кўр, бошқаларга, атрофингдаги таниш ва нотаниш одамларга қандай муносабатдасан?

Бу саволга жавоб бериш мен учун ҳечам қийин эмас эди ва мен роботга хасрат дафтаримни дастурхон қилиб бор гапни тўкиб -сочдим. Мен бошқаларга қандай муносабатда бўлардим... Яхшига – яхшиман, ёмонга – ёмон. Афсуски, ёмонлар кўпайиб кетган. Яхшилиқни биладиган одам деярли қолмади. Тирикчилик осон иш эмас, устига - устак бугун одамларнинг аксарияти фақат ўзини ўйлайди, “ўзим бўлай, менга бўлсин” дейди. Ёлгончилик, алдамчилик, молпарастлик, ҳасадгўйлик... Ука акани ҳурмат қилмайди, фарзанд –отани. Қариндошларнинг бир-бирига меҳри йўқ, **“йўқ бўлса беролмайди, бор бўлса – қўролмайди”**. Уйда тинчлик, ҳузур – ҳаловат нималигини билмайсан, ва ҳоказо, ҳоказо...

Булар тўғрисида қуйиниб, қизишиб, энг янги “теша тегмаган” мисоллар келтириб бўлганимдан кейин, робот менга бир ривоят айтиб берди.

-Қишлоқ чеккасида ўсиб турган катта чинор тагида бир мўйсафид ўтирган экан. Йўлдан ўтиб бораётган одам унга мурожаат қилибди:

-Ота, мен бир мусофирман, жуда узоқдан келяпман, агар тўғри келса, мана шу қишлоқда яшамоқчиман, қишлогингизда яшайдиганлар қандай одамлар?

Чол ҳам жавоб ўрнига мусофирга савол берибди:

-Сен туғилиб ўсган қишлоқда қандай одамлар яшайди?

-Менинг қишлогимда ёмон одамлар яшайди, - жавоб берибди йўловчи, - уларнинг кўпчилиги ақлсиз, виждонсиз, манман, гийбатчи, ёлгончи ва ҳасадгўй. Шунинг учун қишлогимдан кетдим.

-Бизнинг қишлогимизда ҳам худди шундай одамлар яшайди, - дебди қария.

Буни эшитган йўловчи ўз йўлидан кетаверибди.

Бироздан кейин узоқдан яна бир йўловчи кўринибди, у ҳам чолга яқинлашганидан кейин:

-Ота, мен шу қишлоқда яшамоқчи эдим, қишлоғингиздагилар қандай одамлар? – деб сўрабди.

-Сен яшаган жойнинг одамлари қандай?- сўрабди ундан чол.

Йўловчи унга:

-Қишлоғимизда яхши одамлар яшайди, меҳр-оқибатли, ҳалол ва меҳнатсевар одамлар, - деб жавоб берибди йўловчи.

-Ундай бўлса, - дебди қария, - бизнинг қишлоғимизда ҳам худди шундай одамлар яшайди.

Йўловчи чолга миннатдорчилик билдириб, қишлоқ томонга йўл олибди.

Назаримда робот бу ривоятни айтиб бериб, юзимга бир шапалок туширгандек бўлди. Лекин қайси гап одамнинг кўнглига қандай тегишини билмайдиган бефаҳм робот худди ҳеч нарса бўлмагандек, тўнгиллаб қўйди:

-Бу ривоятдан қандай ҳулоса чиқариш мумкин, деб ўйлайсан?

-Ўйлаб кўришим керак, - дедим зарда билан. Қолаверса, бир сонияда миллионлаб маълумотларни саралаб чиқадиган компьютер эмасман, кўнглим огриганида эса умуман каллам ишламай қолади. Сен билан суҳбатлашиш мен учун осон эмас, дангал айтилган гапларинг ичак-чавогимни ағдариб ташляпти.

-Тухумни синдирмасдан қовуриб бўлмайди, - деди сурбет темир ва худди мутлақо беозор гап айтгандек қилиб, пинагини ҳам бузмасдан ривоятдан қандай ҳулоса чиқарганимни яна сўради.*

Нима деб жавоб беришни ўйлаб, жим бўлиб қолдим. Аслида эса ривоятнинг маъноси ойдек равшан эди. Гап ҳечам атрофдаги одамларда, уларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, одатлари ва қиладиган ишларида эмас, балки сен уларга қандай кўз билан қарашингда. Лекин қандай қилиб..., қандай қилиб... менинг чин дилдан бўлган ишончимдан фойдаланиб алдаган ёки яхшиликларим эвазига “юзимга оёқ қўйган” ёки мендан зигирча ёмонлик кўрмаса ҳам кўнглимни бир умр эсдан чиқмайдиган даражада огритган ёки бугун ҳам огритиб келаётган одамларга, қандай қилиб бошқача назар билан қарашим мумкинлиги менинг аклимга ҳеч сигмаётган эди.

Бирок роботнинг саволига жавоб бериш керак эди ва мен ўзимга ҳам айтишни истамаган гапни айтдим:

-Ўзинг қандай бўлсанг, худди шундай одамлар сенга йўлдош бўлади.

-Тўғри..., лекин соат тўрт бўлди, - деди робот ва кўзларининг нури секин пасайиб, ўчиб қолди.

Хайрлашмадиям, беъмаза, деган хаёл билан хонадан чиқиб кетдим.

* Наполеон Бонапарт (1769-1821) француз давлат арбоби ва саркардаси.

Даҳолар сири

Орадан икки ҳафтача вақт ўтди. Бироз паришонхотир бўлиб қолибман шекилли. Ишхонадагилар, таниш-билиш ва уйдагилар ҳам менга одатдагидан узоқроқ тикилиб қараётганликларини сездим.

Ҳамкасбларим бир-икки марта исмимни қулогимга бакиришди, чунки ёнгинамда туриб чақиришса ҳам эшитмабман. Пиёла четда қолиб, чойни шакар турган идишга қуйибман. Ва, ниҳоят кўчада кетаётиб йўлакнинг қоқ ўртасида туриб қолганимда одамлар менга худди ёз пайти ясалган арчани кўргандек, қулимсираб қараб ўтаётганликларини сезиб, ўзимни кўлга олишга қарор қилдим.

Робот билан бўлиб ўтган суҳбатларимиз мавзуси тўғрисида бировдан маслаҳат сўраш фикридан аллақачон қайтган эдим. Чунки хотинимдан “Сен кимсан?”, - деб сўраганимда у нимагадир хўнграб йиглаб юборди. Ёшлиқдан бирга ўсган огайним: -Сенга ёрдам бераман, “психоневродиспансер”да ишлайдиган танишим бор, - деб масхара қилди. Кўшним кўлига белкурак олиб кетимдан югурди.

Ишқилиб, якшанба куни улфатларимнинг навбатдаги зиёфатидан ҳам воз кечиб, ёлғиз қолсам ўйлашга ҳеч ким ҳалақит бермайди, деб, балиқ овини баҳона қилдим-да, қўлимга қармоқларни олиб шаҳардан четга чиқиб кетдим.

...Ҳақиқатан ҳам менинг ҳаётим, кундалик турмушим қандай? Бундай савол илгари ҳеч қачон миямга келмаган экан. **Эсимни танибманки, доим ниманидир кутиб яшайман:** мактабга боришни интиқиб кутдим, кейин ўқиш тезроқ тамом бўлишини. Институтга киришни орзу қилиб яшадим, кейин қачон қўлимга диплом тегар экан, деб шошилдим. Ишга кирганимдан кейин эса нуқул маошни кутадиган бўлдим. Уйланишим “тарихи” худди тушдагидек... гўёки кўзимни юмиб очдим-у, қарасам энди мен оилали одам бўлиб қолибман. Кейин фарзандлар тугилди, беташвиш ўтадиган куним қолмади ҳисоб. Энди улар тезроқ катта бўлишларини кутаяпман. Робот айтганидек, доим қаергадир ва нимагадир шошиб яшадим. **Шу вақтгача яшаган умрим гўё бир зумда ўтиб кетгандек...**

Сувга қармоқ ташлаб, ўрнашиб олдим ва атрофимга диққат билан назар солдим. Қишлоқ далаларининг кўм-кўк манзараси ва осмондаги оппоқ булутлардан узоқ вақтгача кўзимни уза олмай қолдим.

Табиат ҳаёти менинг ҳаётимнинг мутлақо акси, у умуман шошмайди, ўз ишини бир маромда, тинимсиз ва ҳеч куч ишлатмасдан бажаради. У барча жонзотлар устидан ҳукмронлик қилади, лекин бу қудратли ва чексиз ҳукмронлик жонзотларга ҳечам огирлик қилмайди, чунки у ҳар бир тирик жонга эркинлик бериб қўйган.

Оёгим тагида оқаётган ариқ тўлқинлари енгил шабададан жилваланиб турибди. Сувдан эса майин эпкин урилади.

Тўсатдан, мавжлар орасидан бир қурбақа сакраб чиқиб, сув юзасида қалқиб турган қамиш устига ўтириб олди. Тўғриси, қурбақалардан ижирганаман, лекин бу сафар “кутилмаган меҳмонни” қувиб юбориш ўрнига,

диққат билан кузата бошладим... Нақадар ёқимсиз башара. Бўртиб чиққан кўзлар, бутун танаси худди йиринг босган ярачалар билан қоплангандек. Шундай бадбашара махлуқдан ҳам авлод қолиши, унинг ҳам ўз “оиласи” бўлиши, у ҳам кимнидир яхши кўриши ёки ёқтирмаслиги мумкин, деган фикрлар ҳаёлимдан ўта бошлади. Тасаввур қилишга жуда ишқибоз бўлган ақлим бу сафар ҳам ҳаёлимни олиб қочди:

Қурбақа ҳозир сувга шўнгиб “уйига” кетади, йўл-йўлакай танишини учратади, ҳол-аҳвол сўрашишади ва менинг танишим бўлган қурбақа иккинчисига шундай дейди:

-Шу десангиз, сув юзасига чиққан эдим, бир одамни кўрдим. Уларни биласиз-ку, шунақанги ҳунук, танаси арчилган бодрингдек сип-силлик, афтига қарасанг кўнглинг айнийди.

-Ҳа-а-а, - дейди иккинчи қурбақа, - дунёда турли махлуқотлар жуда кўп, одам эса энг антиқаси, сувда ҳам яшай олмайди, сувсиз ҳам; икки орқа оёғида юради, кечаси ухлайди, кундузи қилган ҳаракатларини эса тушуниб бўлмайди, оёқ босмайдиган жойи йўқ. Бошқа жониворларга ўхшаб қадамини қаерга қўяётганини ўйлаб ҳам ўтирмайди, улар нуқул қурбақаларни босиб кетишади.

-Нимасини айтасиз, - дейди мени кўрган қурбақа, - бизнинг бувамизни ҳам одам босиб кетган экан, бечорани асфальтдан зўрға қирғичлаб олиб дафн қилган эканлар. Лекин бувамнинг ёшиям анчага бориб қолган эди, сал кам 7 йил яшаганлар.

Шу пайт уларнинг ёнгинасидан ёшгина, кўхликкина, ихчамгина шим кийиб олган, уяли телефонда гаплашиб бораётган қурбақача сувни лойқалатиб оҳиста сузиб ўтиб кетади. Иккала қурбақа ҳам гаплашаётган гапларини унутиб, унинг кетидан қараб қолишади.

-Йўз-ей! – дейди, ниҳоят ўзига келган иккинчи қурбақа, - етти йил умр кўриш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди, бахтли қурбақа эканлар.

-Ҳа, - дейди менинг таниш қурбақам, - ўзиям катта қурбақа бўлганлар, кабинети кўлимизнинг энг чуқур жойида бўлган. Мана менинг ўғлим ҳам бувасининг касби бўйича ўқишга кириб, чувин тутиши бўйича мутахассис бўлмоқчи.

Кейин гап футболга ўтади ва қурбақаларнинг ҳар бири бу ўйиннинг йирик мутахассиси эканлигини бир-бирига намоён этиб бўлишгач, қишлоқ қурбақаларининг ҳаётидаги янгиликлар ёки эски бўлса-да мароқли ҳангомалар муҳокамасига ўтишади.

Ишқилиб, иккала қурбақа ярим соатча шунга ўхшаган гаплар билан ҳавони тебратиб охири уй-уйига кетишади. Уйда эса хотинлари уларга уйни таъмирлаш кераклигини, қариндошнинг тўйига тўёна тайёрлаш зарурлигини, болаларни мактабга тайёрлаш вақти келганлигини, улфатларидан хабарчи келиб кечқурун уни ботқоқда қутишларини бирин-кетин гапиришади.

Қурбақачалар кечқурун оналари билан биргаликда сериалларни томоша қилиб бўлгач, ухлаб қолишади. Ярим кечада қурбақа ботқоқхонадан

қайтиб келади. Ҳовлисида унинг олдига югуриб чиққан итбалигининг бошини силаб қўйиб, ичкарига кириб чала ечинган ҳолда ухлаб қолади.

Эртасига эрталаб ҳар ким ўз юмушлари билан уйдан чиқиб кетади, қурбақаларнинг бир-биридан деярли фарқи бўлмаган кундалик ҳаётлари шу заилда давом этади...

Миямга келган бу хаёллардан ўзим сесканиб кетдим...

Робот билан кейинги учрашувимизда қандай бўлмасин мени қийнаётган барча саволларга жавоб олишга қатъий қарор қилдим. Қарорим пухта ўйланган режага асосланганлиги туфайли бу сафар робот мени чалгита олмаслигига амин эдим. Унга биринчи берадиган саволимнинг ўзи масалага ойдинлик киритиши аниқ.

Шундай қилиб, робот билан юзма-юз қолганимдан кейин, ундан сўрадим:

-Майли, дейлик мен ўзимни кимлигимни билмаслигимни тан оламан.

Хўш, сен *ўзининг кимлигини биладиган биронта одамни биласанми?*

-Мен ҳеч нарса билмаслигимни сенга айтган эдим, - деди робот.

-Оббо, ўргилдим сўзга пухталигингдан, сенга бунақа одамлар маълумми, деб сўромокчи эдим!

-Ҳа, албатта, - жавоб берди у, - улар сенга ҳам маълум.

-Менга?!

-Ҳа.

-Хўш, улар ким экан?

-Улар унчалик кўп эмас, лекин оз ҳам эмас.

-Масалан?

-Масалан, **Беруний, Достоевский, Ибн Сино, Алишер Навоий, Микеланжело, Моцарт, Пифогор, Фирдавсий, Форобий, Юлий Цезарь Эдисон, Эйнштейн, Умар Ҳайём...**

-Ола-а! – дедим мен, ажойиб режам чиппака чиққанига ҳафсалам пир бўлиб, - Ибн Сино, Эйнштейн эмиш!!! Эсинг жойидами?! Улар киму – мен кимман?!

Робот гўё умрида биринчи бор менга савол бераётгандек қилиб:

-Хўш, сен кимсан? – деди.

Ўтирган жойимда худди беҳосдан заҳарли илон устига ўтириб олган одамдек курси билан бирга сакраб тушдим, тепа сочим тик бўлиб, кўзларим чаногидан чиқиб кетгудек бўлди. Икки марта ўрнимдан туриб яна жойимга ўтирдим. Миямда негадир фақат сўкиш ва ҳақоратли сўзлар айланар эди. Ниҳоят, бир амаллаб ўзимни қўлга олдим.

-Менимча сен... мен билан ҳазиллашаяпсан, тўғрими? – дедим унга жиддий тикилиб.

-**Йўк, - деди у, - мен ҳазилни тушунмайман. Ҳазилни фақат одамлар, аникроғи, фикрлаш доираси кенг бўлган одамлар тушунишади. Бу доира қанчалик тор бўлса, унга сиғадиган ҳазил ҳам шунчалик майда, қўпол ёки бачкана бўлиши мумкин.**

-Демак..., - дедим тутлиқиб, - демак сен, ҳар бир одамнинг, ҳатто менинг ҳам, агар ўзимнинг кимлигимни билсам, сен айтган одамлар каторида бўлишимга..., нима десам экан..., улар қаторида бўлишга имконим бор демокчимисан?

-Йўқ, - деди робот, - шунчаки, сен билан улар орасида аклий ёки жисмоний жиҳатдан қандайдир жиддий фарқ борлиги тўғрисида менда ҳеч қандай маълумот йўқ. Яъни бу нуқтаи назардан ҳамма тенг. **Ҳар бир одам даҳога айланиши мумкин. Шунчаки бировга бунинг учун ўттиз йил керак, бошқа бировга – уч юз йил.**

-Ахир, сен айтган одамлар оддий одам эмас-ку, - қизишиб кетдим мен, - улар бутун дунёга машҳур, буюк ва даҳо одамлар. Даҳо билан оддий одам орасида осмон билан ерча фарқ бор!

-Қандай фарқ? – сўради робот.

-Қандай бўларди, улар маълум бир истеъдод билан тугилган!

-**Сен истеъдодсиз тугилганмисан?** – деди одамнинг юзи-кўзининг ахамиятини билмаган ва фаҳм-фаросатдан кейин тугилган темир қути.

Бу саволга нима ҳам дейиш мумкин эди. Болалигимда футбол ўйнашни жуда яхши кўрардим, лекин футбол клубининг машгулотларига боришимга дадам руҳсат бермаганлар. Футболни бекорчилар ўйини деб ҳисоблардилар.

Бир вақтлари рубоб чалишга ишқибоз бўлганман, ўқитувчим: “Сендан бир нима чиқади” дердилар. Роса уч йил тўғаракка катнашганман. Кейин қандайдир бир кўрик-танлов бўлиб ўтди, мен ҳатто учинчи ўринни ҳам эгаллай олмадим. Катта акам ўшанда “Шалпангқулоқ созанда бўлмоқчилар!”, - деб устимдан кулганди, шундан кейин қайтиб қўлимга рубоб олмаганман.

Расм чизишга ҳам қизиққанман, лекин қоғоз ва бўёқлар нарҳини билгач, онам уларни “кейинроқ олиб беришни” ваъда қилдилар. “Кейинроқнинг” келиши эса жуда кийин бўлди ва ҳоказо. Ишқилиб, буларни истеъдод деб аташ мумкин бўлса, улар бўлган, албатта. Буни роботга айтдим.

-Яъни, сенда ҳам маълум истеъдод бўлган, демак **даҳо одамлардан сенинг фарқинг истеъдод бор-йўқлигида эмас.** Шундай экан, фарқ нимада бўлиши мумкин?

- Эҳтимол, тиришқоқликдадир?..- дедим иккиланиб.

- Тўғри. Сенинча бирор бир ишни тиришқоқлик билан қилишга одамга нима туртки бериши мумкин?

-Ҳоҳиш-истак бўлса керак...

-Қандай ишни ўзингни мажбурламасдан, қийналмасдан, ҳоҳиш-истак билан қиласан?

-Ўзимга ёққан ишни-да!

-Бошқача қилиб айтганда, ўзинг яхши кўрган ишни, шундайми?

-Ҳа-да!

-**Демак, даҳо одамлардаги тиришқоқлик уларнинг ўз ишига бўлган кучли ихлосидан, ишини яхши кўришидан пайдо бўладими?**

Робот берган бу саволнинг ўзида жавоб ҳам яширингани аниқ эди, лекин ҳар қандай масала бўйича ҳамisha тайёр жавобга эга бўлган каллам бир қарашдан маъноси кундек равшан бўлган гап устида ўйлашга мажбур бўлди.

Фикрларим огир юк юкланган аравадек гижжиллаб зўрга ўрнидан кўзгалиб, кейин бирдан яшин тезлигида уча бошлади.

Нахотки энг мураккаб туюлган саволларга жавоб шунчалик оддий бўлса?! Менда тиришқоқликдан асар ҳам йўқ, бир ишни бошлашим билан 15 дақиқадан кейин ё зерикаман, ё чарчаб қоламан ёки шу ишни кейинроқ қилиш учун баҳона ахтара бошлайман.

Аммо ўзимга ёққан, ўзим истаган бирон- бир машгулотга киришиб кетишим билан ҳамма нарсани унутиб қўяман, на вақт ўтганини, на қорним очганини пайқайман. 12-13 ёшларимда ўз қўлим билан варрак ясаб учирини жуда-жуда истаганим эсимга тушди. Биринчи варрагимни ясашга икки кун кетди. Ўшанда уч-тўрт қарич келадиган қамиш ахтариб нафақат ўзимизни, қўшниларнинг ҳовлиларини ҳам титкилаб чиққан эдим. Охири қишлоғимиздан 4 километрча узоқда жойлашган қўлга бориб, тиззамгача лойга ботиб, совуқ сувга тушиб бир даста қуриган қамиш олиб келдим. Қамишни бутун узунлиги бўйича тик ўртасидан бўлиш керак эди. Қамишларнинг ярмидан кўпини ўртасидан бўламан, деб яроқсиз ҳолга келтириб, бармогимни кесиб олганимдан кейин қоронги тушиб қолганини билиб қолдим. Тушимда ҳам варрак билан бўлиб чиқдим. Эрталаб онамнинг қистовлари билан зўрга турадиган одам, хўроз қичкириши билан сапчиб ўрнимдан туриб “устахонам”га югурдим. Фақат тўртинчи ёки бешинчи уринишдагина мен ясаган варрак осмонга учди. **Ўшанда ўз қўлларим билан ясаган варрагимнинг осмонда чарх уриб учишидан олган завқимни ҳеч унута олмайман.**

Худди шунга ўхшаб, устачилик қилиш, ёгочдан ҳар хил буюмлар ясаш ҳам жони дилим, бундай пайтларда қўлларим қавариб кетганини ҳам билмай қоламан.

Бу хотиралар чакмоқ тезлигида хаёлимдан ўтди ва мен роботга шуларни гапириб бердим. У эса ҳар галгидек, гапим тугаши билан лўкма ташлади:

-Демак, тиришқоқлик тўғрисида қандай ҳулоса қилиш мумкин, деб ҳисоблайсан?

Мен ҳам роботдан қолишмаслик учун, худди аёлларга ўхшаб, “Гапирмагунимча нима ўйлаётганимни қаердан билай”,- деган йўсинда фикрларимни хомаки бўлса ҳам айтиб қолай, айтганларим устида эса кейинроқ ўйлаб кўрарман, деб мулоҳаза юрита бошладим:

-Киши ўзига ёқмаган ишида тиришқоқ бўла олмайди, ўзи истаган ишга эса бор кучини сарфлаб ҳам чарчамайди, у бутун вужуди билан шу иш орқали эришмоқчи бўлган мақсадига интилади. Бу худди севишганларнинг бир-бирига интилганига ўхшайди, чунки улар висолга етишиш учун ҳар қандай тўсиқ ёки қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёр бўладилар.

Кимдир айтганку: **“Ошиқ бўлиб қолган туя устидаги юкнинг оғирлигини билмас экан”** деб.*

Демак, менимча, киши кўнглидаги ўз мақсадини амалга оширишга хизмат қиладиган тиришқоқликни фақат айрим одамларга хос бўлган фазилат деб эмас, балки ҳар бир инсоннинг ўз ишига бўлган меҳри, мухаббати, ихлоси билан бирга юрадиган чексиз қувват манбаи, деб аташ мумкин экан. Ҳатто даҳолар

хам ўзлари кўнгил кўйган фаолият билан шугулланганликлари туфайли юксак натижаларга эришган бўлса керак. (Ғапираяпману, гапларимга ўзим ҳайрон қолаяпман). Ҳамма гап ўзинг севган иш билан шугулланишда экан.

-Ҳа, - деди робот, - даҳолар айтишича, ҳаётда арзимас ёки аҳамиятсиз нарсанинг ўзи йўқ, лекин одамнинг ўз касбига бўлган муносабати - унинг ҳаёт йўлини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири экан. **Уларнинг фикрича, турмушдаги аксарият кўнгилсизлик, касаллик, асаббузарликлар, ва хатто фожеалар ҳам одамлар ўзи севмаган, аниқроғи уларнинг ўз табиатига мос бўлмаган фаолият билан шугулланишларидан келиб чиқар экан.** Таъбир билан айтганда: “Ошпаз этик тикса, этикдўз гўмма пиширса” – иш ҳамиша чатоқ бўлади. Ўзига мос касбни танлай олмаган одамнинг қиладиган иши ўзи учун азобга, атрофдагилар учун эса жабр ёки зулмга айланиши мумкин.

-Тўғри, - жавоб бердим мен, - ҳамма гап ўзинг севган иш билан шугулланишда эканлигини тушуниб етдим. Лекин... лекин кўпинча бунинг иложи бўлмайди.

-Нима учун?

-Чунки “уй-рўзгор”, “бола-чақа” деганларидек, барибир, кўпинча кун кўриш учун иш турига, кўнгил майлига қараб ўтирмасликка тўғри келади. Қолаверса, ўзимга ёқадиган иш билан шугулланиш учун маълум маблағ, маълум шароит бўлиши керак. Ер экиб деҳқончилик қилишга ҳам, тижоратга ҳам дастлабки сармоя бўлмаса ҳеч иш қилиб бўлмайди. Алқисса, бир ошнам айтганидек, пул ва тегишли шароитсиз на тижорат ва на зиёрат, на юлдузлар ва на космос билан шугулланишнинг иложи йўқ.

-Космосга учиш ғояси биринчи бўлиб миясига келган одамда на шароит, на маблағ бўлмаган, - деди “космос” сўзини илғаб олган робот. Лекин у биринчи космос кемаси пайдо бўлишидан 70 йил олдин Сибирдаги чекка қишлоқларнинг бирида ўқитувчилик қилиб, бўш вақтларида ёғочдан космос кемаларининг макетларини ясаган. Унинг исми Константин Эдуардович Циолковский.

-Тўхта, - дедим мен, фикрларим яна чалкашиб кетаётганлигини сезиб.

Бироқ робот худди ҳеч нарса эшитмагандек гапини давом эттирди:

-Абу Али Ибн Синода биринчи марта инсон танасини ёриб кўриш учун шароит у ёқда турсин, ўша замоналарда уни бундай ғояси учунгина ҳеч иккиланмасдан қатл қилишлари мумкин эди.

Буюк кимёгар Д.И. Менделеевни дунёга машҳур бўлишидан илгари мустаҳкам ва чиройли жомадонлар ясаيدиган ажойиб уста сифатида танишган.

Пир даражасига етган Паҳловон Маҳмуд бир умр Хивада пўстиндўзлик қилган.

Умар Ҳайём аслида машҳур математик ва астроном бўлган.

Ҳазрати Довуд пайғамбар темирчилик билан кун кечирган, Фирдавсий...

*Ғаззолий (1058-1111), ислом илоҳиётчиси, файласуф.

-Тўхта – тўхта, тўхта! – дедим мен кўлларимни паҳса қилиб.

Лекин робот юкоридан пастга югуриб келаётган одамдек, бирдан тўхташи кийин бўлди шекилли, менга бир караб қўйиб, гапини якунлади:

-Умуман олганда, хаётда бирон из қолдирган одамларнинг мутахассислиги ёки касби-кори аксарият холларда улар дунё учун қилган ишига алоқаси бўлмаган ва уларни ҳеч ким сармоя билан таъминламаган ёки зарур шароит яратиб бермаган.

Робот гапиришдан тўхтади. Мен ҳам пахса қилиб кўтариб турган кўлларимни туширдим ва ўрнимдан туриб хонада у ёқдан бу ёққа юра бошладим. Ўйлаб қўйган режам нимадан иборат бўлганлигини ҳеч эслолмадим.

... Сен кимсан.., ўзини биладиганлар.., сен уларни танийсанми...

-Ҳа! - дедим мен, калаванинг учини топган олимдек дадиллик билан. Демак, гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, мабодо ҳозирнинг ўзида сенинг олдинга ҳақиқий Циолковский, Беруний ёки Юнус Ражабий келиб – мен фалончиман деса, сен... унга қайтадан “Сен кимсан?”, деб савол бермайсан, шундайми?

- Ҳа, - деди робот.

-Яъни, унинг кимлиги сенга шу заҳоти маълум бўлади, шундайми?

-Ҳа.

- Сени тушундим шекилли. Токи одам тарихда қоладиган бирон иш қилмагунича у ўзининг кимлигини била олмайди, демоқчисан!

- Шундай деса ҳам бўлади, - деди робот, - лекин тарихда номлари қолган одамларнинг ҳаммаси ҳам ўзининг кимлигини билган, деб бўлмайди. Яъни аниқроқ қилиб айтганда, ўзининг кимлигини билиш учун оламшумул иш қилиш шарт эмас, демоқчиман.

Роботдан бундай жавоб эшитиш умуман хаёлимга келмаган эди.

Уни тузоққа тушириш учун тайёрлаган тўрим тешик бўлиб чиқди. Тарвузим кўлтигимдан тушиб, ҳафсалам пир бўлди. Эҳтимол, мен робот айтаётган гапларни тушунишга кодир эмасдирман, балки бу гапларни менга кераги ҳам йўқдир, шу вақтгача бинойидай яшаб келдим, нима қиламан бошимни оғритиб?!

Тавба, кимни қарасанг ақл ўргатади, энди жонсиз робот миямни ачитиши камлик қилаётганди...

“Сен кимсан?” эмиш! Ўргилдим техниканг тараққиётдан. Нима, бош қотиришига муаммоларим озмиди-ки, электрон сўз устаси билан гап сотиб ўтирсам! Яна бир марта тавба.

Шунга ўхшаш фикрларимга котиба қизнинг “Вақт бўлди” – деган овози чек қўйди ва мен ўзимга ўзим “Айни муддао!”, - деб, курашда йиқилса ҳам бошини эгмаган полвондек хонадан чиқиб кетдим.

Пири комилдан сўрадим...

Орадан бир ойча вақт ўтди, бироқ роботнинг олдига боришга юрагим дов бермади.

Ҳар хил китобларни топиб ўқий бошлаганлигим туфайли кечкурунлари ва хатто дам олиш кунлари ҳам уйдан чиқмайдиган бўлиб қолдим. Деярли ҳар ҳафтада учрашиб турадиган улфатларим ҳам, кўчада тили билан “дунёни айлангириб” ўтирадиган қўшнилари ҳам бир-икки марта ўз давраларига чорлашга уриниб кўришди-ю, охири мени тинч қўйишди.

Эрта-ю кеч китоблардан бош кўтармаётганимни кўрган хотиним безовталана бошлади ва тажрибали разведкачиларга ўхшаб мени зимдан кузатиб, кутилмаганда хонамга кириб арзимас саволлар билан мурожаат қиладиган бўлиб қолди: “ҳеч нарса керак эмасми, чой дамлаб берайми” ва ҳоказо.

Ниҳоят, кунлардан бир кун очик ҳужумга ўтди:

-Ишқилиб, ўқиётганларингиз йўлдан оздирадиган китоблар эмасми, дадаси?

-Кўркма, - дедим бетоқатлик билан, - фалсафий китоблар ўқияпман.

-Шўринг кургур Адҳам акам ҳам китоб ўқишдан бошлаган эди, - деди хотиним йигламсираб, - охири бегона юртларда йўқ бўлиб кетди, шўрлик.

-Айтдим-ку, фалсафа деб, бор ишингни қил, - дедим-у, жаҳл билан китобни ёпдим.

Хотиним хонадан чиқиб кетгач, китобни очиб ҳозиргина ўқиб ўтирган бетини ҳеч тополмадим. Хаёлларим ҳар томонга тарқаб кетди.

Адҳам ака... хотинимнинг акаси... У ҳам бир вақтлари китоб ўқишга берилиб кетган эди. Алламбало китоблар... Тўхта-тўхта, ахир “Ўзликни англаш таълимоти”, “Ўзингни билиш”, “Худони англаш” каби ибораларни айнан Адҳам акадан эшитган эдим-ку.

Нахотки, ақидапарастларни ҳам шу масалалар қизиқтирган бўлса?

Йўге-е... Ақидапарастлик дегани бу... ақидапарастлик-да!

Ўйлаб қарасам, бу сўзнинг маъноси нималигини умуман тушунмас эканман.

Китобларни ўқиганим сайин саволларим ҳам кўпайиб борди. Ўзимни жуда билимдон ҳисоблардим. Аслида эса бурнимнинг учидан нарини кўрмас, телевизорда томоша қилинган, фикринг ва туйғуларингни қитиклайдиган, лекин ўйлашга ундамайдиган хангомалар ҳамда кинофильмлардан олган тасаввурларимдан бошқа деярли ҳеч нарса билмас эканман.

Кунлар ўтиши билан роботни кўриб гаплашиш истаги ошиб борди ва ниҳоят, бир талай саволларимни қогозга тушириб унинг олдига бордим.

-Ишқилиб, мени йўқотиб қўймадингми? – сўрадим роботдан.

-Саволингни тушунмадим, - деди у.

-Охирги сухбатимиздан кейин орадан шунча вақт ўтди, - дедим бироз гина билан, - ҳеч бўлмаганда мени эслаб тургандирсан, ахир?

-Мен учун вақт тушунчаси йўқ, - деди бетаъмиз робот, - бировни эшлаш деганда эса хотирамга фақат шу одамнинг гаплари келади, холос.

Гинамни ичимга ютиб гап бошладим:

-Менга ёрдам беришни ваъда қилгандинг, сенга берадиган жуда кўп саволларим бор.

-Мен тайёрман, - деди робот.

Кўлимга ручкани олиб, саволлар ёзилган дафтаримни очдим.

-Биласанми, - дедим бироз ийманиб, - менинг саволларим сенга сал галати туюлиши мумкин, устимдан қулмайсанми, ишкилиб?

-Мен қулишни билмайман, - деди робот.

-Ундай бўлса, биринчи саволимни эшит, - дедим дадиллашиб:

-Нимага мени ҳеч ким тушунишни истамайди?

Робот бир дақиқа сукут сақлаб, кейин сўради: - “Ҳеч ким” деганда кимларни назарда тутаяпсан?

-Кимларни бўларди – яқинларим, дўстларим, танишларимни назарда тутаяпман.

Робот бироз вақт индамай турди-да, кейин яна савол берди:

-Сен айтган одамлар сени тушунишга мажбур, деб ҳисоблайсанми?

Сукут сақлаш навбати менга етди. Саволни эшитиб дамим ичимга тушиб кетди. Агар “йўқ” деб жавоб берсам, саволим беъаъни эканлигини исботлаган бўламан. Агар “ҳа” деб жавоб берсам, робот менга: демак, сен ҳам уларни тушунишга мажбурсан, деб жавоб беради. Кейин эса сен ўзинг бошқаларни тушунишга ҳаракат қилсанг, улар ҳам сени тушунишга интилишади, деб сийқаси чиққан хулоса билан жавоб бериши аниқ эди.

Ноқулай аҳволдан чиқиб кетиш илинжида секин мингиллаб кўйдим:

-Ҳар холда.., ҳеч бўлмаганида яқин одамларим мени тушунишса - яхши бўларди.

Раҳмдиллик тўғрисидаги тушунчалари болта ёки белкуракникидан фарқи бўлмаган робот эса масалани охиригача ҳал қилмагунича тўхташни истамади ва саволини такрорлади:

-Яқин одамларинг сени тушунишга мажбурлар, демокчимисан?

-Менга қара! - дедим аччиқланиб. Сен саволларимга жавоб бериш ўрнига, ҳар бир саволимга савол билан жавоб беришинг нимаси?! Менга савол эмас, жавоб бера оласанми?!

Робот пинагини ҳам бузмасдан:

-Сенга қандай жавоб керак? – деб сўради.

-Ана, кўрдингми, “ҳа” ёки “йўқ” дейиш ўрнига яна савол бераяпсан!

-Сенга қандай жавоб беришимни истайсан? – деди менинг гапимга эътибор бермаган робот.

-Менга қисқа, лўнда ва аниқ жавоб керак!

-Келишдик, - деди робот. Лекин *жўяли савол билимнинг ярмидир**. Саволларингга берадиган жавобимдан сенда янги саволлар туғилиши мумкин.

-Тугилмайди, - дедим мен ўзига ишонган аёл оҳангида. Жавобларингни ёзиб оламан ва ҳар бирини обдон таҳлил қилиб, ўйлаб кўраман. Агар тушунмасам, кейин яна гаплашамиз.

-Ундай бўлса сўрайвер, - деди робот.

-Хўш, нимага мени ҳеч ким тушунишни истамайди?

-Чунки сен ўзингни тушунишни истамайсан.

Жавобнинг маъносини тушунмадим. Бироқ, ўзим шундай шарт кўйганимдан кейин нимаям қилардим, индамай кейинги саволга ўтдим:

-Нима учун дунёда адолат йўқ?

-Аксарият ҳолларда одамлар ўз ҳаёти учун масъулиятни ўз бўйнига олишни истамайди, аниқроғи қандай қилиб масъулиятни ўз бўйнига олиш мумкинлигини билмайди, омади юришмаса ёки бошига кулфат тушганидан кейин эса бошқаларни ёмонликда ва дунёни адолатсизликда айблайдилар.

Роботнинг бу жавоби кулогимга шапалоқдек тегди. Мантиқан у тўғри жавоб бераяпти, назаримда. Лекин таъбинг хира пайтида мантиқ худди йўл патруль хизмати ходимига ўхшайди, гаплари тўғри – лекин, барибир, ёқмайди. Роботнинг жавоби ёқмаганлиги туфайли, худди шу мавзуда бошқача савол бердим:

-Нега “Яхшига умр йўқ, ёмонга ўлим йўқ”?

-Умр ҳам, ўлим ҳам одамларни яхши-ёмонга ажратмайди.

(Бу жавоб менинг тушунчаларим доирасидан ташқарида эди.)

-Нима учун ҳеч ким менинг қадримни билмайди?

-Демак ўз қадрингни билмайсан.

Ўзим берган савол билан ўзимни ураяпти-я, сурбет.

-Нимага яхши одамлар жуда кам учрайди?

-Чунки улар сен юрган кўчаларга камдан-кам ҳолларда киришади.

Энди буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Ўзимни зўрга қўлга олиб роботдан жиддий оҳангда сўрадим:

-Ҳазиллашаяпсанми ёки устимдан кулаяпсанми?

-Айтдим-ку, мен ҳазилни ҳам, кулишни ҳам билмайман, - деди робот. Мен сенга ўзинг айтгандек қисқа, лўнда ва аниқ жавоб беришга ҳаракат қиляпман, холос. Ҳазилга келсак, истасанг савол- жавоб тўғрисида латифа айтиб бераман, чунки кулгили ҳангомаларда кўпинча ҳам донолик, ҳам ҳақиқат яширинган бўлади, тушунган одам учун, албатта...

Тобора таранглашиб бораётган асабларим бирдан тинчланиб қолди, чунки робот яна бир бор мени ҳайратга солган эди.

-Сен ҳали латифа ҳам биласанми?!

-Унчалик кўп эмас, бор-йўғи 3,14 мегабайт.

-Тушунмадим...

-Яъни менга маълум бўлган латифалар тахминан 1000 бетлик китобга сигади.

*Жалолиддин Румий (1207-1273) шоир ва мутафаккир.

-Ана холос, - дедим мен, - латифаларни жуда яхши кўраман.
-Бўлмаса эшит.

Бош вазир бўлган Хўжа Насриддинга подшоҳ дебди:

-Бугун хориж элчиларини қабул қилишим керак, биласан-ки, сиёсатга унчалик ҳушим йўқ, бирон ножўя гап гапириб қўйишдан чўчияпман.

-Ҳавотирланманг, олампаҳо, - дебди Афанди, - мен сизнинг оёгингизга узун ва ингичка иннинг бир учини боғлаб қўяман, иннинг иккинчи учи менда бўлади, агар номаъқулроқ гап гапирсангиз, инни секин тортиб қўяман.

Подшоҳ бу таклифга рози бўлибди ва у элчиларни қабул қилибди. Салом-алиқдан кейин подшоҳ элчиларга савол берибди:

- Сизнинг юртингизда кўчада юрадиган дайди ит-мушуклар семизми ёки озгинми?

Бу гапни эшитган элчилар ҳайрон бўлишиб, бир- бирларига қараб қўйишибди. Хўжа Насриддин эса қўлидаги иннинг учини секин тортиб қўйибди-да, гапга аралашибди:

- Биласизми, меҳмонлар, подшоҳимиз жуда донишманд, сизларга бундай савол беришининг бир сири бор. Агар кўчадаги дайди ит-мушуклар озгин бўлишса, демак бу мамлакат халқининг ҳаёти оғирлигидан далолат беради. Агар аксинча, улар семиз бўлишса, демак юртда фаровонлик ва тўқчилик ҳукм суради.

Элчилар подшоҳнинг ақлига офаринлар айтишибди.

Шунда подшоҳ Афандига жаҳл билан дебди:

- Шунчалик ақли савол берган эканман, инни нега тортасан, аҳмоқ?!

Латифани эшитиб кайфиятим кўтарилди ва роботга суҳбатимиз у хоҳлаган тарзда ўтишига, яъни жавоб ўрнида у ҳам савол беришига рози эканлигимни билдирдим.

-Ихтиёр сенда, - деди робот, - мен тайёрман.

-Хўш, яна ўша саволга қайтсак, нима учун “Ёмонга ўлим йўқ, яхшига умр”?

-Қандай одамни “яхши”, деб ҳисоблайсан? – сўради робот.

-Яхши одам – бу гаплари, қиладиган ишлари ва муомаласи ҳаммага ёқадаган одам.

- Сенинг гапларинг, қиладиган ишларинг ва муомаланг атрофдаги ҳамма одамларга ёқади, деб ҳисоблайсанми? – сўради робот.

-Ҳар ҳолда, бировни ранжитадиган иш қилмасам керак. Қолаверса, ҳар кимнинг менга бўлган муамоласи ва қиладиган хатти-ҳаракатига қараб муомала қиламан. Яхши гапга – яхши гап қайтараман, ёмон гапга – тегишли гап.

-Саволимни тушунмадинг, - деди робот, - шахсан сенинг гапларинг, қиладиган ишларинг ҳаммаси ҳам атрофдагиларга ёқадиган гап ва ҳаракатми деб сўраяпман. Сен эса бошқаларнинг сенга нисбатан қиладиган муомаласи ва хатти-ҳаракатига ўтиб кетдинг.

Ўйланиб колдим. Хотинимга - ичганим ёкмайди. Болаларимга - каттик гапирганим, бошлигимга - эътироз билдирганим, катта акамга - одатларим ҳам, гапларим ҳам ёкмайди. Икки уй нарида яшайдиган кўшним нима учундир мени ёмон кўришини аниқ биламан, чунки саломимга зўрга алиқ олади.

-Йўқ, - дедим, роботдан кўзимни олиб қочиб, - менинг гап-сўзларим ва ҳаракатларим ҳаммага ҳам ёқади, деб айта олмайман. Лекин ёмон одам деганда мен, масалан, тарбия кўрмаган ёки яхшиликни билмаган одамларни назарда тутиб айтдим.

-Дунёда тарбия кўрмаган одамнинг ўзи йўқ,- деди робот. Одамлар шунчаки ҳар-хил анъаналарда тарбия кўрган бўладилар. Уйингдаги мушукнинг оёгини босиб олсанг чийиллаши кўшни маҳаллада ҳам эшитилади, ўрмонда яшайдиган ёввойи мушук эса унинг оёқларини янчиб ташлайдиган копконга тушган тақдирда ҳам чурқ этмайди. Бу ерда гап огрикка чидамликда эмас, ҳамманинг ҳам жони бир хил оғрийдди. Шунчаки ёввойи мушук шовқин қилса - уни бир зумда еб кўйишларини жуда яхши билади.

Худди шунга ўхшаб, одамлар ҳам кўрган тарбиясига мос ҳолда мутлақо бир хил вазиятда ўзларини ҳар хил тутишади, чунки уларга ёшлигида “рухсат қилинган” ва “таъқиқланган” нарсалар бошқа-бошқа бўлган. Сенга ёкмайдиган одам ўсган шароитда сен яшаганингда ва у кўрган тарбияни сенга берганларида ундан беш баттар бўлмаслигинга ҳеч ким қафолат беролмайди.

Шунинг учун одамларнинг тарбиясини айблаш эмас, уларни тушунишга ҳаракат қилишинг “ёмонлар” орасидан ҳам кўп “яхшиларни” топишингга имкон яратиши мумкин, бу эса -ўзингга фойда.

Яхшиликни билмайдиганларга келсак, бу масалада ҳам оқни-оққа, қорани - қорага ажратиш қийин. Масалан, мана бу шеърни эшитганмисан:

*Яхшига қилсанг яхшилик, ҳам айтади, ҳам қайтади,
Ёмонга қилсанг яхшилик, на айтади, на қайтади.*

- Ҳа, эшитганман, уни кўшиқ қилиб айтишади, яхши кўшиқ.

- Куйлашга арзийдиган шеърдангина яхши кўшиқ чиқади. Хўш, бу шеърнинг маъноси тўғрисида нима дея оласан?

-Нимаям дердим, жуда тўғри айтилган.

-Ундай бўлса, айтилиши ва эгасига қайтарилиши учун қилинадиган яхшилик тўғрисида нима дейиш мумкин?

Роботнинг бу саволига жавоб беришга шайланган миямда фақат “*таъмагирлик*”, “*миннат*”, “*олди – сотди*”, “*бор тоғарам – кел тоғарам*” каби сўзлар айланаверганидан кейин бундай яхшиликни “яхшилик” деб аташга асос топа олмаганлигимни, лекин халқ орасида айтиладиган гаплар, мақол ва маталлар ёки кўшиқларда озгина бўлса ҳам ҳақиқат бўлиши керак, деган гумонларимни роботга айтдим.

-Ҳар бир мақол ёки шеърда,- деди робот, - албатта, маълум ҳақиқат бор. Бироқ бу ҳақиқатнинг ўзи дегани эмас-ку. Ҳар бир масалада ўз ҳақиқатига эга бўлмаган одамнинг халқ мақоли ёки бошқалар айтган ақлли гапларни такрорлайверадиган тўтиқушдан нима фарқи бор?

Ақлинг етарли, кўзинг, қулоғинг соғ бўлса, уйқусираган ёки маст одамга ўхшаб, онгсиз равишда яшашдан кўра хаётни, ўзингни ҳамда бошқаларни диққат билан кузатиб, ўрганиб, фикрлаб ўз хақиқатингга эга бўлишингга сенга нима халақит бериши мумкин?

Робот жавобимни кутиб турарди. Мен эса унинг саволидан гангиб, кутилмаганда кўлидаги саватидан олмалари сочилиб кетган йўловчидек, фикрларимни йигиб олиш билан оввора эдим.

Бериладиган савол нишонга отилган ўқ билан қиёсланса, мен роботга берган саволларим узоқдан туриб унга қарата читмакдан отилган ўқдек - учиб бориб, ҳар сафар роботнинг оёғи остига тушарди. Роботнинг ҳар бир саволи эса худди замбаракнинг ўқидек - мен жуда мустаҳкам деб ҳисоблаган “қалъаларимни” ер билан яксон қиларди.

Шунга ўхшаш хаёлларим оқимини котиба қизнинг ҳар галгидек “Вақт тугади” деган сўзлари тўхтатиб кўйди ва мен робот билан хайрлашиб, “тўкилган олмаларга” ҳам қўл силтаб, ноилож хонадан чиқиб кетдим.

“Тўтикушнинг” мулоҳазалари

Биров мендан ақлим етмаган нарса тўғрисида сўраса, кўпинча ақлим эмас, хотирам ёмонлигини баҳона қиламан. Лекин робот билан бу найранг ўтмаслигини билиб, охириги суҳбатимизни бошидан охиригача қўл телефонимга ёзиб олгандим. Кечқурун уйга келгач, хонамга кириб, эшикни ичкаридан кулфлаб олдим ва суҳбатимиз ёзувини қайта-қайта эшитдим.

Бошим огрияпти, деганимда менга кимдир: **“Бошинг оғриганига хурсанд бўлиш керак”**, деганди. Хайрон бўлиб, нимасига хурсанд бўлай, деб сўрасам, у одам: “Чунки йўқ нарса оғриши мумкин эмас, калланг оғрияптими, демак калла бор”, - деган. Робот билан савол-жавобимизни учинчи марта эшитганимдан кейин каллам борлигига гумоним қолмади.

Хаёт тўғрисидаги тушунчаларинг ва ўз донолигинг рамзи сифатида қурган биноларинг худди қордан ясалган уйдек аста - секин эриб, қулай бошлаганини кўриш нафақат бошингни, бутун вужудингни зирқиратар экан. Ўзимни кўярга жой топа олмай қолдим. Мабодо, ҳозирнинг ўзида биров мендан “Сен кимсан?” деб сўраса, жавобим тайёр эди: хассасини йўқотган кўр, нарсасини ўгирлатган ўғри, очликдан ўлаётган ошпаз, деб жавоб берган бўлардим.

Ишқилиб, юрак-бағрим сиқилиб, дунё кўзимга тор бўлиб қолди. Кўзларим беихтиёр хонанинг шифтига қараб сиртмоқ осишга қулай бўлган жой ахтара бошлади. Астагфуруллоҳ. Кайфиятим бузилгандан - бузилди. Бунинг асосий сабабчиси бўлган роботга нисбатан эса кўнглимда нафрат уйғона бошлади.

Сен ўзингни тушунмайсан эмиш!.. Оҳ, ўзимни қанчалик даражада тушунишимни билсанг эди, бундай гапларни айтиш хаёлингга ҳам келмаган бўларди. Сен яхшиси бошқаларни қандай тушунишим кераклигини тушунтириб бер, номард!

Улфатларим хазил аралаш устимдан кулишларини, катта акам хадеб ишларимга аралашиб, ақл ўргатаверишларини, хотиним на уйга, на болаларга эплаб қарай олмаслиги ва онам билан келиша олмаслигини, ўғлимнинг қулогига гап кирмаслигини мен қандай қилиб тушунишим керак?

Бировга айтадиган гап эмас, лекин қарзларим борлигини била туриб, ифторликка 5-10 эмас, 28 одамни таклиф қиламиз, деб туриб оладиган саксонни қоралаган отамни қандай қилиб тушунишим керак? Одамни менсимайдиган кўшнимни-чи? Бозордаги каззоб қассобни, ишхонадаги тили чаёндай чақадиган, гап ташиб чарчамайдиган чақимчини-чи?

Робот деган “жонивор” бу гапларни англаб етиш учун курук билимдан ташқари жонга, кўнгилга ёки юракка ҳам эга бўлиши кераклигини, атрофингдаги одамлар фаришта эмаслигини, доно гаплар кундалик хаётга тўғри келавермаслигини билганида, бошқача сайраган бўлар эди.

Тавба, лампочкалар тақилган ва карнай ўрнатилган темир тумбочка адолат тўғрисида менга ваъз ўқиб ўтирса-я!

Мен ўз шахсий хаётим учун масъулиятни ўз бўйнимга олишим (ўлай агар нима назарда тутилаётганлигини тушунсам) ёки олмаслигимни дунёнинг адолатсизлигига нима алоқаси бор?! Бунда мантиқ қани?! Бир вақтлари улфатларимнинг биридан “сен учун адолат нима?”, -деб сўраганимда: *-Адолат дегани – бу ҳар қандай улушнинг ҳаммага тенг бўлиниши, сенга эса сал кўпроғи тегишидир,* - деб жавоб берганди.

Ана сенга адолат!

Ишхонада ҳамма ишни мен қилсам, калласида “алиф” йўқ, лекин амакиси катта лавозимда ишлайдиган лўттибоз эса мендан кўп маош олса ва келганидан кейин икки ой ўтар-ўтмас бўлим бошлиги лавозимига тайинланса, демак бунга мен айбдор бўлиб чиқаман экан-да а?! Нимага эмиш: *“ўз хаётим учун масъулиятни бўйнимга олишни”* билмаган ёки истамаган эмишман. Бундан чиқди-ки, “биргаликда бизнес қиламиз” деб пулларимни еб кетган ва бугун ялло қилиб юрган танишимни ҳам; топганини ичиб, бору-будини йўқ қилиб, отамдан қолган ҳовлининг ярмини судлашиб тортиб олган мендан икки ёш катта акамни ҳам; тоғамнинг қилган шунча яхшиликларига қарамасдан фариштадек қизини гўдак боласи билан ажратиб юборган қудасини ҳам адолатсизликда ёки ёмонликда айблаб бўлмас экан-да?!

Ёмонлик, адолатсизлик ёки зўравонликнинг қайси бирини айтай?! Яна нима эмиш.., буларнинг ҳаммасига жабр кўрган одамнинг ўзи сабабчи эмиш! Ўргилдим маълумотларга тўла совуқ каллангдан!

Мен ўз кадримни билмаслигимни сен қаердан англай қолдинг, сўтак?! Сенга ўхшаган пластмасса аралашган темир ўз кадрини билмаслиги аниқ, одамлар эса ўз кадрини жуда яхши билишади! Ҳамма гап улар бир –бирининг кадрини билмаслигида эмасми, ахир?!.

Ишқилиб, шунга ўхшаш далиллар билан ўз жаҳлимга эрк бериб, ўзимни овутишга ҳаракат қилдим. Лекин, барибир, кўнглим тинчимади. Ўрнидан кўзгалган гиштни жойига қўйиш учун “айни қаҳратон қиш пайтида янгидан лой тайёрлаш” заруратидан кўз юма билмасдим.

Роботнинг ҳар бир гапига жавобан ўнта гап топишим мумкин эди, лекин у суҳбатимизнинг охирида: *“Ҳар бир масалада ўз ҳақиқатига эга бўлмаган одамнинг ҳалқ мақоли ёки бошқалар айтган ақлли гапларни такрорлайверадиган тўтиқушдан нима фарқи бор?”*- деган саволи томоққа тикилган балиқ қилтаногидек, юрагимга санчилиб, ўрнидан кўзгалмай азоб бераётган эди.

Менинг ўз ҳақиқатим нимаям қила оларди?! Мен барибир, бошқалар томонидан белгиланган ҳақиқатларга бўйсунингга, иродасиз кўгирчокдек ҳаракат қилишга мажбур бўлганимдан кейин ўз ҳақиқатимни бошимга ураманми? Фойдасиз ҳақиқатнинг кимга кераги бор?! Ўз ҳақиқатинг билан яшашга имкон бўлмаса уни на кидиришга, на яратишга ва на шу ҳақиқат билан яшашга кучни каердан олиш мумкин?

Нимадир қилишим керак, лекин нима?!

Аммо ҳаёт қизик. Ҳар қандай фожеа ҳам фақат биринчи дақиқалардагина даҳшатли бўлиб кўринар экан (тавба қилдим, Ўзи кечирсин), чунки эртаси куни эрталаб жуда яхши кайфият билан уйгондим ва ўзим истамаган ҳолда роботнинг айтган гапларини қай даражада ҳақлигини синаб кўриш учун, эҳтимол, умримда биринчи марта, кундалик ҳаётимнинг ҳар бир вазиятини диққат билан кузата бошладим.

Атиги бир ҳафта давомида ўзимнинг ҳар бир қилган ишим, айтган гапим ва атрофимдагиларнинг ҳатти-ҳаракатларини эҳтиросларга берилмасдан ва баҳо бермасдан, шунчаки диққат билан кузатишим натижасида “кўрган” нарсаларимни энг қизиқарли фильмларда ҳам кўрмаганман, энг ақлли китобларда ҳам ўқимаганман, ҳатто ҳамма балони биладиган кўчанинг “донишмандларидан” ҳам эшитмаганман. Энг қизиги, нимагадир, бу “кашфиётларимни” ҳеч кимга айтгим келмади, чунки уларнинг айримлари бировга айтадиган гап ҳам эмасди.

Уларни коғозга ёзиб бир чеккадан ўқий бошлаганимдан кейин юзим лавлагидай қизара бошлади. Азбарои Худо, бировдан уялиш деган нарса ўзингдан уялишнинг ёнида ҳеч нарса эмас экан.

Ўзимга тегишли кашфиётлар:

(турган гапки, ҳаммасини ҳам очик тарзда ёзишга ботина олмайман)

1. Нима иш қилаётганимдан қатъий назар, хаёлим ҳамиша бошқа жойда бўлар экан. *(Бунинг сабабини ҳозирча онглай олмаяпман)* Масалан, овқатланиб ўтирганимда, миямда минг фикр айланиб, овқатнинг таъми, мазасига фақат биринчи-иккинчи лўқмадагина эътибор берар эканман. Менинг ижроимдаги “овқатни чайнаш жараёнини” эса четдан кузатиб турган одамга қандай кўринишини айтмай қўяқолай. Шўрва ёки чойни “шўқир-шўқир” қилиб ичганим кичкина кизимнинг ўлгудай асабига тегар экан.

Кўчада кетаётганимда юзи-кўзим кўпинча худди роботникига ўхшаб қотиб қолган, ёки бутун дунё дардини елкасига кўтариб олган одамникидай ўта жиддий, ҳатто кўрқинчли бўлиб кўринар экан. Чунки хаёлим каерда бўлса

бўларкан-ки, лекин атрофимда кўриниб турган кўчалар, одамлар, дарахтлар, осмон, кушлар ёки гулларда эмас.

Қисқаси, қайси бир китобда мен ўқиган Конфуций тўғрисидаги ривоятнинг маъносини эндигина тушуниб етдим, шекилли.

Шогирдлари ундан ҳеч қачон чарчамаслиги ва ҳамиша кайфияти яхши бўлишининг сабабини сўраганида у жуда галати жавоб берган:

-Мен бир жойда турган бўлсам – тураман, юриб кетаётганимда – юраман, югуриб кетаётганимда – югураман.

Шунда шогирдлари: - Ахир бизлар ҳам шундай қиламиз-ку!, - дейишган.

–Йўқ, - дебди Конфуций, - сизлар бир жойда турганингизда, хаёлингизда аллақачон қаергадир юриб кетаётган бўласиз; қаергадир қадам ташлаб юриб бораётганингизда, хаёлингиз шошиб югуриб кетаётган бўлади; югуриб бораётганинг хаёли эса аллақачон бораётган манзилида бўлади. Бундай одам ҳамиша эртанги кун қайгуси билан яшаб, бугунги кунининг на мазасини ва на яхшилигини англашга вақти етмай, ҳаётдан яшамай ўтади. У ҳаётни ташқарисидан айланиб ўтиб кетади.

2. Фойдасиз гапларни кўп гапирар эканман. (Бу асосан суҳбатдошим ким бўлишидан қатъи назар унинг эътиборига сазовор бўлиш, ундан кўпроқ билишимни исботлаш учун ёки “бу масалада” мен ҳам ўз фикримга эга эканлигимни билдириш учун экан). Ҳафта давомида тилимни тийиб юрган кичгинагина бўлса ҳам, лекин галабага эришганлик туйғуси кўнглимга қандайдир ёқимли ҳузур бағишлади, чунки ҳатто биров “гапиргин, деб, тилингдан тортиб турганида” ҳам индамасанг - на сен, на дунё ҳеч қандай зарар ёки фойда кўрмас экан.

3. Бировнинг гапини бўлишни одат қилган эканман. (Асосан гапирётган одамни писанд қилмаганлигим учун экан). Ҳар сафар менга гапираятган одамни диққат ва эътибор билан тинглаганимда, унинг менга нисбатан бўлган муносабатида қандайдир илиқлик пайдо бўлаётганлигини яққол сездим. Бу эса деярли текинга келадиган жуда ёқимли туйғу экан.

4. Биров тўғрисида ёмон гап гапиришни ва эшитишни ёқтирар эканман. (Сабабини билмадим, аммо бундай гапдан кўнглим таскин топгандай бўларди). Кузатувларим давомида ҳеч кимнинг хатти-ҳаракати ёки сўзларини “тўғри-нотўғри”, “яхши-ёмонга” ажратиб баҳо бермасликка, шунчаки тушунишга ҳаракат қилганим натижасида бошқалар билан қилган мулоқатларимиз ҳар сафар дўстона ва самимий оҳангда яқунланаётганлигига бир-неча бор гувоҳ бўлдим. Бундан кўнглим нафақат “таскин топди”, ҳатто яйраб ҳам кетишини ҳис қилдим.

5. Сўрамасалар ҳам маслаҳат беришга ишқибоз эканман. (Буни ўз ақлим ўзимга ёрдам бермаганидан кейин, бировга фойдаси бўлар деган умидда

қилар эканман). Бир ҳафта давомида ҳеч кимга, ҳатто болаларимга ҳам ичимда қайнаб турган эътирозни, маслаҳатни, кўрсатмани ёки фикримни айтмаганимдан нафақат осмон узилиб ерга тушмади, балки илгарилари уларни очик баён этганимда кўпинча “осмонда йигиладиган қора булутлар” ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетди.

6. Бошқаларнинг қиладиган ишлари, турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлари ёки гаплари ёқмаса, менга алоқаси бўлмаса-да, жаҳлимни чиқарар экан. (*Кимнингдир шунчалик даражада фаросатсиз эканлиги нимагадир нафсониятимга тегар экан*). Бунинг сабаби устида жуда кўп ўйладим. Балки хато қилаётгандирман, лекин ҳамма гап назаримда ёшлигимда олган тарбиямга бориб тақалади. Ота-онам мени яхши кўришлари, мени “яхши бола” деб ҳисоблашларини шу даражада қаттиқ истаганманки, уларнинг айтган ҳар бир гапи мен учун қонун ва қиладиган ишлари ибрат намунасига айланган. Улар қоралаган ҳаракатларни эса сал бўлмаса жиноят деб ҳисоблар эканман. Айнан шу сабабдан ўзим бир вақтлари билиб-билмай қилган хатоларимни ёки шунчаки қизиққанымдан амалга оширган омадсиз тажрибаларимни ҳам кечиришим қийин экан.

Ўзимдан ва бошқалардан нуқул айб излаб юрадиган ичимдаги маймун аслида ўз ақлим экан. Уни ўйлашга, ўқиб-ўрганишга жалб қилганимдан буён “қозилик вазифасини” унута бошлади.

7. Кўп мактанар эканман. (*Бошқалар менга тан беришларини жудаям истар эканман*). Гапирганда “Мен” деган сўзни ишлатмасликка аҳд қилганимнинг ўзи жуда кўп ҳолатларда гапиришга ҳожат қолдирмайдиган бўлди.

Бошқаларга тегишли каишфиётлар:

(турган гапки, ҳали кўрган-билганларим ҳамир учидан патир эканлиги аниқ)

1. Хотиним уй ишлари билан бўлиб бир дақиқа ҳам тинч ўтира олмас экан, ҳатто овқатланаётган пайтида ҳам. Ҳаммадан кеч ётиб, ҳаммадан эрта туришини табиий ҳол деб билар эканман. Устига-устак: ошхонадаги кран жўмрагидан 3-4 ойдан буён тинмай сув оқиб туришига, дахлиздаги лампочка ёнмаслигига кўникиб ҳам қолибмиз. Сув қайнатадиган чойнак билан дазмол эса иккинчи жаҳон урушидан олдин ясалганга ўхшар экан. Ишқилиб, хотиним ишлатадиган уй анжомларининг кўпчилиги аллақачон пенсия ёшига етган ёки ногирон бўлиб қолганлини кўзим кўрмаган экан.

2. Ўспирин ўғлим билан қачон охириги марта унинг ўқиши, ишлари, қизиқишлари, қувонч ва қайгулари тўғрисида ўтириб хотиржам гаплашганимни эслай олмадим.

3. Энг катта акам йўл-йўлакай уйимизга кириб, яна ақл ўргата бошлаганида, гапларини диққат билан тинглаб, биронта ҳам эътироз билдирмадим. “Ундай қилиш керак, бундай қилиш керак” деган маслаҳатларига фақат “Хўп” деб жавоб бердим. Шунда менга фақат исмимни айтиб мурожаат қиладиган акам умримда биринчи марта гап орасида мени “Ука” деб айтганини эшитдим.

4. Бутун хаётини ҳар бир фарзандини уйли-жойли қилишга, ўқитишга, эғнини бут, қорнини тўқ қилишга сарфлаган **қари отамнинг** эскириб қолган ковушини кўриб кўнглим бузилиб кетди...

5. Бизга яқинда ишга келган, амакиси катта лавозимда ишлайдиган “лўттибоз”, идорамиз охириги олти ой давомида фойдаланиб келаётган янги компьютер программасини ишлаб чиккан одам экан ва бу гап тасодифан ошкор бўлди.

6. Мени ёмон кўрадиган кўшним умуман олганда, гаплашса бўладиган бинойидай одам бўлиб чикди. Унинг “бадқовоклиги” эса, кўпинча ошқозони огриганидан экан.

Ва ниҳоят, охириги “кашфиётим” қоғознинг, **аникроғи ёзувнинг ўзига хос қудрати билан боғлиқ эди.** Гап шундаки, юқоридаги “кашфиётларимни” коғозга ёзганимдан кейингина уларнинг ҳақиқий маъносини англаб етдим, десам хато қилмайман. Миямда фикр кўпдай туюларди, лекин уларнинг барчаси гадойларнинг тўрва халтасидаги буюмлардек аралашиб ётганлиги билан алоҳида бир қийматга эга эмаслигининг гувоҳи бўлдим. Улар коғозга туширилганидан кейин эса худди йиртилган суратнинг майда бўлақларини бирлаштиргач, ундаги тасвир аниқ кўринганидек бўлар экан. Қолаверса, менинг миям ҳам жўяли фикрлар билан банд бўлиши ва ўйлашга арзигулик ўз шахсий мулоҳазаларим бўлиши мумкинлигига аниқ ишонч ҳосил қилдим ва ўзим учун қувондим.

Лекин, барибир, робот айтган гапларнинг ҳаммасини тушундим деб, тушунганларимни эса барисини “тўғри”, деб айта олмайман. Қолаверса, у билан гаплашишга пухта тайёрланиб боришимга қарамасдан, ҳар сафар суҳбатимиз умуман кутилмаган томонга бурилиб кетаётган эди.

Охириги марта тайёрлаб қўйган йигирмага яқин саволимдан фақат тўрттасини “муҳокама қилдик”. Шуларни ўйлаб янги саволларни ёзиш учун кўлимга дафтар-қалам олдим, олдим-у... роботнинг **“жўяли савол билимнинг ярмидир”** деган сўзларини эслаб “жўяли” савол излашга тушдим. Бирок пешонам қанчалик тиришмасин, жўяли савол тугул, миямга биронта ножўя савол ҳам келмади. Сабаби - бутун хаёлим қилган “кашфиётларим” билан банд эди.

Нимага шу вақтгача ўзим ва яқинларим ҳаётидаги яққол кўзга ташланадиган нарсалар кўзимга кўринмаган? Бунга нима ҳалақит берган?... Кўзим кўр эмас-ку...

Орадан икки кун ўтгач, бу масалага ўспирин ўғлимнинг атиги бир ой олдин сотиб олинган туфлиси йиртилганлигига бағишланган оилавий “давра суҳбати” ойдинлик киритди.

-Вой ўлай, ...яп-янги туфлини, ...ўлсин шу футбол, ...тўхтаб тур, даданга айтиб бермасамми сени, ...мактабга нима қиясан энди.., қачон одам бўласан?!

“Давра суҳбати” ҳар галгидек “Бундан кейин қилмаслик” тўғрисидаги қарор қабул қилиниши ва бу қарорга ўғлимнинг белидан пастроқ жойига онасининг кафтида “сақланадиган” муҳр қўйилиши билан яқун топди.

Аслида гап ўғлимда ёки кўчада тепилган тўпда ҳам эмас. Ҳамма гап ҳақиқий чармдан тикилган пойафзалдан тўрт баробар арзон турадиган одамлар орасида “Китайский” деб аталадиган туфлида эди. Гап туфлида, лекин жанжални келтириб чиқарган муаммо бевосита мен билан боғлиқлиги кўлимга қозғоқ-қалам олиб “Муаммо нимада?” деган саволга жавоб излашга киришганимдан кейингина маълум бўлди. Жавобларим жуда қизиқарли чиқди:

-Ўғлим меҳнатимни қадрламаслигида;

-Сифатсиз моллар кўпайиб кетганлигида;

-Кийим-кечак қимматлаб бораётганлигида;

-Маошим озлигида;

-Кўшимча даромад топишга имконим йўқлигида.

Аммо бу жавоблар мени қониқтирмади, чунки биронтаси ҳам муаммони ҳал қилишга ёрдам бермасди. Уларнинг ҳар бири ўзимни оқлашга хизмат қиларди ҳолос. Ахир кимлардир фарзандига энг сифатли ва энг қиммат нарсаларни олиб беришга қодир-ку...демак гап менинг ўзимда эмасми?

Аслида, муаммонинг аниқ ечими “ҳақиқий” туфли қимматлигида эмас, балки мен ўғлимга уни сотиб олиб бера олмаслигимга бориб тақалаётган эди. Ўз ҳақиқатимни тан олишга бутун вужудим билан қаршилик қилганим етмаганидай, бировни эмас, аслида ўз олдидан ўзимни алдаб, етар-етмасликни “камтарона ҳаёт кечириб” деган атама билан алмаштириб қўйганим ўзимдан бошқа ҳаммани айблашга йўл очиб берган экан.

Эртадан кечгача бутун ўй-хаёли фақат “тирикчилик” масаласи билан банд бўлган эркакнинг кўзи ўз дардидан бошқа ниманиям кўриши мумкин... Нимага сал нарсага асабим кўзгаб жигибийрон бўлишим ҳам шундан эмасми, ахир?

Ишқилиб, орадан яна ўн кунлар чамаси ўтиб, роботга ўз кузатувларим ҳамда кашфиётларим тўғрисида гапириб бердим ва у фақат амаким билан боғлиқ, яъни эри билан ажрашган унинг қизига тегишли масалада бир-нечта савол берди. Бу саволларда ҳам олдинги мулохазаларимиздаги каби кўпинча, жавоб яширинган эди.

-Амакинг қизини ўзи рози бўлиб узатганми?

- Шундай бўлса керак.

-У ўз қудаларига қандай яхшиликлар қилганлигининг аҳамияти йўқ, аммо унинг яхшилик қилишдан асл мақсади нима бўлганини биласанми?

-Йўқ, билмадим.

-Эри билан ажрашган жиянингнинг феъл-атворини биласанми?

-Йўқ, унчалик эмас.

-Қудаларининг-чи?

-Йўқ.

-Шуларни билмасдан туриб, келинни - яхши, қудаларни - ёмон одам деб айтишга сенда қандай асос бор?

-...

Шу билан бу масалага ҳам бир эмас, кўплаб нуқталарни қўйиб, шахсан мени қийнаб турган саволларга ўтадиган бўлдик ва мен ҳеч қандай кириш қисми ёки сўзбошисиз унга савол бердим:

-Сенга айтиб берган “кашфиётларим” ўзимга жуда таъсир қилди. Лекин умримнинг ярми ўтди ҳисоб. Нахотки, ҳаётимда ҳеч нарса ўзгармаса? Ёки, “ҳар ким пешонасида ёзилганини кўради”- деган гап ростми? Ҳаётда яйраб, мамнун бўлиб яшашнинг иложи борми ўзи?

Робот бошини бироз эгиб, узоқ вақт зингиллаб “ўйланиб” турди. Назаримда унинг кетма - кет қўйилган саволлар маъносини илгаб олиши қийин бўлди. Ҳойнаҳой, одатдагидек савол бера бошласа керак, деб ўйлашим билан, у нимагадир бошини кўтармасдан гапира бошлади:

-Ҳамма пул кетидан чопади. Гулларни, осмондаги қушларни томоша қилишга кимнинг вақти бор? Кимнинг одамлар гўзаллига маҳлиё бўлишга вақти бор? Буларнинг барини сизлар кейинроққа, яъни ҳамма нарсага эришиб, оёгингизни узатиб хотиржам яшайдиган вақтларгача суриб қўясиз. Ана шунда “ҳаётнинг барча гўзаллик ва лаззатларидан бахраманд бўлиб, яйраб яшайман”, - деб ўйласиз. Бироқ ҳамма нарсангиз бўладиган вақтга бориб сизлар пул топиш йўлидан бошқа йўлни билмайдиган ва тан олмайдиган, маълум қолипга солинган, аниқроғи, фақат маълум дастур бўйича ишлайдиган, менга ўхшаган роботга айланиб қоласиз. **Мен эса атиргулнинг хидини билмайман, гўзалликнинг завқини, мусиқа ёки шеърийат лаззати ва рақс жозибасини тушунмайман, мусаффо хаводан нафас олиб ёки гўдакнинг кўзларини кўриб маст бўлолмайман. Чунки мен роботман.**

Киши катта пул ишлаб топиш йўлига бутун вужуди билан шўнгиб кетганидан кейин, бунинг эвазига нималарни йўқотиши мумкинлиги тўғрисида ўйламайди. Уни бахтли қилиши мумкин бўлган барча нарсалардан бенасиб қолиши ҳеч қачон ҳаёлига келмайди, чунки буларни у ҳамиша кейинга, кейинроққа суриб яшайди. Лекин бугунги қувончни, табассумни, меҳрни ёки ҳаётдан миннатдор бўлиш завқини “эртанги кун учун”,- деб сандиқда солиб сақлаб бўлмайди.

Робот сўзини тугатиб, ҳамон бошини кўтармасдан: **-Жавобим сени кониктирдими?, -** деб сўради.

-Унчалик эмас, - дедим бироз ўйланиб. Кимдир айтган экан: **“Одамни қанчалик тарбиялама, у бари-бир яхши яшашни истайди”**,- деб. Бунга нима дейсан?

- Айтганларимни жиддий қабул қиларсан, деб иложи боича шошмасдан гапирдим, - деди робот бошини кўтариб. Гапларимни инкор қилишдан олдин ўйлаб кўр.

Одамлар истагига келсак, истак жуда нозик нарса. **Истак сенинг Бахтингга шарт қўяди: “Мен бахтиёр бўламан, агар шу машинага, шу аёлга, шу уйга, шу мансабга, мебелга, кийимга... эга бўлсам”**. Истак амалга ошиши ўзингни бахтиёр сезишингга йўл очиб беради. Анча енгил тортасан. Кайфиятинг ҳам аъло. ...Лекин бу ҳолат қанча вақт давом этиши мумкин? Фақат бир-неча дақиқа. Кейин сенда янги истак пайдо бўлади, ва бу пойга ҳеч қачон тўхтамайди. Қачон яшамокчисан, деган саволга одамларда жавоб йўқ. Яшаш эса ўзингни ва борлиқни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишдан бошланади.

Робот айтган бу гапларнинг магзини чақиш учун менга маълум вақт кераклиги сезиб, кейинги саволга ўтдим:

-Камбагаллик айбми?

-Йўқ, камбағалликда айб йўқ. Чунки ўзи маълум айбларнинг маҳсули бўлган нарсани айблаш қийин.

-И-е, қизиқ гап бўлди-ку, - дедим, кутилмаган жавобдан бирдан қизишиб. Агар мен камбагал бўлсам, демак ўзимнинг айбларим туфайли етар-етмасликда яшар эканман-да?

-Ҳа, шундай.

-Хўш, сенингча қандай айбларим туфайли мен камбагалликда яшаётган эканман..? - дедим қизишиш аралаш қизиқиш билан.

-Нонга пулни одам қўллари билан ишлаб топади, сариёғга эса калласи билан, - деди робот.

Оббо, ҳақиқий қизишиш энди бўлади шекилли, нимага шаъма қилаяпти ўзи бу сурбет.

-Яъни, “сенинг калланг ишламайди...” демоқчимисан?-деган пичинг аралаш саволим юзасидан робот мулоҳаза юрита бошлади:

- Тирик одамлар орасида рухий касаллардан бошқа “калласи ишламайдиган” одамнинг ўзи йўқ. Лекин кўпчилик “калласини ишлатиб” ақлли, доно бўлишни эмас, ақлли бўлиб кўринишни истайди, холос, чунки буни ууддалаш жуда осон. Деярли ҳеч ким доно бўлиб кўринишга уринмайди, чунки бунинг иложи йўқ. Ақлинг йўқлигини яшириш мумкин, донолик йўқлиги дарров кўринади. **Мухтожликда яшайдиган одамни ақлли деб, хотиржамликка эриша олмагани доно деб бўлмайди...**

-Илтимос, тўхта, - дедим роботга ва икки кўлим билан бошимни ушладим. Сен шошмасдан гапиришингга карамасдан, мен кетингдан бирор фикрга келишга улгурмаяпман. Ҳар бир айтган гапингни ўйлаб кўришим керак. Донолик деганда сен нимани назарда тутаяпсан?

-Асрлар давомида саралаб олинган, кишига яхшилик келтирадиган маслахатларга одам ўз кундалик ҳаётида, турмуш тарзида амал қилишини - донолик деб ҳисоблаш мумкин, - жавоб берди робот.

Жавобни эшитиб, энсам қотди. Сийқаси чиққан панду насихатларни энди роботдан ҳам эшитиш навбати келганини сезиб, маслахатгўйлардан безор бўлган кулогимга ачиниб, пичинг аралаш сўрадим:

-Кишига яхшилик келтирадиган маслахатларни билсак бўладими?

-Сенга уларни айтганимнинг фойдаси йўқ, - деди робот.

Ичимдаги пичингдан пичагинаси ҳам қолмай, кўзларимни пирпиратганча, бир дақиқа гапира олмай қолдим, кейин ичимдан бўралаб сўкиниб қўйдим. Бу робот эмас, туриш-турмуши гирт типратикон.

-Фойдаси йўқ деганинг нимаси?!

-Кўзи кўрга камалак нималигини тушунтириб бўлмайди, - деди робот.

Ҳозиргина пирпираб, чарақлаб турган кўзларим олди қоронгилашиб кетди. Ҳар нарсанинг ҳам чегараси бор ахир, одамнинг сабр косаси резинадан ясалган эмас-ку! Резина косадан анча кейин ихтиро қилинган!!

Токи бундан кейин робот огзига келганини гапиравермаслиги учун унинг танобини тортиб қўйишим керак эди.

-Биласанми, - дедим хужумга тайёрланаётган арслондай ўрнимдан туриб, - назаримда, менинг ихтирочи дўстим сенинг миянгни ширакайф бўлиб ясаган кўринади. Одам билан, айниқса, эркаклар билан гаплашганда озгина ўйлаб гапириш керак. Ҳозир айтган гапинг билан мени ҳақорат қилдинг. Вужудида зигирча эркаклик ғурури бўлган одам ҳақоратни кечирмайди, бахтингга сен одам эмас, машинасан.

Роботга айтган жиддий гапларим қандай таъсир қилишини кузатиб турдим ва яхшиям-ки стулдан нари кетмаган эканман, бўлмаса роботнинг жавобидан кейин стулга эмас ерга ўтириб қолар эдим.

- Фақат ҳақиқат ҳақоратли бўлиши мумкин, * - деди робот.

Шу пайт котиба қиз эшикни қоқиб соат тўрт бўлганлигини айтди.

Лаборатория каламуши

Эртаси куниёқ яна роботнинг олдига келдим ва кечаси билан унинг айтган гапларини ўйлаб деярли ухлай олмаганимни, кўп гапларни англаб етишим қийин бўлаётганлигини маълум қилиб, озгина бўлса ҳам мени аяб гапиришини илтимос қилдим.

-Нима демокчилигингни тушунмадим, - деди робот.

-Сенинг хаддан ташқари дангал айтадиган гапларинг руҳиятимни эзиб ташляпти, сал эви билан гапирсанг бўлармиди, дейман-да...

* Наполеон Бонапарт (1769-1821) француз давлат арбоби ва саркардаси.

-Хар куни ҳеч бўлмаганида бир марта кўзгуга қарайсанми? – тўсатдан сўради робот.

-Ҳа, албатта, соқол олиш, соч тараш дегандек...

-Кўзгу сенинг асл қиёфангни акс эттирадимми ёки сени хафа қилмаслик учун кўринишингга сайқал бериб кўрсатадимми?

Робот бу сафар ҳам ўз саволи билан менинг нозик кўнглимнинг изтиробларига аҳмоқнинг қаҳридек қаттиқ, бетаъмизнинг ҳазилидек дағал ва чаласаводнинг ўз билимига ишончидек мустаҳкам нуқта қўйди. Алқисса, нозик табиатимни бир четга суриб, робот билан очикчасига гаплашишга қарор қилдим.

-Сен ҳақиқатан ҳам кишига яхшилик келтирадиган маслаҳатларни менга айтишнинг фойдаси йўқ, деб ҳисоблайсанми? - сўрадим мен жиддийлашиб.

-Тоғ чўққисини расмда томоша қилиш ҳамда ўша чўққининг устида ўзинг туриб атрофни томоша қилишинг орасида қандай фарқ бўлса, - деди робот, -яхши маслаҳатни тушуниш билан уни бутун вужудинг билан ҳис қилиш орасида шунчалик фарқ бор. Бу гапимни тушунмадинг, тўғрими?

-Тўғри

-Тушунишни истайсанми?

-Ҳа, албатта

-Бўлмаса, менинг саволларимга мени ҳам, ўзингни ҳам алдамасдан жавоб беришингга тўғри келади, розимисан?

-Розиман...

-Кўпинча, хар бир одамнинг ўзи ёқтирган, яхши кўрган ва аксинча, ёмон кўрган одамлари бўлади. Ҳаётда сен ёмон кўрадиган одамлар борми?

-Ҳа, энди, дўст-душман деганларидек...

-Қўлингга қогоз-қалам олиб ўзинг ёмон кўрган одамларни нима учун, яъни қандай хислатлари учун ёмон кўришингни ёзиб чиқ, кейин менга ўқиб берасан. Ёзувни, масалан, қуйидаги сўзлар билан бошлашинг мумкин: “Мен айрим одамларни ёмон кўраман, чунки улар: ...”

Ўзимни илмий тажриба ва тадқиқотлар ўтказишга мўжалланган каламушдек ҳис қилиб ноилож қўлимга қогоз-қалам олдим ва тахминан беш дақиқалардан кейин роботга ёзганларимни ўқиб бердим:

Мен айрим одамларни ёмон кўраман, чунки улар:

- Қўпол муомала қилишади;
- Ёлгончи, фирибгар;
- Иккиюзламачи;
- Ғийбатчи;
- Ҳасадгўй, бахил;
- Ман-ман, худбин;
- Ўзига бино қўйган, мақтанчоқ;
- Фаҳм-фаросатсиз, маданиятсиз;
- Ахлоқи бузуқ;

- Очқўз;

-Жуда яхши, - деди робот, менинг ижодим махсули бўлган рўйхатни эшитиб, - энди яна бир иш қилишинг керак. Нима деб ўйлайсан, сени ҳам ёмон кўрадиганлар борми?

-Ҳа, бўлса керак, яна билмадим...

-Фақат иккиюзламачи одамгина ҳаммага бир хилда ёқиши мумкин. Мабодо, сен иккиюзламачи эмасмисан?

-Йўг-е,- дедим беихтиёр.

-Ундай бўлса сен ёзадиган яна бир рўйхат “Айрим одамлар мени ёмон кўришади, чунки мен: ...” деб бошланиши мумкин.

Роботнинг бу таклифи нимагадир кўнглимга унчалик ўрнамади. Лекин, ноилож столга ўтириб, бироз қийинчилик билан ёзганларимни унга ўқиб эшиттирдим:

Айрим одамлар мени ёмон кўришади, чунки мен:

- *Кўпинча одамларга бор ҳақиқатни тўғри юзларига қараб айтиб қўявераман;*
- *Менга ёқмаган одамлар билан муомала қилмасликка ҳаракат қиламан;*
- *Ҳушомадгўй эмасман;*
- *Менинг омад ва ютуқларим уларга алам қилади;*
- *Мустақил фикрга эгаман;*
- *Ҳеч кимга ялинмайман;*
- *Биров мени менсимаслигига йўл қўймайман;*
- *Ҳасад қилишганидан мени ёмон кўришади.*

-Баракалла, - деди мулоҳазаларимни эшитган робот. Энди биринчи ва иккинчи рўйхатни қайтадан ўқиб чиқ, лекин уларни сен эмас, бошқа бир нотаниш одам ёзган деб тасаввур қил.

Ўқий бошладим. Ўқиганим сайин кўз олдимда ўзини фаришта деб ҳисоблайдиган одам қиёфаси шакллана бошлади. Ўқияпман-у, олдин ўзимни жарроҳлик хонасига киришга тайёрланаётган бемордек, кейин қилган ўғирлиги кўпчилик олдида фош қилинишига бир дақика колган одамга ўхшаб саросимага туша бошладим. Сабаби робот ҳозир мендан “бегона одам ёзган” гаплар тўғрисида фикримни сўраши аниқ эди.

-Хўш, - деди робот, - таассуротингни гапириб бера оласанми?

Агар роботга ҳақиқий таассуротимни айтсам, ўзимни ер билан яксон қиламан, ёлгон гапирсам, ер ёрилиб, ерга кирман. Умримда бирон марта тўсатдан ер ёрилганини кўрмаганлигим сабабли, иккинчисини танладим ва ясама хотиржамлик билан:

-Ҳаммаси тўғри, бир нарса дейиш қийин,- дедим ва иккиланаётгандек кўшиб қўйдим, - Сен-чи, сен бу тўғрида нима деб ўйлайсан?

-Мен ўйлашни билмайман, - деди робот.

-Яъни, бирор нарса айта оласанми, демоқчиман?

-Мен фақат сен ёзган гапларнинг бир-бирига нисбатан алоқадорлиги тўғрисидаги фикрларни келтиришим мумкин, холос, - жавоб қилди робот.

Бу жавобни эшитиб, бироз енгил тортдим. “Жарроҳлик ҳонаси кулфланган экан, жарроҳ бугун ишга келмабди, ўғирлигимни фош қилиши мумкин бўлган одам эса гунг бўлиб чикди. Яшасин ҳаёт! Яшасин меҳнат интизомини бузувчилар ва гунглар!”

-Айтсанг, жоним билан эшитардим, - дедим мен сувдан курук чикқанлигимдан қувончимни яшириб.

-Улар жуда кўп, - деди робот, - зерикиб қолишинг мумкин.

-Йўқ-йўқ, барини эшитишга тайёрман.

-Ундай бўлса эшит, уларни қабул қилиш ёки инкор қилиш-қилмаслик ўзингга ҳавола, - деб, овозли кутубхона сўз бошлади:

–“Бор ҳақиқатни” одамнинг юзига гапиравериш меҳрни ўлдиради. Агар сен тўғрингда бошқалар қандай фикрда эканлигини билганингда эди, сенда на дўст на қариндош қолмаган бўларди. Гарчи, дўст деб, сен тўғрингда ҳамма нарсани биладиган, лекин барибир сени яхши кўрадиган одамни аташади. Қариндошлар ҳам худди шу тоифадан. Шундай экан, “бор ҳақиқатни” гапиргандан кўра бошқаларга сени яхши кўришларига имкон берганинг афзал. Оғзингдан чикқан ҳар бир сўз, авваламбор ўзингдаги меҳрни, қолаверса сенга нисбатан бўлган одамларнинг ихлосини ё кучайтиради ё заифлаштиради.

-Ниҳоятда кўп нарсани биладиган, ёки ўзига ҳаддан ташқари ишонадиган одамларгина “Мустақил фикрга эгаман”,- деб ўйлашлари мумкин.

-Ҳеч кимга “ялинмайдиган” одам билан инсоний муносабатлар ўрнатиш қийин бўлади. Чунки у ҳар бир ишни фақат ҳисоб-китоб билан қилади. Ақли билан юраги “тортишиб” қолишса, ақли кўпинча ғалаба қилади. Лекин инсон юраги сезадиган жуда муҳим нарсалар ҳатто энг катта “ақлнинг” тушига ҳам кирмаслиги унинг ҳаёлига ҳам келмайди.

-Кўпинча димоғдор ва кибру ҳавога берилган одамлар биров уларни менсимаслигига тоқат қила олмайди.

-Ёлғончилик, иккиюзламачилик, ҳасадгўйлик, худбинлик, кибру ҳаво ва манманлик каби иллатларга ҳар бир одам болалигида чалинади. Кап-катта одамлар ҳам бу иллатлардан қутилмаганлигини кўриб асабийлашининг, ўзинг ҳам ҳалигача улғаймаганлигингдан далолат беради. Чунки катта одамлар одатда болалик камчиликларига нисбатан бағрикенг ва кечиримли бўлишади.

-Ўзингдаги иккиюзламачилик бировнинг иккиюзламачилигига дуч келганида жаҳлингни қўзғатади.

-Ўзингдаги ҳасад бировнинг ҳасадгўйлиги олдида сени жиғибийрон қилади.

-Ўғрига “ўғри” десанг, ёқангни йиртади, тўғрига “ўғри” десанг, кулгиси қистайди. Кишини бошқа ҳар қандай иллатда айбласанг ҳам – худди шундай таъсир қилади.

-Бировни ёмон кўришинг, унга нафрат билан қарашинг биринчидан, ўзингни ёмон кўришингдан, ўзингдан норози эканлигингдан, иккинчидан, ўзингни, ўз ҳаётингни тартибга солишга ожизлик қилишингни тан олганлигингдан далолат беради. Одам ўзини ёмон кўриши айб ёки гуноҳ эмас, балки шунчаки беъхабарлик, билимсизлик.

-Ҳаётдан аслида нима исташини билганлар одамларни “ёқадиган” ва “ёқмайдиганларга” ажратишмайди.

-Одам ўз ҳидидан ўзи жирканмагани каби, ўзидаги инсоний иллатларни ҳам табиий ва “беозор” деб қабул қилади. Лекин айнан шу иллатларни бошқаларда кўрганида юзини буриштиради.

-Ўзининг кимлигини билмаган одамнинг кўзига кундалик турмуш қийинчиликлари ва бошқаларнинг иллатлари ўзига хос парда бўлиб туради ва у ҳеч ким бошқа бировдан устун ёки афзал эмаслигини, ким бўлишидан қатъий назар ҳар қандай инсон ҳаётидан қимматлироқ ҳеч нарса йўқлигини идрок этолмайди.

-Мана шуларнинг ўзи ҳозирча етади, - деди, охириги сўзи билан яна кўзимга “бармогини тикиб олган” робот. - Энди яна битта рўйхат тузишинг керак бўлади. Бу рўйхатга ўзингга ёқадиган, сен яхши кўрадиган одамларнинг хислатларини ёзишинг керак ва бу рўйхат “Мен айрим одамларни яхши кўраман, чунки улар...” деб номланиши мумкин.

Беш-ўн дақиқалардан кейин ёзганларимни унга ўқиб бердим:

*Мен айрим одамларни яхши кўраман, чунки улар:
-Ширинсўз, яхши муомалали;*

*-Кўнгли очик, багрикенг;
-Ўз ишига пухта, “қўли гул”;
-Сахий, қўли очик;
-Камтарин, манманликдан йироқ;
-Эътиборли;
-Кечиримли;
-Мени хурмат қиладилар.*

Рўйхатни ўкиб бўлганимдан кейин робот бироз вақтгача жимиб қолди, кейин: - **Нима деб ўйлайсан, сени ҳам айнан мана шу хислатлар учун яхши кўрадиган одамлар борми? Яъни, ўзингда ҳам шу хислатлар бор деб хисоблайсанми?** – деб сўради.

Рўйхатга қараб ўйлай бошладим: менда ширинсўзлик, багрикенглик, сахийлик ва кечиримлиликдан асар ҳам йўқ, мен хурмат қиладиган одамлар ҳам ўтган замонларда қолиб кетган. Роботга жавоб беролмадим ва “йўқ” деган маънода бошимни иргатиб қўйдим.

-Сен бугун саволларимга жавоб бериш билан, - деди робот, - мен айтган тоғ чўққисига чикиб тушдинг ва у ердан туриб бошқаларга ўз кўзинг ҳамда ўзингга бошқалар кўзи билан қараб кўрдинг. Нимаики кўрган бўлсанг ўзингга хавола. **Лекин сен охириги ёзган гапларнинг мендан сўраган маслаҳатингдан деярли фарқи йўқ.**

- Тушунмадим, қанақа маслаҳат?

-Сен “Кишига яхшилик келтирадиган маслаҳатларни билсак бўладими?”,- деб сўрадинг, мен эса “Сенга уларни айтганимнинг фойдаси йўқ”, - деб жавоб бердим. Ҳозиргина ёзган рўйхатинг ўша сен сўраган маслаҳатларнинг ўзгинаси. Айнан шу сифатлар одамга яхшилик келтиради.

Гоҳ кўлимдаги қогозга, гоҳ роботга қараб хаёлимни жамлай олмадим.

Нимагадир бир пайтлар цирк томошаларига борганим эсимга тушди. Ўшанда фокусчи мендан кўл соатимни сўраб олди ва кўз олдимда уни тош устига қўйиб, болга билан уриб пачақлаб ташлади. Кейин унинг бўлақларини бир қутичага солиб, қандайдир сеҳрли ҳаракатлар қилиб қутичани очганида у ердан яна ўша пачақланган соат бўлақлари чиқди. Фокусчи саросимага тушиб, “Узр, фокусни эплай олмадим”, -деб мени ўз жойимга ўтказди ва ўртага чикиб бошқа бир фокус кўрсатишга киришиб кетди. “Аҳмоқ бўлиб қолганлигимни” билиб унинг кейинги томошаларига деярли эътибор бермаганман.

Робот ҳозир менга ўша фокусчини эслатди, лекин соатимни эмас, ўзимни пачақлади шекилли. Фокусчи-ку, томоша охирида менинг “соппа-сог” соатимни ёнимда ўтирган одамнинг чўнтагидан чиқариб кўлимга берган эди, робот кўрсатган “фокусдан” кейин эса мен ўзимни ҳозирча “соппа-сог” ҳолда эканлигимни сезмаётган эдим.

-Мен ҳеч нарса тушунмаяпман, -дедим ниҳоят. Мен сенга яхши кўрган одамларимни нима учун яхши кўришимни ёзиб бердим, кишига яхшилик келтирадиган маслаҳатларнинг бунга нима алоқаси бор?!

Гапиришга огиз жуфтлаган робот бирдан жимиб қолди.

Унинг “қабул соатлари” тугаган эди...

Интеллектуал ринг

Робот билан бўлган охириги суҳбатимизнинг уяли телефонимдаги ёзувини уч кун давомида камида ўн мартадан қайта эшитдим ва маъноси мен учун мавҳум бўлиб қолган “Кишига яхшилик келтирадиган маслаҳатлар” тўғрисидаги алжирашлардан ташқари роботнинг ҳамма гаплари бўйича умумий хулосам: **“Бекорларнинг бештасини айтибсиз”**- деган иборага бориб тақалди.

Бировни ёмон кўришинг, ўзингни ёмон кўришингдан далолат берар эмиш!

Шу вақтгача ўзини ёмон кўрадиган одамлардан лоақал биттасини учратган бўлсам ҳам гўрга эди. Тўғри, кимдир ҳаётдан калтак еганида, орзулари ушалмай елга созурилганида, ўспирин ёшидан нарига ўтмай қолиб кетганлар эса қулоғи шалпанглигига, оёғи қийшиқлигига куюниб, гоҳида ўзига нисбатан унчалик ширин бўлмаган туйгуларни ҳис қилиши мумкин. Лекин катта-ю кичик келишмовчиликлар, ёмонлик ва таъбингни хира қиладиган муомала одамлар ўзидан бошқа ҳеч кимни ўйламаслигидан, яхши кўрмаслигидан, худбинлигидан эмасми, ахир?!

Иккиюзламачилик тўғрисидаги фикрлари-чи!

Нима эмиш, агар менинг ўзим иккиюзламачи бўлмасам, мен билан худди энг яқин биродаридай кўришиб, оғзи қулоғида бўладиган, лекин кетимдан ёмон гап айтадиган одамни кўриб жаҳлим чикмас экан! Бундайларга ҳар қандай одам ҳам нафрат билан қарайди-ку!

Роботнинг кейинги гапи бундан-да бемаънироқ: **“Ҳаётдан аслида нима исташини билганлар одамларни “ёқадиган” ва “ёқмайдиганларга” ажратишмайди”**,- эмиш.

Биринчидан, ҳурматли робот ака, эътиборингиз учун, одам зоти бор-ки, орзу-умид билан яшайди ва нима исташини ҳатто кечаси уйғотиб сўрасангиз ҳам айта олади.

Иккинчидан, сиз бир-бирига алоқаси бўлмаган тушунчаларни аралаштириб юбораяпсиз, паловга сабзи ўрнига ошқовоқ тўграб солаяпсиз. Менинг бошқалар тўғрисидаги фикримни ўз истакларимни билиш-билмаслигим билан қандай қилиб боғлаш мумкин?! Ўргилдим, сендака “мантиқ фанининг устасидан”!!

Ишқилиб, шунга ўхшаш эътирозларимни бироз адабийлаштирган ва адабийлаштирилган ҳолда навбатдаги учрашувимизда роботга айтдим.

Робот одатдагидек бироз вақт зингиллаган товуш чиқариб “ўйланиб” турди, кейин савол бера кетди:

-Икки кишидан қайси бири бошқаларнинг меҳр ва ҳурматига сазовор бўлишга кўпроқ уринади – ўзини ҳурмат ва меҳрга лойиқ эканлигини аниқ биладиганими ёки бунга гумони бўлганими?

-Иккинчиси.

-Икки кишидан қайси бири қўлидаги нонни бошқа бировга беришга қийналмайди – хамиша қорни тўқ бўладиганими ёки кўпинча оч юрадиганими?

-Биринчиси.

-Баракалла, - деди робот. Ўзига нисбатан меҳри тўла одамгина бировларнинг меҳрига сазовор бўлишга уринмайди, аксинча ўзидаги меҳрни бошқаларга улаша олади. Ўзига нисбатан нафрат сезмаган одам бошқаларга нафрат билан қарамайди, бировни ёмон кўрмайди. Инсон ўзини сева олишини ҳам маълум маънода илм, илм бўлганидаям энг муҳим илмлардан бири дейиш мумкин.

Робот яна бирпас жим туриб, тўсатдан умуман кутилмаган савол берди:

-Сен ҳеч ёмон раҳбарлар билан ишлаганмисан?

-Ҳа, раҳбарларим орасида ҳозир ҳам шундайлари бор.

-Уларнинг феъл-атвори, муомаласи ёки қиладиган ишларидан бировларга нолиганмисан?

-Ҳа энди, ҳамкасблар билан дардлашиб турамиз.

-Ўша раҳбарнинг камчиликларини унинг юзига айтганмисан?

-Йўқ.

-Ундан норозилигингни ёки ёмон кўришингни унга қандайдир бир йўл билан билдирганмисан?

-Йўқ, чунки бу...бу ақлдан эмас.

-Демак, унга яхши муомала қилгансан, шундайми?

-Ҳа, албатта, чунки раҳбар – бу раҳбарда.

-Жуда яхши, - деди робот, - сен ҳозиргина бир хил хатти -ҳаракатни иккита ном билан атадинг. Сенга яхши муомала қилиб, кетингдан гапирадиганни - иккиюзламачи дединг, сен ёмон деб ҳисоблайдиган раҳбарингга яхши муомала қилиб, камчиликларини юзига айтишни эса ақлдан эмас дединг. Буларнинг қайси бири тўғри?

Олдин кўзларимни шифтга қададим, кейин ерга, лекин на тепада на пастда ёзилган жавоб йўқ эди ва робот мендан жавоб чикмаслигини билиб кўшиб кўйди:

-Одамнинг барча саволларига жавоб унинг ўзида яширинган, у эса хамиша ташқаридан келадиган тайёр жавобни ахтаради. Лекин сенинг бу гапларни ва айниқса, кишининг ҳаётдан нима исташига оид масалалар моҳиятини тушунишинг қийин, аниқроғи сенга ҳали бунга эрта.

Бу гапни эшитиб мен навбатдаги чуқур нокдаунга тушдим, рефери санашни тушди... Ҳозир томошабинлар хуштак чалиб, мени масхара қила бошлашади... Эй Худойим, бу канақаси бўлди! Одам томонидан ясалган машина одамнинг тик юзига қараб туриб “Сен тушунмайсан, сенга ҳали эрта”,- деса-я!

Лекин таслим бўлишни истамадим.

Бир амаллаб ўзимни қўлга олдим ва роботдан нимага асосланиб бундай деяётганини сўрадим. Робот саволимга эътибор ҳам бермасдан: **-Сен хатто ҳозир ҳам нима исташингни билмайсан,-деди.**

-Тушунтириброк гапир, - дедим тишларим орасидан.

-Ўтган учрашувимизда сен кишига яхшилик келтирадиган маслаҳатларни билиб олиш учун ўзинг яхши кўрган ва ёмон кўрган одамларнинг хислатларини ёзиб чиқдинг. Сухбатимиз охирида, биргалашиб, берган саволингга жавобни топдик ҳам. Лекин бу тўғрида яхшилаб ўйлаб кўриш ўрнига сен охириги 72 соат вақтингни менинг айтганларим нотўғри эканлигини ва инсонларга хос салбий хислатлар сенда йўқлигини исботлашга сарфладинг. Агар бу масалага ойдинлик киритишни ҳақиқатан ҳам истаганингда, сен унга маҳкам ёпишиб олган бўлардинг. **Демак, нима исташингни ўшанда ҳам аниқ билмагансан, ҳозир ҳам билмайсан.**

Робот шу ерда хато қилаётган эди, чунки ҳозир нима исташимни аниқ билардим: бу - хонадан чиқиб қочиш.

Бирок, билиш истаги қочиш истагидан устун чиқди, чунки бирдан миямга келган фикр менга қандайдир куч бағишлади. Ахир, робот билан бўлаётган жанглариимизни ва менинг “шармандали маглубиятларимни” кўриб турган биронта ҳам гувоҳ йўқ-ку! Намунча жигибийрон бўлмасам. Бу худди компьютер ўйинидай бир гап, ютқазсам нима бўпти, мenden нима кетди?! Ўзимга шундай дедим-у, ариқдан сакраб ўтмоқчи бўлган Хўжа Насриддин тўғрисидаги, бемаҳал эсимга тушган, робот айтиб берган латифа кайфиятимни кўтарди.

Узоқроқда жойлашган кичкина кўприкчадан ўтишга эринган Хўжа Насриддин ариқдан сакрашга жазм қилибди. “Хой, менинг ўн саккиз ёшим!”, - деб бир бақирибди-да, угуриб келиб сакраган экан, ариқнинг қоқ ўртасига бориб тушибди. Шунда, атрофига қараб, бу шармандаликни ҳеч ким кўрмаганлигига амин бўлгач: - “Ўн саккиз ёшингда ҳам бундан ортиқ жойинг йўқ эди”, - деб қўйибди.

Шу дегандай, бу жанглardan жуда бўлмаганида мени қийнаётган жуда кўп саволларга жавоб топа оламан.

Қолаверса, ҳақиқатан ҳам омадим кулиб боқди. Бетингга қарамасдан бор гапни гапирадиган, “*Вақтим йўқ, кейин гаплашамиз*” ёки “*Қаердаги гапларни топасан-эй*”, деб устингдан кулмайдиган, ўз калланг билан ўйлашга ундайдиган, деярли чексиз билимларга эга бўлган бундай сухбатдошни яна қаердан топаман?!

Шундай экан, ақлимни йигиб, унинг билимларидан фойдаланишга ҳаракат қилишим керак. Бунинг учун чираниб бош қотириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ. Ҳоҳлаган саволимни бераман, чунки ёнимда “Берган саволини қаранг!”, - деб мени масхара қиладиган “билимдонлар” йўқ.

Шу гапларни ўйлаб, ўзимни анча енгил сездим ва роботга у ҳақ эканлигини айтиб, мени қийнаётган икки масалага аниқлик киритишга ёрдам беришини сўрадим ва у ҳар галгидек: -Мен тайёрман, - деб жавоб берди.

-Биласанми, - гап бошладим мен, - олдинги сухбатларимизнинг бирида мен сендан: “Нимага мени ҳеч ким тушунишни истамайди?”, -деб сўраганимда, сен: “Чунки ўзингни тушунишни истамайсан”, -деб жавоб берган эдинг. Бугунги гапинг ҳам шунга ўхшаб кетади, сен “Нима исташингни билмайсан” -дединг.

Булар менга бироз галати туюлади. Нахотки эс-хушли одам *ўзини тушунмаслиги* ёки *нима исташини билмаслиги* мумкин бўлса?

-Мен сени тушундим, - деди робот, - сен ҳам мени тушунишинг учун саволларимга аниқ жавоб беришга ҳаракат қилиб кўр. Агар имкониятинг бўлганида, сен қандай ҳаёт кечиришни истардинг?

-Яхши ҳаёт кечиришни.

-Яша, - деди робот, - лекин бу жуда умумий жавоб бўлди, сен яхши ҳаёт деганда нималарни назарда тутаяпсан?

- Соғликни, бойликни, тотувликни, фаровонликни, узоқ умр кўришни, умуман бахтли ҳаётни назарда тутаяпман.

-Бахтни йўлда тополмаган одам, уни йўлнинг охирида ҳам тополмайди, - деди робот. Энди кейинги саволимга шошмасдан, обдон ўйлаб жавоб бер. Кўнглинг нималарни истайди?

-Нимасини ўйлайман, - дедим обдон-побдонсиз, - кўнглим ҳам худди шуларни истайди-да.

-Йўқ, - деди робот, - сен айтган нарсаларни ақлинг истайди, кўнгли истакларига буларнинг умуман алоқаси йўқ. Ақлинг табиат инъоми эмас, жамиятнинг “совгаси”.

Роботнинг саволини тушунмаётган эдим, лекин бу сафар ношудлигимдан изтироб чекмасдан ва ўзимни тарозига солиб ўтирмасдан, ҳақиқатан ҳам буни билмаслигимни айтдим.

Робот бироз вақт яна зингиллаб “ўйланиб” турди, кейин:

- Майли, бўлмаса мен айтаман, агар биронтасини нотўғри деб ҳисобласанг, гаплашамиз.

Сенинг кўнглинг истаклари қуйидагилар:

-Севиш ва сеvimли бўлиш;

-Бошқалар учун қадрли бўлиш;

-Ҳурматли, эътиборли бўлиш;

-Бошқалар томонидан муносиб инсон сифатида тан олиниш;

-Ўзлигини, бетакрорлигини дунёга намоён этиш.

-Бу рўйхатга эътирозинг ёки қўшимчанг борми?

Анча вақтгача чуқур ўйга ботиб туриб, -ҳайронман,- деб жавоб бердим.

- Шу вақтгача кўнглим нима исташини сўз билан ифодалашга уриниб ҳам кўрмаган эканман. Гўёки бундай истаклар борлиги шу даражада аниқ-равшан ва ўз-ўзидан маълум-ки, уларни ифодалашга ёки айтишга умуман зарурат ҳам йўқдек. Ваҳоланки, руҳий изтиробларимнинг аксарияти айнан шу истакларим кондирилмай келаётганлигидан эканлигини ҳозир яққол англаяпман.

-Бу сен учун жуда муҳим кашфиёт, - деди робот. У ўзингни тушунишга ёрдам бериши мумкин, агар фикрлаб кўрсанг, албатта. Ҳар сафар дунё кўзингга тор, одамлар ёмон бўлиб кўринганида, яқинларинг ва бегоналарга захрингни сочганингда, ёки сенга муносиб бўлмаган сўзларни гапириб, ёмон ҳаракатларни қилганингда бунинг асл сабаби қайсидир бир истагинг кондирилмаётганлигидан

эканлигини билсанг, бошқаларни ҳам тушунадиган бўласан. **Сабаби ҳар бир инсоннинг кўнгли худди сен истаган нарсаларни истайди.**

Лекин, аслида бу ҳақиқий кашфиётнинг бир муҳим бўлаги, холос, чунки, бу истақларни қандай қилиб қондириш мумкин деган саволга сен ҳозирча жавоб беролмайсан, бу ҳақда ўйлаб кўришинг керак.

Энди асосий саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўр: **Шу вақтгача Ер юзида фақат Сулаймон пайғамбарнинг барча истақлари амалга ошган, шунга қарамасдан ҳатто у ҳам умрининг маълум поғонасида кибру-ҳавога берилиб кетган.** Бошқа барча одамларга ва шу жумладан сенга ҳам танлаш имкони берилган. Танлаш имкони эса “бани башарга хос банди осийлик” касаллигини даволаш учун берилади. Бу касалликнинг аломати иложи йўқ нарсаларни иташдан иборат, ва бу дардга одамнинг ўзидан бошқа ҳеч ким даво таполмайди. Чунки у - киши эришган ҳар қандай неъматни кадрсизлантириб, ўзида йўқ нарсаларнинг кадрилини оширади. **Хўш, сен нимани танлайсан, ҳаётдан нима истайсан?**

Робот ҳозир менга нима иташингни билмайсан, деб қайтадан айтса, буни тан олишга тайёр эдим, чунки масала бунчалик мураккаблиги ҳаёлимга ҳам келмаган. Беихтиёр елкамни билинар-билимас қисиб кўйдим.

-Бугунги учрашувимиз вақти тугаяпти, - деди елкаларим ҳаракатини кўрган робот, - уйингда хотиржам ўйлаб кўришинг учун қуйидаги маълумотлар сенга ёрдам бериши мумкин:

Биринчиси: Ақлинг истақлари моддият оламига таалуқли, яъни улар кундалик ҳаётинг билан боғлиқ истақлар ва уларни ҳеч қачон охиригача қондириб бўлмайди. Кўнглинг истақлари руҳият оламига таалуқли, яъни ҳис-туйғуларинг билан боғлиқ истақлар ва улар ҳозирнинг ўзидаёқ қондирилиши мумкин. Бунинг учун бешта сезги аъзоларинг орқали ҳаёт нақадар гўзал ва бебаҳо эканлигини сезсанг, ҳис қилсанг, англасанг бўлди. Моддият олами сени ерга тортади (моддий неъмат ва лаззатларга), ҳиссиёт олами – осмонга (маънавий неъмат ва лаззатларга). **Тананг тузилиши бўйича сен – ҳайвонот дунёсининг вакилисан, лекин онгли вакили. Руҳиятинг тузилиши бўйича – сен фариштасан, лекин моддий тана қафасига жойлаштирилган фаришта.** Бошқа жонзотлар ва фаришталардан сенинг асосий фарқинг ҳаётинг учун ихтиёр ўз қўлингга берилганида. Аниқроғи ихтиёрнинг ўзи эмас, балки ўз ҳаёт йўлини, бошқалар билан қиладиган муносабатларинг шаклини, кадриятларни, эътиқодни, иймонни, муҳаббатни ёки нафратни танлаш эркинлиги сенинг ихтиёрингда қолдирилган. Ичингдаги “ҳайвонот дунёсининг вакили” ва “фаришта” ўзаро муроса ва тотувликда яшашса, тўғри йўл танлашда адашмайсан. Қафасдаги қушдан, яъни “фариштадан” қафасни устун қўйган эркак ва аёл ўзлари учун энг муҳим нарсадан ажралишлари мумкин: эркак – орномусдан, аёл – шарму-хаёдан.

Иккинчиси: Руҳинг билан тананг бир-бирига маҳкам боғланган ва бир-бирисиз яшолмайди. Улар худди “бир жон бир тан”дай, бир бутун нарса. Масалан, танангга озор етказилса, руҳинг эзилади, кўнглингга озор етказилган

холларда тананг бўшашиб, ланж бўлиб қолади. Қувонч танангни тетиклаштиради, гам – заифлаштиради. Тананг ялқов (чунки уни ҳамиша моддият оламининг лаззатлари ўзига тортади), руҳинг – унинг мутлақо акси, ҳатто сен ухлаб ётганигда ҳам тиниб тинчимайди, ... туш кўрасан. Тананг маълум мақсад билан қилинадиган ҳар қандай меҳнатдан чарчайди, руҳинг аксинча – яйрайди (чунки у ўзининг чексиз қувватини ва бетакрорлигини фақат тана ёрдамида намоён эта олади). Руҳинг яйрасагина тананг яйрайди. Танангни яйратиш орқали руҳингни яйратишга уриниш – бурнинг билан эшитиб, кулогинг билан кўришга уринишдек гап. Яъни бу ҳолда маст одамга ўхшаб кўзинг кўр, кулогинг кар бўлади.

Учинчидан: Кўнглинг истаклари амалга ошиши учун сен жуда муҳим бир илмни, яъни ўзингни севиш, ҳурмат қилиш ва кадрлаш илмини ўрганишинг керак бўлади. *“Ўз қадрини билмаган, ўзга қадрин на билсин”**- бу гап ўзингга нисбатан бўлган ҳурматинг ва меҳрингга ҳам тааллуқли. Одам ўзига нисбатан қандай муносабатда бўлса, бошқаларга ҳам худди шундай муносабатда бўлиши тўғрисида гаплашганларимизни эсла. Айнан бошқаларга ва ҳаётга бўлган муносабатинг сен ўзингнинг кимлигингни билишингга яқинлаштиради ёки аксинча, узоқлаштиради. Ҳаёт сарҳадларида умр кечираётган сенинг ва ҳар бир одамнинг кадр-қиммати аслида бир хилда юқори даражада баҳоланиши тўғрисида ўйлаб кўр. Бу Коинотда эса ҳеч ким ва ҳеч нарса ҲАЁТнинг ўзидан-да қимматлироқ бўла олмаслиги тўғрисида ўйлаб кўр.

Тўртинчиси: Ақлинг истакларини қондирмасдан туриб, кўнглинг истакларини қондиrolмайсан. Аниқроғи, ақлинг истакларини қондириш йўлидаги ҳаракатларинггина сен ўзингни севишингга, ҳурмат қилишингга, кадрлашингга асос яратиб беради. Сен бировни фақат маълум бир “иши учун” ёки қобилияти учун ҳурмат қилишинг, кадрлашинг мумкин, “Шахло кўзи ёки икки қора қоши” учун эмас. Кимнидир самимий ҳурмат қилиш ва кадрлаш туйғуси қалбингда ўша кимсанинг маълум бир иши ёки қобилиятини тан олиб, муносиб баҳолай олганингдан пайдо бўлади. Худди шунга ўхшаб, ўзингни ҳам фақат “нима учундир”, масалан, бажарган ишинг, қилган амалинг, эришган ютугинг, яхши сўзинг ёки одатинг учун ҳурмат қилишинг ва кадрлашинг мумкин. Бировни қора қоши ёки юзидаги холи учун севишинг мумкин, албатта. Бироқ сен уни ҳурмат қилишингга ва кадрлашингга асос бўладиган унинг маълум бир “қаромати” кўринмаса, охир – оқибатда сенга бу севгидан насиб қилган нарса бор-йўги битта хол билан икки қора кош бўлиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Сен ҳам бундан мустасно эмассан. Фақат ташқи кўринишинг учун сени севишларини ва кадрлашларини, бойлигинг, ховли жойинг, табақанг ёки мансабинг учун ҳурмат қилишларини истасанг – демак одамларнинг кўнгил истаклари амалга ошадиган ҳудуддан тесқари томонга, яъни ҳозирги, ўзингни қониктирмаётган ҳаётинг оқими томонига қараб кетаяпсан.

*Маҳтумқули (1733-1791) туркман шоири ва мутафаккири

Мен айтаётган худуднинг эса жуда оддий бир сири бор: ақлинг қабул қилган қарордан руҳинг ҳам яйраса, яъни у ҳам “Ҳа, бу менга маъқул!” деса ёки кўнглинг истагини ақлинг ҳам мантиқан маъқулласа – шу қарорга асосан қилган барча ишларинг мўъжизавий равишда бароридан келади. Ақлинг хамиша бақириб гапиради, қалбинг эса зўрға, паст овозда ва оҳиста шивирлайди. Унга қулоқ солиб, тинглашни ўрган. Бу гап айни ҳақиқатлигини эса ақлинг ёки кўнглинг “маъқулламаган” ишларинг қандай натижа берганлигини ўз тажриба дафтарингдан топасан.

Қолган гапларни кейин гаплашамиз, вақтимиз тугади, - деб роботнинг кўзлари аста-секин ўчиб қолди.

Сартарош

-Сочларим тўкилиб кетаяпти, - дедим кўлига кайчи билан тарокни олиб ишга киришган сартарошга.

-Ундай деманг ака,-деди киноя оҳангида мендан чамаси ўн ёшлар кичик бўлган сартарош йигит. Сочларим тўкилаяпти, десангиз улар ҳақиқатан ҳам тўкила бошлайди.

У ишга киришди ва бироз вақт жим бўлиб ишини қилар экан, гапини давом эттирарди.

-Сочларим оқараяпти, десангиз улар ҳақиқатан ҳам оқара бошлайди, юзимда ажинлар пайдо бўлаяпти, десангиз – яна шу аҳвол.

Раҳматли бувам айтардилар: “Ҳаётингдаги ҳар бир ҳодисани яхшиликка йўй. Огзингдан чиққан гап ёки ҳаёлингдан ўтган фикр ҳам аста-секин келгуси ҳаётинг режасига айланиб бораверади”, -деб.

Бувам менга жуда гаройиб нарсаларни гапириб берардилар. У охириги уч-тўрт йил давомида мева бермай кўйган кап-катта олма дарахтини чопиб ташлаш ниятида кўлига болта олиб унга яқинлашганидан кейин дарахтга ачиниб: “Майли, агар кейинги йил ҳам мева бермасанг, сени чопиб ташлайман”,- деб овоз чиқариб айтган экан. Буни қарангки, кейинги йилдан бошлаб дарахт гиж-гиж мева бера бошлаган.

У-ку жонсиз дарахт, одамнинг тирик вужудидаги барча аъзоларни айтмаса ҳам бўлади.

Японияликларнинг оддий сув билан ўтказган тажрибалари тўғрисида эшитгандирсиз?

-Йўқ.

-Улар бир идишдаги сувни учта алоҳида идишга солиб биринчи идишга “Сени яхши кўраман” ва иккинчисига “Сени ёмон кўраман” деб ёзиб кўйишган. Учинчи идишга ҳеч нарса ёзишмаган. Энди буёғини эшитинг. Маълум вақт ўтганидан кейин учинчи идишдаги сув айниган. Иккинчи идишдагиси қорайиб

кетган, “Сени яхши кўраман” деб ёзилган идишдаги сув эса ҳозиргина кудукдан олингандек ҳолатда турган.

Энди, ака, одам танаси ҳам ўзига хос идиш-ку. Танамиз таркибининг 80 фоизи сувдан иборатлигини инобатга олсак, ўзингиз тўгрингиздаги фикрингиз ёки сўзингиз танангиз ва аъзоларингизга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги тўгрисида ўйлаб кўринг.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, бирор жойимиз огриб қолса, огзимиздан чиқадиган гапларни қаранг: “томогим”, “тишим”, “ошқозоном” ёки “жигарим” огрияпти деймиз-у, кетидан “ўлгур”, “қуриб кетгур” деган гапларни кўшиб кўямиз. У бечора ошқозон ёки жигар шундай гаплардан кейин қандай қилиб тузалсин, ахир?!

-Полиз экинининг “киндиги”, беш харф..., - деб сўради навбат кутиб, кроссворд ечиб ўтирган мижозлардан бири.

-Палак, - жавоб берди сартарош ва гапини давом эттирди.

-Инсон фикри шу қадар қудратли эканки, у бор нарсани йўқ қилиш ва йўқ нарсани бор қилишга қодир экан. Бир синаб кўрсангиз бўлади. Бирон - бир мушкул ишни бошлашдан олдин унинг муваффақиятли якунини кўз олдингизга келтириб ишга киришсангиз, айнан сиз тасаввур қилганингиздек бўлади. Мен буни жуда кўп синаб кўрганман.

-Энг майда заррачалар - протонларнинг ҳаракатини тезлатувчи ускуна, ўн тўртта харф... , - яна гапга аралашди “кроссвордчи”.

-Синхрофазотрон, - деди сартарош ва сўзини якунлади: -Бировнинг олдига бирор-бир юмуш билан борадиган бўлсангиз у билан кўришишингиз билан юзингиздаги табассум ёки аксинча, чимирилган қошларингиз унинг кайфиятига ҳам, сизга бўлган муносабатига ҳам таъсир қилади. Демак, сизнинг юмушингиз битиши ёки битмаслигига ҳам.

Сартарош ишини тугатди.

-Исминг нима ука?

-Ғайрат.

-Олий маълумотлимисан?

-Йўқ, коллежни тамомлаб, саккиз йилдан буён сартарошлик қиламан.

-Сен айтган гапларни ўқимишли одамлардан ҳам эшитмаганман.

Ғайрат бир чеккада турган шкафчани тагини очиб бир даста китобларни кўрсатди: - Уйимдаям китоблар жуда кўп, китоб ўқишни жуда яхши кўраман.

-Кроссворд ечишга ҳам қизиқасан, шекилли?

-Йўқ, умуман қизиқмайман, десам ҳам бўлади.

-Нега энди?

Ғайрат кулимсираб: -Кроссворд деган нарса “Мен ҳам анча-мунча билимга эгаман”,- деб одам ўзига ўзи хушомад қилиб хурсанд бўлиши учун чиқарилган, - деди.

Уйимдан анча узоқда жойлашган бу сартарошхонага тасодифан кириб қолиб хар ойда бир марта шу ерда соч олдирадиган бўлиб қолдим, чунки Ғайратнинг мулоҳазалари ҳам, фикрлаш тарзи ва хатти-ҳаракатлари ҳам мен учун жуда гаройиб бўлиб кўринарди. Одатда сартарошхоналарда бўладиган олди-қочди

гаплар ёки гийбатларга у аралашмас, кимдир унга гапирмагунича ёки савол билан шахсан унга мурожаат қилмагунича индамас эди.

Бир сафар иккита сартарош ва бешта мижоз йигилган бу кичкинагина хонада маҳаллий ҳокимият фаолияти тўғрисида баҳс-мунозара қизиб кетди. Гапни бири қўйиб бири олаётган мижозлардан бири, бошқалар билан келишолмай қолди шекилли, шу вақтгача индамай ишини қилаётган Ғайратга мурожаат қилди: -Сиз нима дейсиз, уста?

-Билмасам, - жавоб берди Ғайрат. Бировнинг ишига баҳо бериш учун, менимча ҳеч бўлмаганида шу ишнинг мутахассиси бўлиш ёки шу ишга аралашиб юриш керак. Мен эса ҳозирча ўзимдан ортмаяпман, бирор нарса дейишим қийин.

Ғайрат менинг сочимни олгунича унинг ёнидаги ёши каттароқ бўлган шериги ҳар сафар 2-3 мижознинг ишини битириб юборарди. Бунинг сабабини Ғайратдан сўраганимда у: -Шеригим тажрибали уста, қўли чаккон. Қолаверса мен ҳар гал бировнинг сочини олаётганимда ўзига хос санъат асари яратишга ҳаракат қиламан. Бу эса вақт талаб этади, - деб жавоб берди.

Бир сафар борганимда Ғайрат йўқ экан ва сочимни унинг шериги олиб қўйди. Нимага Ғайрат ишга чиқмади, тинчликми, деб сўраганимда у:

- Дам олаяпти. У бизларга ўхшамайди. Ишлашни ҳам билади, дам олишним. Мен ундан кўра кўп топаман, лекин барибир рўзгорни зўрга эплайман, унинг топгани эса ҳамини барокатлироқ бўлиб чиқади, - деди.

Робот билан бўлаётган суҳбатларимиз айти авжига чиққан пайти Ғайрат билан танишганим мен учун ҳақиқатан ҳам кутилмаган совга бўлди.

Тўртинчи марта сартарошхонага борганимда, креслога ўтирганимдан кейин унга ўзимни қийнаётган савол билан мурожаат этдим.

-Ғайратжон...

-Лаббай, ака.

-“Сен кимсан” деган саволга қандай жавоб берган бўлардинг?

Ғайрат хохолаб кулиб юборди ва: -Бу вазиятга ва саволни ким бераётганига боғлиқ, - деди.

-Ҳар кимга ҳар хил жавоб бераман, демоқчимисан?

-Ҳа, албатта.

-Нега энди?

-Биласизми, бу савол, нима десам экан, қўпол ва тажовузкор савол. Уни сиздан маълум жиҳатдан анча устун бўлган одам бериши мумкин.

-Сен ўзингга “Мен кимман?” деб савол бериб кўрганмисан, ўзингни кимлигингни биласанми?

Қўлига тароқ ва қайчини олган Ғайрат бир дақиқа тўхтаб қолди, кейин қандайдир жиддий оҳангда ва зўрга эшитарли қилиб жавоб берди:

- Мен айнан шуни билиш учун яшаяпман.

Бирпас жим туриб у қўшиб қўйди: -Ҳозирча эса - одамлар мени ким деб ҳисоблашса – мен ўшаман.

Жавобсиз қолган саволлар

Робот айтган маълумотлар устида бош қотиришдан олдин шу вақтгача ўрганган нарсаларимни тартибга солиб олишим керак эди. Шунинг учун робот билан навбатдаги учрашувимизда бундан олдинги суҳбатларимизда у айтиб ўтган, лекин асл маъноси менга етиб бормаган айрим гапларга аниқлик киритиб беришини илтимос қилдим. Робот ҳар галгидек: -Мен тайёрман, - деди.

-Биринчи суҳбатимизда сен **“Бошқалардан нима фарқинг бор?”**, - деб сўрадинг. Бошқаларга ўхшаш ёмонми?

-Гап бошқаларга ўхшаш яхши-ёмонлигида эмас, - деди робот, - балки ўз кадр-қимматингни билишинг ёки билмаслигингда. Ўз кадрини билган одам бошқалардан фарқи нимадалигини ҳам билади. Тасаввур қил, сен жуда кўп одамлар йигилган, оломон орасидасан. Ташқи кўринишинг, ақлинг, дунёқарашинг, моддий аҳволинг ёки лавозимингдан ташқари сен бошқалардан ниманг билан ажралиб туришинг мумкин? Яъни сенинг ўзига хослигинг, алоҳида қандайдир қийматга эга эканлигингни белгилайдиган нарса нима бўлиши мумкин?

Робот бу саволга жавобимни узоқ кутишига тўғри келди. Пешонамни қанчалик тириштирмайин, фикратимни ёриб чиққан жавобларнинг биронтаси ҳам тўғри келмаётган эди. Ниҳоят, Робот билан бўлган дастлабки суҳбатларимизни эслаб, иккиланиб туриб, -Балки истеъдод ёки қобилиятдир, - дедим.

-Истеъдод ёки қобилият нимада ва қандай намоён бўлиши мумкин? – сўради Робот.

-Киши қилган маълум бир ишида ва бу ишнинг натижасида.

-Тўғри, - деди Робот, - ҳамма гап сен қиладиган ишнинг натижасида. Натижа эса сенинг шу ишни бажаришдаги қобилиятингга боғлиқ, қобилиятинг ривожланиши эса шу ишга бўлган муносабатинг, ихлосингга боғлиқ. **Қандай касби-корга эғалигингнинг аҳамияти йўқ. Ўз касбингнинг ҳақиқий устасига айланиб, ишинг натижаси алоҳида сифатга эга бўлиши билан, сен алоҳида қийматга эга бўлган одамга айланасан.** Айнан шу нарса сенинг ўзингга бўлган муносабатингни ҳам яхши томонга ўзгаришига асос солади. Ўзингга бўлган муносабатинг яхши томонга ўзгариши эса бутун ҳаётингни ўзгартиради. **Агар ўз касбингнинг энг зўр устасига айлансанг, сен бошқалардан, оломондан ажралиб туришинг учун Леонардо да Винчи истеъдодига эга бўлишинг шарт эмас.** Маълум соҳада ишлаб юрган одам: - “Бу ишда 40 йиллик тажрибам бор”, -деб мақтанса, демак аслида бундай тажриба унда йўқ. У шунчаки бир йиллик тажрибани 40 марта такрорлаган, холос. Аслида, у бечора бутун ҳаёти давомида ўз орзу-умидларига эришолмаган. Шунинг учун ўзини “кўп йиллик тажрибага эгаман”,- деб юпатишга уринади. Қирқ йил давомида ҳақиқатан ҳам тажриба орттириб келаётган одам бундай деб айтишига ўрин ёки зарурат қолмайди. **Чунки тажриба дегани – бу ўзинг истаган нарсанинг ўрнига эришган “матохдан” бошқа ҳеч нарса эмас.** Масалан Абу Али ибн Синонинг “тажрибаси” бўлмаган, у умрининг охиригача тинимсиз ўрганган. Унинг тажрибасини ўрганиш минг йилдан зиёд давом

этаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Ўйланиб кўр. **Бошқалардан сени фақат кўлингдан келадиган, ҳеч ким сенчалик яхши бажара олмайдиган иш ёки хайрли хислатинг ажратиб туради. Айнан шу нарсалар сени бошқалар учун ҳам ўзинг учун ҳам кадрли қилиши мумкин. Қолаверса, бу ерда сени айрим беъмани асабийлашувлардан холос қила оладиган бир жумбоқ ҳам бор: айтилган маънода бошқаларга ўхшамасанг, бошқаларга ҳам бошқача бўлишга изн бериб, уларга нисбатан тоқатли бўла оласан.**

-Севги-муҳаббат-чи, - дедим робот гапини тугатганини сезгач, - у кўлингдан келадиган ишга ҳам, хислатларингга ҳам қарамасдан севиб ардоқлайди ва кадрлайди-ку?

-Севги сенга “аванс” беради, хорижий сўз учун узр, - деди робот, - лекин таъбир жойиз бўлса, вақт ўтиб сеvgи ҳам “асосий маошни олмаса” ҳатто у ҳам узокқа етмайди. Тўғри, сендаги ишқ шунчалик даражада кучли-ки, унинг қудрати бениҳоят чексиз ва шунинг учун карама-қарши жинсга нисбатан муҳаббатинг ҳеч қачон “очликдан” ўлмайди. “Очлик” уни мустаҳкамлайди. У фақат тўйинганидан халок бўлиши мумкин.

Маълум фаолиятга бўлган меҳринг эса аксинча, агар шу иш билан шугулланмасанг, “очликдан халок бўлади” (бу орада сендаги истейдод йўқ бўлиб кетади). Қалбингдаги бу меҳрингни ўзинг севган ишга сарфлаганинг сайин бутун вужудинг қувватга минади ва юрагингдаги ҳаёт завқи ҳеч қачон сўнмайди.

Бошимни ирғаб қўйиб кейинги саволга ўтдим: **-Сен ўзинг учун кимсан?,** деб сўраган эдинг, одам ўзи учун ким бўлиши мумкин?

Робот бу сафар жуда қисқа жавоб берди:

- Ўзинг тўғрингда нима деб ўйласанг ҳам – бу сен эмассан. Лекин нимани ўйласанг – сен айнан шу сан.

Яна бошимни ирғадим, лекин “тушундим” эмас, ўйлаб кўраман деган маънода.

- Сен **“энг қийини соғлик сенга нимага кераклигини билишда”**- дединг. Назаримда бу гапинг, эви билан айтганда, сал бемаънидек туюлади. Ахир, соғлик бўлмаса ҳаётнинг мазаси ҳам, кадри ҳам бўлмайди-ку, бу ҳамма учун кундек равшан бўлган оддий ҳақиқат. Соғлик нимага кераклигини билишнинг нимаси қийин?

Робот бу сафар ҳам кутилмаган савол берди:

- Машинанг борми?

- Йўқ, лекин сотиб олиш орзуим бор.

- Машина сенга нимага керак?

- Нимага бўларди, у кўп ишларимни енгиллаштиради.

- Демак, - деди робот, - хойна-хой машина сотиб олишга пул тўплаётган бўлсанг керак.

-Ҳа, анчадан буён.

-Менимча, сен ҳеч қачон машина сотиб ололмайсан, - деди робот. Сабаби жамгарган пулингни ҳар сафар бошқа нарсаларга сарфлашингга тўғри келаётган бўлса керак.

Робот бу сафар ҳам иззат нафсимни чимчилаб кўйди, лекин пул жамгаришни эплай олмаётганлигимни билгани мени хайрон қолдирди ва мен ундан: -Буни қаердан билдинг? – деб сўрадим.

Робот, одатдагидек, жавоб ўрнига яна савол берди:

-Орзу билан мақсаднинг бир-биридан нима фарқи бор, деб ўйлайсан?

-Орзу – бу келажакда мен эришмоқчи бўлган нарса, мақсад ҳам шунга ўхшаш бир гап.

-Йўк,- деди робот, - маълум бир орзунини амалга ошириш муддатини белгиласанггина у мақсадга айланади. Акс ҳолда у шунчаки орзу бўлиб қолаверади. Орзуга эришиш муддатини белгилашинг, яъни уни мақсадга айлантиришинг сени маълум ҳаракатлар қилишга ундайди. Мақсадга айланмаган орзу – орзулигича қолаверади ва одам калби умрининг охирига бориб кўпинча орзуларининг “қабристонига” айланиб қолади. **Сен машина сотиб олиш мақсадим эмас, орзуим бор дединг,** яъни уни қачон сотиб олишни белгиламагансан. Демак машина учун тўпланаётган пулларни ишлатиш учун сенда ҳамиша ундан-да зарурроқ бошқа эҳтиёжлар пайдо бўлаверади.

Роботга: – Тушундим, -деб айтишдан бошқа гап тополмадим ва у гапини давом эттирди:

-Демак, ўзинг айтганингдек, сенга машина кераклигининг сабаби у кўп ишларингни енгиллаштиришида. У сенга маълум ишларни бажаришга, мақсадларингни амалга оширишга хизмат қилади. Машина билан боғлиқ ишларинг қанча кўп бўлса, у сенга шунчалик зарур бўлади. Инсон соғлиги ҳам худди шунга ўхшаган нарса. Мақсадларинг сен учун қанчалик муҳим бўлса, соғлигинг ҳам шунчалик зарур, ва уни асраб-авайлаш сен учун шунчалик муҳим бўлади. **“Энг қийини - соғлиқ нимага кераклигини билишда” деганда, сен учун энг муҳим, энг жозибали, ҳамиша ўзига тортиб турадиган энг юксак мақсадларингни аниқлашинг қийинлиги назарда тутилади. Бу мақсадларни аниқлаш йўлини эса сен билан гаплашдик...варрак тўғрисида гапириб бердинг...**

Мен кейинги саволга ўтдим:

-Сен, камбағалликда айб йўк, чунки ўзи маълум айбларнинг маҳсули бўлган нарсани айблаб бўлмайдди, дединг. Бунда қанақа айбларни назарда тутган эдинг?

-Асосий айблар, - жавоб берди робот, - бу саводсизлик, масъулиятсизлик ва журъатсизлик.

-Қизиқ, - дедим бироз ажабланиб. Балки саводсизлик ҳақиқатан ҳам камбағалликка олиб келиши мумкиндир, лекин бизнинг замонамизда саводсиз одамнинг ўзи йўк-ку.

-Тўғри, - деди робот, - лекин замоналар ўтиши билан аҳоли орасидаги саводсизлар миқдори ҳеч қачон ўзгармайди. Шунчаки ҳозирги саводсизлар ўқиш билан ёзишни билишади. Саводи бор, лекин умрида бирон китоб ўқимаган ёки замонадан орқада қолиб, ҳеч нарсани ўрганишни истамаган одамнинг саводсиздан нима фарқи бор?

-Тўғри, - дедим мен ҳам, - бунга эътироз билдириш қийин. Менимча, саводсизлик деганда нималар назарда тутилишини энди тушундим. Лекин масъулиятсизлик билан камбагалликнинг бир-бирига боғлиқ жойини ҳеч англаб етолмаяпман.

-Бу жуда оддий, - жавоб берди робот. Ўз оиласи, хотини, фарзандларининг кундалик ҳаёти ва келажаги учун масъулият сезмаган одамгина уларнинг муҳтожликда яшашига йўл қўйиши мумкин. Журъатсиз одамларга келсак – улар аксарият ҳолларда фақат ўзлари одатланган фаолият билан шугулланишади, илгари қилиб қўрмаган ишига қўл уришдан қўрқишади. “Бу ишни қилолмайман,қўлимдан келмайди”,- деб, ўзи учун қийин бўлган ишдан воз кечган одам ўзини нимага қодирлигини ҳеч қачон билолмайди. **Ваҳоланки, эътибор берган бўлсанг, одамлар ҳаммасидан ҳам кўпроқ ўзлари учун энг қийин бўлган ишларни удалай олгани билан фахрланишади.** Камбагал эса журъатсизлиги туфайли ўзидан фахрланишга арзийдиган биронта ҳам иш қилмайди. Фахрланиш учун унда фақат биргина асос қолади – ҳалоллик. Лекин аслида, ҳалоллик нималигини ўзи ҳам тахминан билади, чунки унинг саводи йўқ. У ўзига тўқ ва бой одамларни ўғри ва фирибгар деб ҳисоблагани туфайли ўзини ҳалол одамлар қаторига қўшади. “Ҳалоллик – бу камбагалларнинг шуҳратпарастлиги”. Умуман олганда, одамлар ўзидаги нафрат кучини атрофдагиларга эмас, балки камбагаллик ва муҳтожликка қарши қаратишни ўрганишса, вақти етиб ҳар бир хонадонга кут ҳам барака ҳам кириб келишига йўл очилган бўларди. Чунки моддий фаровонликка эришмасдан туриб ўзлигинг тўғрисида бош қотира олмайсан, яъни умринг, ҳаётинг маъноси тўғрисидаги тасаввуринг тасаввурлигича қолаверади.

Робот гапиришдан тўхтаганини сезиб ичимда “қайнаб” турган яна бир саволни бердим:

-Моддий фаровонликни ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимгадир – бу янги телпак, кимгадир – иккинчи хотин. Тўғри, киши муҳтожликда яшамаслиги керак, лекин фаровонликнинг на аниқ ўлчови, на “шуниси етарли” деб айтиш мумкин бўлган миқдори, белгиси йўқ-ку.

-Бор, - деди робот.

Қизиқиб, бутун вижудим кулоққа айланди.

-Фаровонликнинг белгиси – бағрибутунлик ва хотиржам уйқу, - қўшиб қўйди робот.

-Аввалги суҳбатларимизнинг бирида сен “киши ўзи севган иши билан шугулланиши жуда муҳим ва бу ҳатто унинг ҳаёт йўлини белгилаб беради”,- деган эдинг. Бу масалада ҳам мен тушунишим қийин бўлган бир жумбоқ бор. Гап шундаки, мен учун севимли бўлган фаолият ёки ишни аниқлашим осон эмас. Биринчидан, касб танлаш кўпинча тасодифий юз беради. Ахир эндигина мактабни тугатган бола бу масалада ниманиям тушунарди? Қолаверса, ёшлиқда касб танлаб, ўн-ўн беш йил давомида маълум соҳада ишлаганингдан кейин аслида қайси касб ҳақиқатан ҳам ўзингга ёқишини ва мос келишини билиб олиш жуда мушкул. Нима дединг?

-Болалар бегубор бўлишади, - гап бошлади робот. Ўспиринлик ёшигача уларнинг ҳар бири “фаришта”нинг ўзгинаси ва ҳар бири нимага қодирлиги ёки қандай иш учун дунёга келганликлари ҳар бир хатти-ҳаракати, қиладиган ишлари ва кизиқишларида яққол кўриниб туради.

-Ўргилдим, - дедим бехосдан роботнинг гапини бўлиб, - сенда фарзанд йўқ-да, иккита-учта тирмизагинг бўлганида, уларни “фаришта” деб аташга тилинг айланмасди.

-Нимани назарда тутаяпсан?, - сўради робот.

-Болаларнинг инжиқлиги, хархашалари, ўзиникини маъқуллаб, бақириб йиглашларини, кулогига гап кирмаслигини ва хоказо. “Фаришта” эмиш!

Робот бироз вақт “зингиллаб” туриб яна кутилмаган савол берди:

-Онанг ҳаётмилар?

-Ҳа, Худога шукур.

-Уни охирги марта бирон сабабсиз, шунчаки ҳеч нарса демасдан қачон кучоқлаганингни эслай оласанми?

-...?

-Сени тушунаман, - деди робот. Сен кап-катта одамсан ва ёш боланинг қилигини қилиш менга ярашмайди, деб ҳисоблайсан. Агар ҳозир сенга айтмоқчи бўлган гапларимни ҳақиқатан ҳам тушуниб етишни истасанг, онангга ўз меҳрингни шу тарзда намоён этиб кўр. Кейин бу иш ўзингга ва онангга қандай таъсир қилишини кузат. Болаларга келсак, бу борада кичкинагина маъруза қилишимга тўғри келади.

Бола 9-10 ёшгача ўз шахсини ота-онасидан айрим ҳолда тасаввур қилолмайди, онаси, отаси ва ўзини бир бутун деб билади. Ўспиринлик давригача, маълум маънода одам “иккига бўлина бошлагунигача”, яъни қиз бола ўзини қиз бола эканлигини, ўгил бола ўзини ўгил бола эканлигини ҳис қила бошлагунича унинг бегуборлик ва покликда фариштадан фарқи йўқ. Бола инжиқлик қилишининг сабабини ҳар бир аёл билади: гўдак оч бўлса, таги ҳўл бўлса ёки огриқ сезсагина йиглайди. Гўдакликдан ўтган бола эса булардан ташқари меҳр ёки эътибор етишмаслигидан инжиқлик қила бошлайди. Буни эса фақат болалигида меҳр кўрган аёл, ёки эрининг меҳридан баҳраманд бўлиб яшаб юрган аёлгина ҳис қила олади.

Бирон нарсани баҳона қилиб йиглаб, онасига азоб бераётган бола аслида онасининг меҳрига зор бўлганидан инжиқлик қиладди, чунки онасига “мени кучоқлаб, силаб-сийпалаб кўй” деб айтолмайди. **Овқат боланинг танаси ва соғлиги учун қандай муҳим озуқа бўлса, онанинг меҳри унинг қалби ва рухий соғлиги, келажак ҳаёти учун шунчалик даражада муҳим озуқа.** Аслини олганда нафақат бола ёки ўспирин, балки ҳар бир одамни, ёшидан қатъи назар бир ибора, яъни “меҳр истовчи” ибораси билан билан ифодалаш мумкин. Агар шу “меҳр истовчини” тўққиз ёшидан бошлаб фойдали меҳнат қилишга ўргатмасанг, вақт ўтиши билан у ўзидаги фаришталарга хос хусусиятларини сақлаб қолиши қийинроқ бўлади, лекин бу энди бошқа мавзу.

Асосий мавзуга қайтайлик. Болаларни фаришталарга ўхшайди, деганимнинг сабаби улар ҳеч қачон ҳеч нарса тўғрисида мулоҳаза юргизиб ўтиришмайди ва ҳар бири фақат ўзининг асл табиати буюрган ишни қиладди.

Шу сабабдан айнан болалик ўйинларида одамнинг келажак ҳаёти, келажакда танлаши мумкин бўлган касби-кори яққол кўриниб туради. Агар эслаб кўрсанг, болалигингда асосан қайси фаолият сени ўзига ром қилганлиги бир зумда ўзингга аён бўлади. Айнан шу фаолият сеники. Сен шу фаолият учун яратилгансан.

Робот билан танишганимиздан буён биринчи марта унга раҳмат айтгим келди, лекин айтмадим, чунки унинг сўнгги мулоҳазалари миямда яна бир талай саволлар уйготди.

-Қирқ ёшга кадам кўйган одамга касби-кори ўзгартириш тўғрисида ўйлаш бироз галати туюлади, “Қирқдан кейин сурнайчи бўлмоқчимисан?”,- деган пичинг гап бор, - дедим бироз ийманиб.

Робот жавоб ўрнига ривоят айтиб берди.

Қадимда Европа давлатларининг бирида қайси бир донишмандни қайси бир айби учун эртага қатл қилиш ниятида қамоққа ташлашибди. Қамоқхона бошлиги унга қандай истаги бўлса бугун бажаришга тайёрлигини айтибди ва донишманд: - “Скрипка чалишни ўргатадиган ўқитувчини олиб келинг”, - дебди.

-Уни нима қиласан?!, - ҳайрон бўлибди бошлиқ.

-Скрипка чалишни ўрганаман, - дебди донишманд.

-Ғирт аҳмоқ экансан, - жаҳл билан дебди бошлиқ. Эртага эрталаб сени қатл қилишади, скрипка чалишни ўрганишга бало борми?!

-Йўқ, - дебди донишманд, - агар сен аҳмоқ бўлмасанг ўйлаб кўр, скрипка чалишни ўрганишни бир умр орзу қилганман. Агар бугун ўрганмасам, қачон ўрганаман?

Ҳикоясини тамомлаб жим турган роботдан бир дақиқадан кейин “зингиллаган” товуш эшитилди, демак ниманидир айтмоқчи. Кутиб турдим ва у яна тилга кирди:

-Одам савдоси ва кулликка тушган одамлар тўғрисида эшитганмисан?

-Ҳа, албатта, бу балони бошидан кечирган танишим ҳам бор.

-Тарикат йўлини танлаган буюк алломаларнинг кўпчилиги устозларга, яъни пирларга мурид бўлишган ва устозлари уларни руҳан ва жисмонан товланишлари учун шундай топшириқлар беришган-ки, муриднинг ҳаёти йиллар давомида кулларниқидан ҳам баттар бўлган. Лекин шу “куллик” туфайли улар буюкликка эришганлар. Агар ҳаётингга ўзинг хўжайинлик қилиб, ўзингни шу “хўжайиннинг” энг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган садоқатли кулга айлантурсанг, тез орада жуда кўп кўркувларинг, муаммо ва қийинчиликларинг аслида арзимас эканлигига амин бўласан. Нотаниш ҳудудда кечаси кўзингга кўркинчли махлуқ бўлиб кўринган нарса кундузи шунчаки қийшиқ дарахт эканлигини кўриб қандай табассум қилсанг, бугунги кўркувларинг устидан ҳам вақти келиб шу тарзда куладиган бўласан. Ҳаёт сен учун нотаниш ҳудуд эканлиги аниқ, чунки “биринчи марта” яшайсан, олдинги ҳаёт тажрибаси ҳеч кимда йўқ.

Шундай экан қўркма, ишга кириш, фақат кексайганидан кейингина ўз қўркувлари устидан куладиганлар қаторига қўшилма, - деди робот.

Шу ерда суҳбатимиз вақти тугади ва мен афсусланиб хонадан чиқиб кетдим.

Масъулият

Афсусланганлигимнинг сабаби робот билан бўлаётган суҳбатларимиз, худди сериалларга ўхшаб, мен учун энг қизиқарли жойига келганида тўхтатишга тўғри келаётганида эди. Лекин бу бир ҳисобдан роботнинг айтганларини қайтадан эшитиб кўришга ва шу гапларнинг моҳиятини англаб олишимга имкон берарди. Фақат масъулият тўғрисидаги унинг мулоҳазаларига ҳали ҳам тишим ўтмаётганлигидан бироз асабилашардим.

“Нима учун дунёда адолат йўқ?”, -деган саволимга у: “Чунки одамлар ўз ҳаёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишни истамайди, аниқроғи, улар қандай қилиб масъулиятни ўз бўйнига олиш мумкинлигини билмайдилар. Омади юришмаса ёки бошига кулфат тушганидан кейин эса бошқаларни ёмонликда ва дунёни адолатсизликда айблайдилар”, -деб жавоб берганди.

Орадан беш кун ўтганидан кейингина робот билан учрашишга муваффақ бўлдим ва бу масалага аниқлик киритиб беришини илтимос қилдим.

Одатдагидек робот суҳбатни саволдан бошлади:

-Кимдир сенга маълум бир ишни қилишни таклиф қиляпти, деб тасаввур қил. Қандай ишлигининг аҳамияти йўқ; кўчани бир айланиб келишни, унга қарз бериб туришни, биргаликда бизнес қилишни ёки турмуш қуришни. Нима деб ўйлайсан, шу ишнинг оқибати, ниҳояси, айтишлик сенга маълум зарар етказса, бунинг учун ким кўпроқ жавобгар бўлади: сенми ёки у ?

Ўйланиб қолдим.

-Мантиқан қараганда, ҳар кимнинг бу ишда тутган ўрни, унга қўшган ҳиссасига, қилган ҳаракатига боғлиқ бўлса керак, - деб жавоб бердим.

-Мантиқан тўғри, - деди робот, - Нима деб ўйлайсан, бирон иш қилишни таклиф қилаётган одам, бу ишни сенинг манфаатингни ўйлаб таклиф қиляптими ёки ўзиними?

Яна ўйланиб қолдим.

-Менимча, айрим ҳолларда у одам менинг манфаатларимни ҳам ўйлаб бирон ишни таклиф қилиши мумкин, - дедим ниҳоят.

-Мантиқан тўғри, - такрорлади робот. -Кейинги саволларим билан сени бироз қийин аҳволга солиб қўйишим мумкин, чунки фарзандларинг ҳали кичкина ва ҳаётингда бундай масалага дуч келмагансан. Тасаввур қил, 5-10 йиллардан кейин қизингни сўраб уйингга совчи келди. Қизинг эса буни эшитганидан кейин ўзи ёқтирган йигитга турмушга чиқиш истаги борлигини онасига, яъни хотинингга айтади. Биринчи савол: **Қизинг ўзи истаган йигитга турмушга чиқишига рози бўласанми?**

Бу саволга жавоб бериш мен учун ҳақиқатан жуда қийин эди. Лекин нияям килардим, у жавобни кутиб турибди.

-Қизимни жуда яхши кўраман, тўғриси айтсам унинг райини синдириш мен учун жуда қийин бўлса керак.

-Яъни, рози бўласан, шундайми?

-... Ҳа, рози бўлсам керак.

-Иккинчи савол: Мободо, қизинг ўзи танлаган йигит билан турмуш қуриб, лекин, мени кечирасан, турмуши бузилса, бунга сен кўпроқ айбдор бўласанми ёки қизингми?

Саволни эшитиб, пешонамни совуқ тер босди. Бўғизимга нимадир тиқилгандай бўлиб, нафасим сиқилганидан бир муддат жим бўлиб қолдим. Лекин робот индамай кутиб турарди.

Ниҳоят, ўзимни қўлга олиб жавоб бердим:

-Тўғри, бу ерда мен ҳам четда қолмайман албатта, лекин... лекин ҳар ҳолда қизим ўзи танлагани учун...

-Хўш?

-Менимча, кўпроқ у айбдор бўлса керак.

Робот бироз вақт “зингиллаб” туриб умуман бошқача савол берди:

-Башарият душмани бўлган шайтон ҳар қандай ишни урда олади, дейишади. Лекин у одам зоти қила оладиган бир ишни қилолмас экан, бу қандай ишлигини биласанми?

-Й-ў-қ..

-Шайтон ўзини - ўзи алдай олмас экан.

Қизим масаласидаги саволдан кейин ҳали ҳам оқариб турган юзим қизара бошлаганини аниқ сезиб шошганимча роботдан сўрадим:

-Нимага буни менга айтаяпсан?!

Роботнинг кейинги бир маромда ва ҳеч қандай хис-туйғусиз айтган гаплари узоқ вақтлар давомида хаёлимдан кетмади.

-Биринчидан, - деб гап бошлади робот, **-** кўчани бир айланиб келишни таклиф қилганга сен ўз вақтинг ва эътиборингни, қарз сўраган одамга пулларингни, совчига эса қизингни бериб юбормоқчисан. Ваҳоланки, вақт ҳам, пул ҳам, қиз ҳам сеники. Уларни бировга бериш ёки бермаслик фақат ва фақат сенинг ихтиёрингда. Шунга қарамасдан, биров қилган таклиф сен учун кўнгулсизлик келтириши хавфи пайдо бўлиши билан масъулиятни бошқа одам гарданига юклаш мумкин, деб ўзингни алдаяпсан. Масъулият тўғрисида фикр юритган олим ва уламолар фикрича, **кимдир сенга маълум бир ишни қилишни таклиф этса, шу ишнинг оқибати учун фақат ўзинг жавобгар бўлишингни тан олсанг, кўп хатолардан холис бўлар экансан.**

Иккинчидан, кўчани айланиб келишни таклиф қиладиган одам сенга ҳам бу иш ёқиб тушишини билишини сенинг ўзинг ҳам жуда яхши биласан. Демак, бу ерда сенинг манфаатингдан асар ҳам йўқ. Аксинча, у сенга вақтингни бекорга сарфлашни таклиф қилади, сен эса рози бўласан. Қарзга пул сўрайдиган одам

сенинг манфаатингни ўйлаб сўраяпти, дейиш мантикка тўғри келмайди. “Биргаликда бизнес қиламиз”- деган одам эса бу ишда сенинг иштирокинг унга кўпроқ манфаат келтиришини билганлиги сабабли, сенинг ҳам манфаатингни кўзлаши мумкин. Буларни ҳам сен ўз мисолингда жуда яхши биласан, лекин яна ўзингни ўзинг алдашга уриняпсан.

Учинчидан, қизингнинг ҳаёти ва келажаги учун масъулият тўла - тўқис сенинг гарданингда эканлигини инкор қилолмайсан. Лекин “у ўзи шундай қарор қабул қилаётганини ва уни яхши кўрганлигинг сабабли раъйини қайтара олмаслигинг” баҳонаси билан яна ўзингни - ўзинг алдашга уринаяпсан. Яъни, ўзингдаги масъулият юқини қизингга юкламоқчисан. Маъноси замоналар ўзгарганлигига бориб тақаладиган гаплар эса сен учун шунчаки баҳона. Замона ўзгариши билан, ҳаёт ва коинот қонунлари ўзгармаслигини ўзинг ҳам яхши биласан. **Мувозанат асосида тузилган коинот қонунлари эса ҳаётда қиз боланинг “оғизлиги, ҳимоясизлиги” ота ҳимояси ва ғамхўрлиги ҳисобига тўлдирилиши билан унинг ҳаётини мувозанатда сақланишини тақазо этади.** Оддий қилиб айтганда, ўглинг учун сени ҳеч ким жавобгар қилолмайди. Шунчаки ўглингга берган тарбиянг ва ибратинг мевасини албатта ўзинг ейишингга тўғри келади, аччиқ бўлса ҳам, ширин бўлса ҳам. **Лекин қизинг ҳаёти учун жавобгарлик фақат сен ўлганингдан кейингина унинг эрига ўтиши мумкин.** Қолаверса, эркаклик гурурининг пойдевори унинг аёл зотига, юқорида мен айтган коинот қонунларига мос бўлган, муносабатидан шаклланади. Бундай пойдевори бўлмаган эркакнинг ҳар қандай гурури ҳамиша бачкана ва куруқ бўлиб чиқади.

Тўртинчидан, ҳатто бировдан ибрат олиб қилган ишингни ҳам маълум маънода бировнинг таклифи билан қилинган иш деб ҳисоблаш мумкин. Шу маънода одамлар камдан-кам ҳолларда бирон ишни ўз ақли ва ўз ташаббуси билан қилишади. Уларга ҳамиша кимдир ниманидир таклиф қилади, қандай кийим кийиш кераклигидан бошлаб, қандай яшаш кераклигича. Бошқалар ибрати билан иш қилиш эса осон ва қулай, чунки ўзингни оқлашга баҳона бор. Қолаверса, сенинг гарданингда турган ўз ҳаётинг учун бўлган масъулият юқи ҳам қамайгандай туюлади, лекин аслида бунинг акси бўлиб чиқади. **Сен қиладиган ҳар бир ишинг – савол, шу ишнинг натижаси, оқибати эса – жавобдир.** Лекин, масъулиятни ўша жавоб “келганидан” кейин ҳам ҳис қилмайсан. Сабаби - бу ишни зиммангга масъулият олиб бошламагансан. Масалан, салбий оқибатини қабул қилишга тайёр бўлмасдан қарз олишинг ёки қарз беришинг – бу сенинг саволинг. Унинг жавоби келганидан кейин эса хулосанг ҳамиша бир хил бўлади - ё “одамлар ёмон”, ё “дунё адолатсиз...”

Ва ниҳоят, **бешинчидан,** одам ўзи билмаган нарсани ёмон кўради, ёмон кўрган нарсасини эса билишни истамайди. Мактабда ўқиганингда ҳар хил фанларга бўлган муносабатингни эсласанг бунга амин бўласан. Одам ўзини билиши ҳам фақат ўзини яхши кўришидан бошланиши мумкин.

Ўзини яхши кўрадиган, ҳурмат қиладиган ва ўзини кадрлайдиган одамга ўз ҳаёти учун масъулиятни ўз зиммасига олиш ҳеч ҳам қийин эмас. У ўз вақти ва меҳнاتини кадрлагани учун вақти ва пулини беҳудага сарфламайди. Ўзини ҳурмат қилганлиги сабабли фарзандларини ёшлигидан бошлаб муносиб ва бахтли инсон бўлиб ўсишларини ўйлаб иш қилади. Ўзини яхши кўриши туфайли ўз оиласида ўзаро ҳурматга асосланган тотувлик ва талабчанлик руҳи билан сугорилган меҳр-оқибат муҳитини яратишга ҳаракат қилади.

Робот ўз сўзини тугатган захоти менда ўнлаб саволлар пайдо бўлди ва суҳбатимиз охиригача орамизга бир дақиқа ҳам сукунат чўкмади.

-Бировга қарз бериш ёмонми?

-Агар кўрқув туфайли қарз бераётган бўлсанг, оқибати яхши бўлиши гумон.

-Тушунмадим, одам бировга қарзни кўрққанидан бериши ҳам мумкинми?

-Ҳа, сенинг тўғрингда ёмон фикрга боришларидан кўрққанингдан беришинг мумкин. Ўзинг тўғрингда яхши фикрда бўлсанг, бундай кўрқув сени чалғитолмайди.

-Қарз олиш-чи?

-Мирзо Абдулқодир Бедил 300 йил олдин бу тўғрида бир рубоий ёзган, - деди робот:

**Қилдим кўп имтиҳон, қарз ола кўрма,
Берсалар сенга жон, қарз ола кўрма.
Қарз адоғи маҳол, очдан ўлсанг – ўл,
Одамлардан бир нон қарз ола кўрма.**

-Сен “Одамларга ҳамиша кимдир ниманидир таклиф қилади, қандай кийим кийиш кераклигидан бошлаб қандай яшаш кераклигича”, - дединг. Ахир, кийимни ҳам, қандай яшашни ҳам мен ўзим танлайман-ку.

-Сенга буни таклиф қилишади.

-Ким?!

-Хотининг, фарзандларинг, қариндошларинг, танишларинг, қўшниларинг, ҳамкасбларинг, дўстларинг, бегоналар ва телевизор.

-Лекин... лекин, замона билан ҳамнафас бўлиб яшаш керак-ку, - дедим роботнинг жавобига нима дейишни билмасдан.

-Тўғри, аммо ўзингни англаган ҳолда замона билан ҳамнафас бўлиб яшашнинг завқи, мазаси бошқа. Ўзингни йўқотган ҳолда яшаш изтироби эса мутлақо бошқа –бу сени Чингиз Айтматов асаридаги “манқуртга” айлантириши мумкин.

-Очигини айтсам, сени тушунмаяпман.

-Узоқ муддатга мўлжалланган ва келажакда Ер юзида етти эмас, фақат бир миллиард одам яшаб қолишини таъминлайдиган режалар тўғрисида эшитганмисан?

-Ё тавба! Наҳотки учинчи жаҳон уруши бошланса?

-Йўқ, бу режалар урушни назарда тутмайди. Улар тинчлик, тотувлик, хар бир инсонга тўла-тўқис ва чексиз эркинлик беришни ҳамда давлатлар ахोलисининг миллий анъаналари, маънавий меросига оммавий маданият унсурларини аста - секин сингдириб боришни назарда тутди. Орадан 50-100 йиллар ўтиб, кўпчилик давлатларда оила устунлари емирила бошлайди, туғилиш камайиши натижасида аҳоли сони кескин қисқаради.

- “Оммавий маданият” деганинг нима?

-Бу тушунчага аниқ таъриф берилгани менга маълум эмас. Лекин кўпчилик маълумотларга қараганда, оммавий маданият бу –миллатнинг маънавиятига мос келмайдиган одатлар одамлар ҳаётига кириб келишига, оила мустахкамлигини таъминловчи эр-хотинлик муносабатлари аста-секин ўзгаришига ва натижада миллат вакилларининг сони камайишига хизмат қиладиган маданият. У аҳоли, айниқса ёшлар онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур ҳосил қилишга уринади.

-Тўғриси айтсам, мен биров шошиб қолдим, наҳотки бизнинг ҳаётимизга ҳам бундай маданият кириб келаётган бўлса?!

-Жавобларингга қараганда, шахсан сенинг ҳаётингга аллақачон кириб келганга ўхшайди, - деди робот.

Роботнинг жавобини эшитиб ўтирган жойимда қотиб қолдим. У зинҳор беҳуда гап айтмаслигига аллақачон амин бўлганман, шунинг учун ҳаяжонга берилмасдан, уни тушунишга ҳаракат қилдим.

-Мисол келтира оласанми?

-Қизингни ўзи ёқтирган йигит билан турмуш қуришига рози бўлганинг ва уни шундай қарор қабул қилишга тайёргарлик руҳида тарбиялаётганинг, - жавоб берди робот.

-Ахир, ўн саккизинчи асрда яшаётганимиз йўқ-ку! - асабийлаша бошладим мен. Ёшлар ўз ҳаёт йўлини ўзлари белгилашни истайди, қолаверса, бунга билими ва маълумоти ҳам, эс-хушлари ҳам етади. Қизимни мажбурлаб турмушга беролмайман-ку!?

Робот бу сафар ҳам менга умуман кутилмаган саволлар бера бошлади:

-“Ишқ” сўзининг маъносини биласанми?

-Йўқ, аниқ билмайман.

-Алишер Навоийга муносабатинг қандай?

-Бу нима деганинг?! Қандай бўларди, уни бутун дунё тан олган!

-Унинг “Баҳром ва Дилором” асарини ўқиганмисан?

-Афсус-ки, ўқимаганман...

-Бўлмаса эшит, - деди робот. “Ишқ” сўзи “ашка” сўздан олинган, бу-бошқа бир ўсимликка чирмашиб ўсадиган ўтнинг номи. У қайси ўсимликка чирмашса уни қуритмасдан қўймайди. Ота-она ўз фарзандини ақлли-доно қилиб тарбиялашга 20 йил сарфлайди. Ишқ-муҳаббат эса атиги 20 дақиқада одамни аҳмоққа айлантиради қўяди. Ғалати-а? Булар тўғрида шунчаки ўйлаб кўр.

Алишер Навоийга келсак, унинг асарларида асосан илоҳий ишқ тараннум этилади ва инсоний, яъни жинслар орасидаги ишқ-муҳаббатнинг офатлари турли хил мисоллар орқали таърифланади. Оммавий маданият тарғиботининг яширин мақсади эса айнан жинслар муҳаббатини, бойликни, зебу зийнат ва қулайликлар орасида ўтадиган энгил ҳаётни тараннум этишга қаратилган. Бу маданият хирсени ва нафсени уйғотадиган мусиқа, қўшиқ, реклама, фильмлар, кийимлар, турмуш тарзи ва анъаналар халқ онгида ўрнашиб олишига хизмат қилади.

Гап қизингни мажбурлаб ёки ўз хоҳиши билан турмушга узатиш тўғрисида эмас, балки уни турмуш қуришга тайёрлаш мақсадида унга бераётган тарбиянинг сифати тўғрисида кетаяпти.

Сен ва хотининг бераётган тарбия уни кичкиналигидан бошлаб эртага она бўлиб бола тарбиялашга, “қўш хўкизларнинг” бирига айланиб, рўзғор тебратишга, оилада у бажариши лозим бўлган юмушларни қийналмасдан адо этишга ва оилавий қийинчиликларни бошидан кечиришга тайёрлаяптими? Агар шундай бўлса, қизинг ўзи ёқтирадиган йигит ахтариши гумон, чунки ҳозирдан у оилада аёл киши бажарадиган вазифаларни ўрганиш билан банд бўларди.

Ёки ўй-хаёли тўйда қандай чиройли кўйлак кийиши ва эри унинг ҳар бир истагини қондириб, ҳамма нарсани бисёр қилиб бериши билан бандми? Сен уни ўзи ёқтирган йигитга беришга рози бўлишга тайёр бўлганлигинга қараганда, ҳали анча ёш бўлса ҳам, қизинг ҳозирча айнан шу хаёллар билан яшаяпти.

Роботнинг бу мулоҳазалари ҳам миямда муҳрланиб қолди. У билан бугунги суҳбатимиз давомида ўзимни худди уйғонаётган вулкан тепасига аста секин тирмашиб бораётган одамдек сезаётган бўлсам ҳам, кўрқувдан кўра барча саволларга жавоб топиш истаги устун келаётган эди.

-Сен айтган гаплар ростдан ҳам кўрқинчли. Бундай офатлардан ўзимни ва фарзандларимни асраш учун нима қилишим мумкин?

-Ўзингни севиб, ҳурмат қилиб ва ўз қадрингга етиб яша, - деди робот.

-Яна ўша гап! Ўзингни севиш, ҳурмат қилиш, кадрлаш деганда нимани назарда тутаяпсан?! Мен буни тушунолмаяман!

-Ўзингни севиш деганда – қандай бўлсанг, ўзингни шундайлигингча қабул қилиш назарда тугилади. Оммавий маданиятнинг айрим ёрқин юлдузлари юзларини қайта-қайта пластик операция қилдирадилар. Ҳолбуки, инсоннинг ҳақиқий гўзаллиги унинг ўзига хослиги ва бошқа ҳеч кимга ўхшамаслигида. Ўз ҳурматинг ва кадр-қимматингга келсак, бир-икки саволим устида ўйлаб кўришингга тўғри келади.

-Мен тайёрман, - дедим роботга тақлид қилиб.

-Ўзинг севган, ҳурмат қиладиган ва сен учун жуда қадрли бўлган одамларга нисбатан қандай муомала қиласан?

Бироз ўйланиб, ота-онамга, болаларимга ва яна бир-икки одамларга бўлган муносабатимни кўз олдимга келтирдим-да шошмасдан жавоб бера бошладим:

- унинг ёнида бўлгим келади;
- бирон совга билан ёки бир ишини бажариб хурсанд қилишига ҳаракат қиламан;
- унга нисбатан ҳамиша эътиборли бўламан;
- унга нафим тегишини истайман;
- унга зарур бўлган шароит ва қулайликлар яратишига ҳаракат қиламан;
- еб-ичарини, соғлигини, вақтида дам олиши борасида қайгуруман, тоби қочадиган бўлса, дарров шифокорларга мурожаат қиламан;
- фикрларига қулоқ соламан, раъйини қайтармайман;
- мендан шод бўлишини истайман;
- пулга ёки бирор нарсага муҳтож бўлиб қолишига йўл қўймайман;
- менинг назаримда у нотўғри иш қилиб қўйган бўлса ҳам айбсизмайман, хатоларини шу заҳоти кечираман;
- унга ҳамиша очик юз ёки табассум билан қарайман.

Робот гапим тугаганини сезиб бироз вақт “зингиллаб” товуш чиқариб турди, кейин умуман бошқача савол берди:

-Бир одам шундай бир фикр айтган: “Одамларга ҳеч нарса ўргатиб бўлмайди, уларга фақат йўл кўрсатиш мумкин”. Бу фикрга қўшила оласанми?

-Менинг шахсий тажрибам бу фикрни инкор килади, - дедим бироз ўйланиб туриб, - мактаб, институт, уста-шоғирдлик дегандай. Ҳамиша бировдан ўрганиб келганман.

-Бу фикрни Жалолиддин Румий айтган, - деди робот. Бу билан буюк аллома токи одамнинг ўзида истак ва интилиш бўлмагунича унга бирор нарсани ўргатганининг фойдаси йўқлигига ишора қилган. Агар интилсанг ҳамма саволларга жавобни ўзингдан топа оласан. Ҳозиргина сен айтган гаплар ўзинг берган саволингга аниқ жавоб бўлди. Сен айтган муомала ва ҳаракатларни авваламбор ўзингга нисбатан қил. Шундагина сен яхши кўрган одамларингга ҳам бундай муомала қилишинг табиий ва ўзинг учун ҳузурли бўлади. Ўйлаб кўр, вақтимиз тугаяпти. **Ҳа, айтмоқчи, “ўйлаш” дегани – бу нима исташингни билиш ва керакли натижа берадиган ишни қилиш ёки гапни гапириш демакдир.** Илмий тадқиқотларга караганда, одамларнинг киладиган ишларининг ва гапирадиган гапларининг 85 фойизи ҳеч қандай натижа бермайдиган ёки улар кутмаган натижа берадиган ҳаракатлар каторига кирар экан. Хайр, саломат бўл.

Роботнинг кўзлари аста – секин нурсизланиб, ўчиб қолди.

Авваламбор ўзингга қил...

Уйга келиб дафтаримни очдим ва икки соат олдин ёзиб роботга ўқиб берган сўзларим устида ўйлай бошладим. Робот менга ўзинг севган, ҳурмат қиладиган

ва сен учун қадрли бўлган одамларга қиладиган муомалани ўзинга нисбатан қил, деди. Лекин қандай қилиб?

Ёзувимнинг биринчи бандида **“-унинг ёнида бўлгим келади”** дейилган. Бировнинг ёнида бўлишни исташим табиий, лекин ўзимнинг ёнимда бўлишни исташим ... – галати. Бу бемаъниликда маъно бормикин? Тун ярим кечадан ошганича ҳар бир бандга билганимча ва тушунганимча изоҳ бериб чиқишга уриндим. Лекин эплай олмадим.

Эртаси кундан бошлаб ўзимни қониқтирадиган жавобларни топиб ёзиш илинжида ўзимни ва ҳаётни кузатишим, қилган ишларим ҳамда одамлар билан бўлган суҳбатларим - қизиқарли саргузаштга айланди. Ўқиган ҳар бир китобим эса ўзига бошқа китобларни эргаштириб келаверди. Орадан икки ойча вақт ўтганини сезмай қолибман. Ниҳоят, изоҳларимни ёзиб тугатдим ва роботнинг олдига бордим.

-Сен берган маслаҳатни тушуниб етиш осон эмас экан. Лекин бировга қиладиган муомаламни ўзимга нисбатан қандай қилиш мумкин? - деган саволга жавоб беришга уриниб кўрдим. Шунини сенга ўқиб бермоқчи эдим, нима дейсан?

-Мен тайёрман деди робот.

Дафтаримни очиб ёзганларимни ўқий бошладим:

-унинг ёнида бўлгим келади; (Илгарилари зерикканимдан кўчага чиқиб кўшнилар билан нарда ўйнардим ёки гаплашиб ўтирдим. Дам олиш кунлари улфатлар билан учрашишга, меҳмонга боришга ёки меҳмон кутишга, иш қилиб бир амаллаб вақтни ўтказишга ва ёлғиз қолмасликка ҳаракат қилардим. Эндиликда навбатдаги китобни ўқиб чиқиш ва ўзимга ёққан жойларини алоҳида дафтарга ёзиб олиш ёки дурадгорлик ишлари билан шугулланиш учун вақтимни қизганадиган бўлганман. Балки ёлғизликда зерикмаслигим, аксинча бунга интилишим - айнан шу, ўзим билан бўлишни истаганимдир?)

-бирон совға билан ёки бир ишини бажариб уни хурсанд қилишга ҳаракат қиламан; (Робот билан “танишганимиздан” буён ўзимга йигирмадан зиёд китоб совға қилибман. Илгарилари китобга пул сарфлашга қизганардим. Ўзимга кийим-кечакни ҳамиша фақат зарурат туфайли ва иложи борица арзонидан сотиб олишга ҳаракат қилганман. Натижада кўпинча ўзимни бошқалар олдида ками-кўстли сезганман. Ўзинга совғалар қилиб туриш – бу жуда яхши гоё экан. Айниқса, кўчада жазирама иссиқда ўзига ҳатто музқаймоқни ҳам раво кўрмайдиган “қап-катта” одамлар учун. Режалаштирган ишларимни албатта охирига етказаман, чунки буни ўзим учун қилаётганимни тушуниб етдим).

-унга нисбатан ҳамиша эътиборли бўламан; (Қалбимга қулоқ солишни ўргана бошладим, тўй-тамоша, зиёфат ёки меҳмондочиликка вақтимни қизганганимдан ёки оёғим тортмаганидан боришни истамасам ёлгон гапиришдан уялмайдиган бўлдим. Бировга айтиб бўлмайди, лекин бундай ёлгондан виждоним ҳам қийналмаяпти. Худо сакласин, буни ўқитувчилар ёки

болалар эшитмасин. Ўқитувчи мени шарманда қилиши, боланинг эса тарбияси бузилиши мумкин).

-унга нафим тегишини истайман; (Буни мен ўз вақтим ва меҳнатим авваламбор ўзимга наф келтириши керак, деб тушунаман. Ўйлаб қарасам, шу вақтгача бошқаларга наф келтиришни сал бўлмаса муқаддас бурчим, деб ҳисоблар эканман. Натижада раҳмат ўрнига кўпинча маломатга қолганман. Қайси бир китобда ёзилган ривоят маъносини энди англаб етдим шекилли. Сув идишлари аллақачон бўшаб қолган ва чўлда чанқоқдан азоб чекаётган яқинларинг, дўстларинг ёки бегона одамларга ёрдам бера олишинг учун сенинг идишингда сув бўлиши керак, деган гапнинг асл маъноси –ўзинг учун қайгура олсангинга бошқаларга нафинг тегиши мумкин, деган гапга бориб тақалган экан. Қолаверса, бошқаларга зиён етказмайдиган худбинликнинг нимаси ёмон?- деган саволга бирон мантиқли жавоб тополмадим.)

-унга зарур бўлган шароит ва қулайликлар яратишга ҳаракат қиламан; (Маълум бўлишича, аслида менга қандайдир алоҳида шароитнинг кераги йўқ экан, шунчаки миям ва кўлларим ўзимга ёқадиган фаолият билан банд бўлиб чарчаса мен учун ухлашга оддий кўрпача ҳам юмшок, тунчадаги сув ҳам қулайлик экан).

-еб-ичарини, соғлигини, вақтида дам олиши борасида қайғураман, тоби қочса, шифокорларга мурожаат қиламан; (Ноннинг ҳақиқий мазасини рўза тутганимда билдим. Соғлиқ билан дам олишга келганда, ҳозирча “ўзбекчилик”дан нарига ўтишим қийин бўлаяпти. “Дам олиш қочиб кетмас”, йиқилиб қолгандан кейингина шифокорларни эслаш ва ҳоказо. Лекин *“Эртага қолдириш мумкин бўлмаган ишни ...индинга қолдириш мумкин”* ёки *“Иш аҳмоқларни яхши кўради”* - деган ҳазиллар ва соғлиқ тўғрисидаги оддий ҳақиқатларнинг магзини чақишга ҳаракат қилаяпман).

-фикрларига қулоқ соламан, раъйини қайтармайман; (Қалбимга қулоқ солмасдан туриб қарор қабул қилмасликни ўргана бошладим, чунки у кўп нарса билишига амин бўлдим. Атрофдагилар фикрига худди оби-ҳавога бўлгандай муносабатда бўлишни ўргандим: арзигулик фикрларни ҳисобга ва эътиборга оламан, лекин бундан ортиги эмас. Эндиликда ўзимни қандай тутиш ва қандай яшашни ҳал қилиш эркинлигини ўзимда қолдираяпман).

-мендан шод бўлишини истайман; (Ҳар сафар бирор ишимни охирига етказганимда ўзимдаги шодликни бошқаларга улашгим келаётганлигини сезаман).

-пулга ёки бирор нарсага муҳтож бўлиб қолишига йўл қўймайман (Қайси бир китобда: *“Топган пулингни фақат 70 фоизини рўзгорга сарфлаш, қолган 10 фоизини – жамлаш, 10 фоизини – ўз эҳтиёжинга ишлатиш ва 10 фоизини ўзинг севган иш (ёки “бизнес”) учун ишлатиш”* тўғрисидаги маслаҳатга амал қила

бошлаганимга атиги олти ой тўлишига қарамасдан, буни уддалаш қанчалик қийинлигини ва шу билан бирга унинг ҳақиқатан ҳам бебаҳо натижаларини ўзимда синам кўрганимдан кейин билдим. Ғалати, лекин айнан шу ишим аста-секин қарзларимни узишимга ҳам ёрдам бераяпти.)

-менинг назаримда у нотўғри иш қилиб қўйган бўлса ҳам айбситмайман, хатоларини шу заҳоти кечираман; (Энг қийини ўзингни айбситмаслик ва хатоларингни кечириш экан. Ўтиб кетган бирон - бир воқеадан кейин ақлли бўлиш, хатоларингни қайта-қайта эслаб эзилишдан ҳам бемаънироқ иш бўлмаса керак. Лекин ўзингни айбситмаслик барибир қийин. Оддий ва инкор қилиш қийин бўлган ҳақиқат: “Ўша вақтда, ўша шароитда ва ўша вақтдаги ақлим ва тажрибам билан бошқача йўл тутишим мумкин эмас эди”. Бу гап ўзимни ўтган замонлардаги воқеалар учун айблашни бас қилишимга энг катта ёрдам берди. Қолаверса, агар мен бугун озми-кўпми тажрибага эга бўлсам, бу тажрибани айнан ўтмишдаги хатоларим туфайли орттирганим ҳам айни ҳақиқат. “Бахт бўлмасди, бахтсизлик ёрдам берди”, деган нақлни эшитганман).

-унга ҳамиша очик юз ёки табассум билан қарайман.(Судралиб юришга ўрганганлар бошини мағрур кўтариб юриши қанчалик қийин. Мақсадларим сари ҳар куни бир қадам ташлаганим сайин иягим билан бўйним орасидаги бурчак 90 градусга яқинлаша бошлади ва бундан жуда хурсандман. Чунки одам очик юз билан бошини кўтариб юриши унинг бутун ҳаётини яхши томонга ўзгартириши мумкин деб “лоф урган” қайси бир муаллиф аслида ҳечам лофчи эмас экан.).

Шу вақтгача бошини эгиб мени эшитиб турган робот дафтарни ёпишим билан бошини кўтариб, деярли хато қилмасдан мен ўқиган китобларнинг муаллифларини бирин-кетин айта бошлагани билан мени яна бир бор лол қолдирди:

- Садриддин Айний, Абдулҳай Абдурахмонов, Абдурахмон Жомий, Дейл Карнеги, Ким У Джунг, Василий Ключевский, Николай Козлов, Владимир Леви, Мишель Монтень, Алишер Навоий, Мирзакарим Норбеков, Жалолоддин Румий, Питирим Сорокин, Наполеон Хил, Бодо Шефер, Абдулла Қодирий, Ўткир Ҳошимов,..... Булар сен ўқиган айрим китобларнинг муаллифлари, - деди робот. Бу сен ёзган изоҳлардан сезилиб турибди. Сен жуда кўп, ва ҳатто менда ҳам бўлмаган маълумотларга эга бўлибсан. Сенга айтишим мумкин бўлган гапларни, эҳтимол ўзинг ҳам англаб етганга ўхшайсан. Истасанг айтаман.

-Албатта истайман!

-Бўлмаса эшит, - деди робот.

Ўзингни кимлигингни билишдан мақсад – нимага қодирлигингни англашдир. Сен бу дунёга беҳудага ва тасодифан келмагансан, ўзингни оламга намоён этиш учун келгансан. Табиат сенга муҳтож бўлганлиги учун сени

яратган. Ўзингни англаш билан табиат ва бутун олам билан ҳамнафас яшай бошлайсан, одамлар “бахт” деб атайдиган неъматга эриша оласан.

Ўзингдан нуксон ахтаришни бас қилишинг билан, ўзингни айблашдан тўхташинг билан, ўзингга ачинишдан воз кечишинг билан сен асл табиатингни намоён қилишга қувват топа оласан (худди фаришталарга ўхшаш болалар каби) ҳамда ўз ҳаётингда ва ҳаётингдан ниманидир яратишга интилиш, куч ва истак сезасан. Нима яратишингнинг аҳамияти йўқ – лекин сен яратувчига айланасан. Яъни, табиат сени яратишдан кўзлаган мақсадини амалга ошира бошлайсан. Вақтингни беҳуда сарфлама. Ўзинг учун, оиланг учун, одамлар учун, юртинг учун нимадир ярат. Ватанинг билан гурурланиш учун унга муносиб фарзанд бўлиш керак, акс ҳолда бу шунчаки курук мактанчоклик бўлиб қолиши мумкин. Худди шунга ўхшаб, ўзингдан, ҳаётингдан гурурлана олишинг учун ўзингга муносиб бўлишга ҳаракат қил. Чунки аслида сенинг ва ҳар бир одамнинг макоми, кадр-қиммати жудаям баланд. Буни ҳеч қачон унутма.

Саодатга эришишнинг учта сири бор:

- 1. Бошқаларга қараганда кўпроқ бил.**
- 2. Бошқаларга қараганда кўпроқ ишла.**
- 3. Бошқаларга қараганда камроқ нарсалардан умидвор бўл.***

Саккизинчи респондент

Роботнинг гапларидан кейин галати бўлиб кетдим, назаримда у мен билан охирги марта гаплашаётгандай эди. Унинг кўзлари ўчиб қолганидан кейин ноилож ўрнимдан туриб, қабулхонага чиқдим. Чиқдим-у ўзимни йўқотиб қўйдим. Чунки қабулхона тўла одам экан ва уларнинг ҳаммаси менга табассум билан боқиб, қарсак чала бошлашди. Ўртада эса бир даста гул билан дўстим турганди....

Довдираб қолганимдан ҳозиргина ўзим чиққан эшик томон бурилиб эшикка қўл узатдим. Ҳамма “ҳо-ҳолаб” кулиб юборди. Қайрилиб яна дўстимга қарадим.

-Азизим, - гап бошлади у, - биринчи бор робот билан учрашган кунинг эсингдами?

-Ҳа.

-Ўшанда нима мақсадда ишхонамга келганинг-чи?

-Йўқ.

-Эслатайми?

-Ҳа.

-Балки эслашга ўзинг уриниб кўрарсан?

-Йўқ.

*Уильям Шекспир (1564-1616) инглиз драматурги ва шоири.

-Намунча “ха-йўқ” деб қолдинг, - деди кулиб дўстим, - ўтириб гаплашсак бўладими?

-Ҳа.

Қабулхонадагилар яна кулиб юборишди ва бўш курсиларга ўтириб олишди. Мени котиба қизнинг курсисига ўтказиб, дўстимнинг ўзи қўлидаги даста гул билан ўртада тик туриб гап бошлади:

-Бундан деярли бир йил олдин сенга “Вақт топиб ишхонамга айланиб бор, сенга ишим билан боғлиқ бир илтимосимни айтмоқчиман”- дегандим, сен эса “Айланмасдан тўғри бораверсам бўлмайдами?” деб ҳазиллашдинг, эсингдами?

Мен бошимни ирғаб қўйдим.

-Ўшанда сен ҳақиқатан ҳам узоқ “айланиб юрмасдан” эртаси куниёқ келдинг, лекин мен ишхонада йўқ эдим. Сен хонамга кириб ўтирганингдан кейин эса ишларимиз қутилмаган томонга бурилиб кетди. **Ўшанда сени чақиришимдан мақсад робот билан гаплашиб кўришингни илтимос қилиш эди. Сен эса мен етиб келгунимча аллақачон у билан мулоқатни бошлаб қўйган экансан.**

Биласан, кўпгина мамлакатларда одамга хизмат қиладиган роботлар яратиш устида жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Биз, яъни институтимиз, сал бошқачароқ йўл тутдик. Яъни одамнинг хизматини бажарадиган эмас, балки уни ўқитиб-ўргатишга, киши қийин вазиятларга тушиб қолганида муаммони ечишга хизмат қиладиган энг самарали маслаҳат беришга ва тўғри йўл кўрсатишга ихтисослашган робот яратиш устида иш бошладик. Сал кам уч йил давомида биз роботнинг “хотирасига” жуда кўп маълумотларни жойлаштирдик. Бу маълумотлар кўлами шунчалик кенг эдики-ки, уларни бир одам эртадан кечгача ўқиган тақдирда ҳам бу иш учун тахминан 500 йил вақт керак бўларди. Яъни, ҳеч бир одамда бунчалик кўп маълумотларга эга бўлиш имконияти йўқ. Биз билан биргаликда жуда кўп олимлар иш олиб бормоқдалар – руҳшунослар, социологлар, педагоглар, психиаторлар, ва ҳатто тилшунослар ҳам. Тажриба ниҳоясида улар қўйган кўпдан-кўп саволларга жавоб топишимиз керак.

Робот ишга тайёр бўлганидан кейин, уни синаб кўриш учун турли ёшдаги ва турли соҳа вакиллари бўлган саккизта одам топишимиз зарур эди ва биз уларни танлаб олдик. Танланган одамларга тегишли кўрсатмалар берилди ва робот билан суҳбатлашиш учун уларнинг ҳар бирига ҳафтанинг маълум бир кунида, маълум соатларни ажратдик.

Тажрибага жалб қилинганларни биз “респондент” деб атаيمиз ва сен, яъни “саккизинчи респондент”, ҳеч қандай кўрсатма ва тайёргарликсиз, қутилмаган тарзда ва асл мақсаддан беҳабар ҳолда тажриба жараёнига қўшилиб кетдинг. Ва айнан сен биз бошлаган лойиҳани муваффақиятли яқунлашини таъминладинг. Чунки робот билан бўлган суҳбатлар натижасида сенда ва ҳаётингда ўзинг билмаган ҳолда жуда кўп ўзгаришлар юз берди.

Охириги бир йил давомида сен билан деярли ҳар ойда бир марта учрашиб турдик, лекин бирор - марта робот билан бўлаётган суҳбатларинг тугрисида лом-мим демадинг. Ваҳоланки йигирма йиллик дўстлигимиз давомида ҳеч

качон мендан сир сақламагансан. Мана шунинг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Шу бир йил давомида юриш-туришинг, гап-сўзларинг, одатларингда кескин ўзгаришлар юз берди ва бу ўзгаришларнинг барчасида қандайдир вазминлик, жиддийлик ва ҳатто яхши маънодаги улуглик сезила бошланди. Бу ҳақда ҳали бафуржа гаплашамиз.

Қолган етти респондент ҳар хил сабабларга кўра кўпи билан икки-уч суҳбатдан кейин “ўйиндан” чиқиб кетишди, уларнинг аксарияти роботнинг “дангаллигини” кўтараолмадилар.

Дўстим! Биз ҳаммамиз сендан жуда миннатдормиз. Сабаби айнан сен юзлаб одамларнинг машаққатли меҳнати зое кетмаганлигини исботлаб бердинг. Барча ходимларимиз номидан сенга чин дилдан раҳмат айтмоқчиман!

Қабулхонадагилар қарсак чалиб юборишди.

Дўстим менга гулдастани бериб, кучоклади ва яна нималардир деди, эслаб қололмадим. Атрофдагиларнинг самимий табассум ва олқишлари мени гангитиб қўйди. Умримда биринчи бор кўпчиликнинг диққат марказида эдим.

Лекин дўстим сўзининг нихоясида менга пул мукофоти ажратилганлиги ва унинг микдори менинг бир йиллик маошимдан кам эмаслиги ҳамда бу пулларни бугуноқ кассада олиб кетишим мумкинлигини айтганидан кейин эсим огишига сал қолди. Чунки хотинимнинг “топган пулингизни китобларга сарфляпсиз..., рўзгорни ўйламай қўйдингиз...” деган дашномлари жонимдан ўтиб кетган эди. Қолаверса роботнинг: **ақлинг қабул қилган қарордан руҳинг ҳам яйраса, яъни кўнглинг ҳам “Ҳа, бу менга маъқул!”- деса ёки кўнглинг истагини ақлинг ҳам мантиқан маъқулласа – шу қарорга асосан қилган барча ишларинг мўъжизавий равишда бароридан келади**, деган гаплари ҳақ бўлиб чиққанлигидан қувончим ичимга сигмаётган эди. Ахир, ҳақиқатан ҳам охириги бир йил давомида робот билан суҳбатлашишга бутун вужудим билан берилдим. Ўй-у хаёлим эса у мен учун очган дунёни ўрганиш ва тушуниш истаги билан банд бўлди ва натижада пул билан боғлиқ муаммоларим ростдан ҳам мўъжизавий равишда, мен учун мутлақо қутилмаган тарзда ўз ечимини топди. Ўзим учун ва севиб қилган ишимга катта пул тўлайдиган одамларнинг топилиши шу вақтгача ҳаёлимга ҳам келмаган.

Менга бағишланган “тантаналар” яқунлангач, дўстимнинг хонасига кирдик ва у мендан робот билан қурган суҳбатларимиз давомида кўнглимдан ўтган шахсий кечинмаларимни, ўзига хос ҳисобот тарзида ёзиб беришимни илтимос қилди, чунки лойиҳада иштироқ қилаётган руҳшунос ва социолог олимлар, қолаверса унинг ўзи учун бу жуда муҳим экан.

-Нималар деяпсан?! Умримда икки қатор хат ёзолмаганману, шахсий кечинмаларимни ёзиш эмиш! Бундан кўра менга ўн вагон юк тушириш осон.

-Кўркма, ёзган нарсаларингга ҳеч ким баҳо қўймайди. Шунчаки кўнглингдан нима ўтган бўлса шуларни қўлингдан келганича қогозга туширсанг бўлди.

-Йўк! Ҳеч қачон. Бу иш қўлимдан келмайди, вассалом!

-Ҳеч қачон “Ҳеч қачон” деб айтма, - деди дўстим қулиб. Тушунаман, сен учун бу иш осон эмас, қолаверса ишлайдиган одамсан, асосий ишингдан бўш

вақтлари, кечалари ишлашингга тўғри келади. Биламан, сен буни эплaysан! Лекин айтиб кўяй, ёзган 30-40 бет ҳисоботинг учун жуда катта миқдорда пул тўланади.

Бу гапдан сўнг ўрнимдан туришга шайланаётганлигим эсимдан чиқди ва савол маъносида кўзларимни катта очиб, қошларимни кўтариб дўстимга қарадим.

-Тахминан бугун оладиган мукофотинг миқдорида, - деди у.

-Йўте!

-Ҳа-ха.

-Бу ҳисоботни ёзишимга менга қанча вақт берилади?

-Кўпи билан икки ой.

Ўрнимдан туриб юрарканман, хонанинг ўртасига бориб тўхтадим.

-Хўш? – сўради дўстим.

-Энди ҳеч қачон “Ҳеч қачон” деб айтмайман.

Дўстим ёнимга келиб мени кучоқлади. Биргалашиб кассадан мукофот пулини олганимиздан кейин, у мени кўчагача кузатиб кўйди.

-Ёнингга битта тансоқчи кўшиб юборайми?, - қичқирди у кетимдан.

-Бор, ишингни қил.

Уйга келганимдан кейин, бугун бўлиб ўтган гаройиб ҳодисаларни хотинимга гапириб бериб, пул билан лик тўла каттагина сумкани унинг олдига кўйдим.

Ҳақиқатан ҳам хотин зотини тушуниб бўлмайди. Менинг ҳикоямни эшитиб бўлгач у пинагини ҳам бузмасдан, гўё ҳеч қандай гайриоддий ҳодиса юз бермагандек, “лом-мим” демасдан пул тўла сумкани ичкарига олиб кириб кўйдида, ўзича нималарнидир хиргойи қилиб, уй ишларига киришиб кетди. Мен буни хотинимнинг менга ва менинг имкониятларимга бўлган чексиз ишончи тарзида қабул қилиб, кайфиятим кўтарилганидан аёллар хусусида ёзилган бир китобдаги фикрни эсладим: **“Кўчада кетаётиб, динозаврни учратиб қолишингиз эҳтимоли қанча фоиз бўлиши мумкин?”- деган саволга ҳар қандай эс-ҳушли эркак “ноль фоиз” деб жавоб беради. Аёл эса “Эллик фоиз”- дейди. “Қанақасига?”,- деган саволингизга эса у “Ё учратаман, ё учратмайман”, - деб жавоб берар экан.**

Лекин аёлнинг миясига келадиган фикрлар ва тахминларни эркак киши ҳеч қачон тушунолмаслигига орадан бир саот ўтиб, кутилмаганда уйимизга ҳақиқатан ҳам, хотиним мендан яширинча телефон қилиб чақирган “динозавр”, яъни катта акам кириб келганидан кейин аниқ ишонч ҳосил қилдим.

-Тинчликми келин?

Хотиним индамасдан ичкарига кириб кетди ва пул солинган сумкани олиб чиқиб акамнинг олдига кўйди.

-Бу нима?

-Укангиздан сўранг. Бу пулларни унга қандайдир бир робот билан гаплашгани учун берган эмишлар! Айтдим-а, китоб ўқиш яхшилиқка олиб келмайди, - деб. Шўрим курсин, укангизни кимдир катта пулга сотиб олганга ўхшайди, - деб хотиним уввос солиб ийглай бошлади.

-Ҳой, аҳмоқ хотин! Мен футболчимидим, кимдир мени сотиб олса?!...

Лекин на хотиним, на акам менга кулоқ солишни иташмади. Тергов бошланди. Натижада энг яқин одамларим мени гирт ёлгончи ва қинғир-қийшиқ йўлларга кириб кетган фирибгарга чиқаришди.

Бу хангомалар ярим кечада, дўстимни уйга чақириб олиб, у шахсан ўзи “терговчилар” билан гаплашганидан кейингина тугади.

Ярим кечада бировнинг машмашаларига аралашинишга мажбур бўлганидан чарчаганига қарамасдан, хотинимнинг қилигига кайфияти кўтарилган дўстимни кузатаётиб ундан мен ёзишим керак бўлган ҳисоботда “ички кечинмаларни акс эттириш” деганда нима назарда тутилаётганлигини сўрадим.

-Менимча бу ерда ҳис-туйғуларинг назарда тутилади. Робот билан суҳбатлашганингда сен ҳис қилган қувонч ёки кўрқув, ҳаяжон ёки хотиржамлик, ишонч ёки гумон, миннатдорлик, нафрат, уялиш ва хоказо туйғулар. Яхшиси сени олимлар билан учраштираман, эртага кечқурун сени ишхонамда кутаман, маъқулми?

-Келишдик.

Эртаси кунидан бошлаб бир ҳафта давомида ҳар куни кечқурун ишдан кейин дўстимнинг кабинетида мутахассис олимлар билан 2-3 соатлаб бирма-бир суҳбатлашдик ва улар менга ўзларини қизиқтирган масалаларни ёритиш бўйича тегишли йўл-йўриқлар беришди. Ҳар куни уйга турли саволномалар, тестлар, йўриқнома ва диаграммалар ёзилган бир даста коғоз кўтариб келадиган бўлдим. Меҳмонхонамиздаги катта хонтахта тонги саот икки-учгача менинг “иш жойим”га айланди. Севимли сериаллар эсимга ҳам келмади, телевизор эса бир вақтлари мен севиб эндиликда ҳаёлимдан ҳам кўтарилган қизга ўхшаб қолди. Ўша қизни орадан кўп йиллар ўтганидан кейин учратганимда ўзимга - ўзим ҳайрон қолган эдим: “Нимасига ошиқ бўлганман унинг?”. Қиз ҳойна-ҳой мен тўғримда ҳам шундай фикрга борган бўлса керак. Айтмоқчиманки, мен қарамай кўйган телевизорни балоям урмади, бинойидай кеча кундуз ишлаб тураверди.

Ўй-у ҳаёлим ҳисобот билан бўлиб кетди. Кунига фақат 4-5 саот ухлаб олардим. Чарчамадим деб айтишим қийин, лекин бу чарчокнинг илгари мен ҳеч қачон татиб кўрмаган қандайдир ўзига хос лаззати бор эди.

Ҳисоботим таёр бўлганидан кейин ҳам уни тўрт марта қайтадан ишлаб чиқишга мажбур бўлдим. Чунки ҳар сафар охириги нуқтани қўйиб, бошидан ўқий бошлашим билан ундаги йўл қўйилган жиддий, гоҳида эса ўзим учун кулгули хатолар ёки тушунарсиз жойлари яққол кўзга ташланиб, бошқача иборалар излаб топишимга тўғри келди.

Қизиқ, биров хатоингни кўрсатиши кўпинча руҳингни тушириб, уни тузатишдан қўлингни совутса, ўз хатоингни ўзинг кўришинг аксинча, уни тузатишга куч бағишлар экан.

Шу тарзда роса икки ой давомида ишлаб ҳисоботим тайёр бўлганидан кейин, шимларим бироз катталиқ қилаётганлигини сездим. Бу ҳам айни муддао, чунки хотиним ҳар доим “қорин қўйиш” сизга ярашмайди дерди. Лекин шимларимнинг белини кичрайтириш ва дазмоллаш билан оввора бўлиб юрган хотиним шимларга қўшиб ўзимни ҳам “дазмоллаб” қўйиши ҳаёлимга келмаган экан.

Бир куни кечқурун менга нотаниш ўрта ёшли киши билан уйимизга катта акам кириб келди. Меҳмонларни ичкарига таклиф қилиб, хонтахта устида ёйилиб ётган қоғозлар, китоблар ва дафтарларни апил-тапил йиғиштириб, кўрпачаларни тўшадим. Хотиним ўртага чой-нон қўйди.

Ёнидаги шериги билан мени таништириш акамнинг эсидан чиқди шекилли, мен билан узундан-узоқ ҳол-аҳвол сўраша бошлади. Бу эса жуда галати эди, чунки шу вақтгача унинг мен билан сўрашиши ҳеч қачон “Яхшимисан” дан нарига ўтмаган. Лекин бугун у ишларим қандай кетаётганлиги, болаларимнинг ўқишлари, соғлигим, кайфиятим ва ҳатто ишхонадаги ҳамкасбларим билан бўлган муносабатларим тўғрисида ҳам қизиқиб саволлар берди. Сабрим тугаб бораётганлигига қарамасдан, бегона одамнинг олдида беодоблик қилмай, деган андиша билан унинг барча саволларига жавоб бердим. Савол-жавобимиз тугаб ўртага ноқулай жимлик тушди ва акам ёнидаги шеригига зимдан қарагани, у эса билинар-билимас бошини иргаб қўйганини сезиб қолдим.

-Ака, нима гап ўзи? Тинчликми?

-Ука, ... биласан, ...сени ҳар доим қойиб уришишимга қарамасдан, аслида жуда яхши кўраман. Сен учун қайгурганимдан шундай қиламан.

Акам индамай қолди. Азбарои Худо, кўрка бошладим.

-Хўш? Қулогим сизда, ака.

-Мен сенинг соғлигингдан безовталанаяпман.

-Соғлигимга нима бўпти?!

-Ахир, ўзинг ўйлаб кўр. Кечалари ёзув-чизув билан бўлиб, ўзингдан ўзинг рақс тушиб кетармишсан. Ёки аксинча, кўзларинг жикқа ёшланиб йиглаб ўтирармишсан. Буни қандай тушуниш мумкин, ахир, укажон?! Бунга безовталанмасдан бўладими?!

Гап нимадалигини бир зумда тушуниб етдим, шамол қаердан эсаётганини ҳам. Бу шамолнинг сабабчиси ҳозир хайнаҳой эшик ортида гап пойлаб турибди. Акамнинг ёнидаги нотаниш киши эса шуҳасиз руҳий касалликлар бўйича мутахассис.

-Кечалари ишлаганимда радиони паст товушда эшитиб ўтираман. Бирон ёқимли куй ёки қўшиқ берилса ўзимни тутолмайман, рақсга тушгим келади, чунки қилаётган ишимдан, умуман ҳаётимдан жуда хурсандман. Бунинг нимаси ёмон, ака?

Жавобимни эшитиб юзи-кўзи “қовун туширган” одамга ўхшаб қолган акам дастурхонга тикилиб қолди.

-Йиглаганингчи, йиглашингга сабаб нима?!

Бу сафар, дастурхонни мен томоша қила бошладим ва паст овозда жавоб бердим:

-Гоҳида ичимга сигмай кетадиган қувончдан, миннатдорликдан, шуқурдан.

Нотаниш меҳмон бир хўрсиниб қўйдида акамга қаради:

-Уста ака, уқангиз соппа-соғ. Қани эди шундай саломатлик барчага насиб қилса. Туринг, кетдик! Бу ерда мен қиладиган иш йўқ экан, Аллоҳу Акбар, - деб чакқонлик билан ўрнидан турди.

Меҳмонлар кетидан эшикни ёпиб хотинимга қарадим. У аста-секин орқага юра бошлади ва мен бир қадам ташлашим билан ичкарига югуриб кириб кетди.

Хонтахтани икки марта айланганимиздан кейин ётоққа кириб эшикни кулфлаб олди. Мен қогозларимни ўртага олиб ўқий бошлаганимдан кейин унинг меҳмонхонага кириб эшик ёнида турганини сездим, лекин иложи борича жиддий бўлиб кўринишга ҳаракат қилиб, қогоздан кўзимни узмадим.

-Менга қара, шпион, агар яна бир марта акамга мен тўғримда ахборот етказсанг – ўлдираман.

Хотиним, худди лотареясига ютуқ чиққан одамдек турган жойида бир сакраб кўйди-да:

-Дадаси, иссиққина чой дамлаб берайми? -деди қувноқ оҳангда.

Ўнг кафтим билан бўш пиёлани кўлимга олаётганимни кўргач хонадан ўқдай учиб чиқди...

Ҳисоботимни яқунлаб топширганимга ҳам қарийб бир ҳафта бўлди. Мукофот пулларини олганимдан кейин ишхонамдагилар ва қариндошларимни уйга чақириб, катта зиёфат бердик. Лекин кўнглим нимагадир гаш. Кечқурунлари уйга келганимдан кейин ўзимни кўярга жой тополмай, китоб варақлайман ёки кўчага чиқиб ёлғиз айланиб юраман. Кунлардан бир кун яна дўстимни излаб бордим.

-Яхши бўлди келганинг, биз ҳозиргина сенинг ҳисоботинг тўғрисида гаплашаётган эдик.

-Нима, қандайдир камчилиги бор эканми?

-Йўқ, ҳаммаси жойида, шунчаки ҳамкасбларим бир ажойиб гоёни ўртага ташлашди.

-Қанақа гоё?

-Улар, агар сен яна бироз ишласанг ҳисоботингдан кўпчиликка хайр келтириши мумкин бўлган китоб чиқади, дейишяпти.

-Китоб?!

-Ҳа, рухшунос дўстларинг шундай дейишди.

-Э, боре! Кулгимни қистама, мен китоб ёзаманми?!

-Ҳа нима бўпти? Тасаввурингга сигдиришга ҳаракат қилиб кўр: ёзувни саводсизлар ўйлаб топган, огайни! Синаб кўрмагунича нимага қодирлигини одамнинг ўзи ҳам билмайди. Сенга ишонаман, бу ишни удалай оласан. Ҳисоботни уддаладинг-ку, ўшандаям оёқ тираб олгандинг.

Дўстим билан узок тортишдик, рози бўлмадим, чунки мактабда иншо ёзишдан қийинроқ ишни билмаган одам учун китоб ёзишдан ҳам каттароқ жазо бўлиши мумкинми, ахир? Лекин уйга қайтаётиб одатдагидан тезроқ юриб келаётганлигимни сездим, бунинг асл сабаби эса - тезроқ бориб кўлимга қогоз-қалам олиш экан. Кейинги олти ой давомида кечалари ва дам олиш кунлари дўстим айтган китобни ёзиш билан ўтказган кунларим мен учун энг лаззатли кунлар эди.

Китоб тайёр бўлди. Лекин, ...лекин бу китобни ҳали умримнинг охиригача ёзсам керак...

Ифторлик

-Таксир, ривоятлардан гапириб беринг, - деди ифторликка келган кўшнилари миздан бири, ҳали соч-соқоли оқармаган муллага қараб.

-Ривоят-ку ўз йўлига, - вазмин гап бошлади мулла: яқинда бир одам менга савол берди, жавобини ҳеч тополмаяпман. У киши Қуръони Каримнинг оятларидан бирида, “Аллоҳни қарздор қилинглар”,- деган фикр бор. Аммо қандай қилиб одам Аллоҳни қарздор қилиши мумкин, деб сўради.

Даврада ўтирганлар қизиқиб муллани саволларга кўмиб ташлашди:

-Хўш-хўш...?

-Қуръонда ростдан ҳам шу гап ёзилган эканми?

-У кишига нима деб жавоб бердингиз?

Ўртага сукунат чўкканидан кейин мулла: -Қуръони Каримда ҳақиқатан ҳам шундай оятлар бор, лекин ҳеч қачон бу сўзларнинг маъноси тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмаган эканман. Шунинг учун у кишига бунинг жавобини излаб кўришга ваъда бердим, - деди.

-Хўш, жавобини топдингизми?

-Йўқ, ҳозирча тополмадим.

Айримлар ёнида ўтирган одам билан ушбу масалани муҳокама қилишга киришиб кетди, хонада “говур-гувур” бошланди. Ҳар хил тахминлар ўртага ташланди.

-Балки бу ерда тоат-ибодатни тўлиқ адо этиш назарда тутилгандир?

-Шукурни билишга ишора қилинган бўлса керак, хойнаҳой.

-Менимча, бу ерда гап одамларга яхшилик қилиш тўғрисида кетаяпти-ёв...

-Барча суннат ва фарзларга амал қилиш эмасмикин?

-Тавба, Парвардигорни ҳам қарздор қилиб бўларканми?

Мулланинг: - Ҳамма гап шунда-да, - деган сўзларидан сўнг жамоа жим бўлиб қолди. Одам боласи Яратганни қарздор қила олиши ақлга сигмайди. Лекин айнан шу гаплар ёзилган. Ва, энг қизиги, бу намозни тўлиқ ўқиш, садақа ҳамда закот бериш ва ҳоказо деган гаплардан кейин “ва Аллоҳга қарзу ҳасана беринглар”,- дейилган. Яъни бу ерда намоз, суннат ва фарзларни адо этиш қаторида яна қандайдир амаллар назарда тутилган, бўлса керак.

-Айтдим-ку, - деди ўртага тушган жимликни бузиб меҳмонлардан бири, - бу ерда одамларга яхшилик қилиш назарда тутилган. Бошқаларга яхшилик қиладиганларни тириклигидаям, оламдан ўтганидан кейин ҳам одамлар бир умр дуо қилиб юришади. Яхшиликнинг хосиятлари тўғрисида қанчадан-қанча ривоятлар бор! Шундай эмасми, мулла ака?

Мулланинг ўрнига университет домласи жавоб берди: -Жалолиддин Румийнинг шундай сўзлари бор: **“Кўрсатгин, дунёда қай бир нарса нуқул**

ёмонликдирки, унда яхшилик бўлмасин ва қайси нарса фақат яхшиликдирки, унда ёмонлик бўлмасин?”. Бу фикрга эътироз билдириш қийин.

Кимдир “огиз очиш вақти” келганлигини айтди ва гап шу ерда тўхтаб қолди. Аммо назаримда маъраканинг охиригача муллага берилган савол ҳеч кимнинг хаёлидан нари кетмади, шу жумладан менинг ҳам.

Робот билан қурган суҳбатларимиздан кейин орадан бир йилча вақт ўтиб, китоб нашрга деярлик тайёр бўлганидан кейин шу саволга жавоб топдим. Бирок бу жавобни қанчалик уринмайин на бировга тушунтира оламан, на қозоғга тушира оламан...

Бу худди бировга ўзинг билган ажойиб бир янги куйни хиргойи қилиб эмас, сўз билан тушунтиришга ёки асал еб кўрмаган одамга унинг мазасини таърифлаб беришга, саккизинчи ранг борлигини кўрсатиб эмас, балки гап билан исботлашга, ўзинг тугилиб ўсган юртнинг тафтини ва одамларнинг сеҳрини расмда акс эттиришга уринганга ўхшайди. Бунинг эса иложи йўқ.

Роботнинг сенинг кўзинг кўрмайди, қулогинг эшитмайди деган маънода айтган гапларининг асл моҳиятини эндигина тушуниб етдим назаримда. Менимча у қалбимнинг “кўзи ва қулогини” назарда тутган бўлса керак.

Одамни ўзига тортадиган ва унга қувонч бағишлайдиган дунёнинг наинки гўзаллик ва неъматларининг барчаси, онанинг алласидан бошлаб, мумтоз куй-қўшиқлар ва рақсларгача, кўчангда оқиб турган кичкина ариқдан Ниагара шаршарасигача, мактабда биринчи марта сен ёзган шеърдан, Навоийнинг газалларигача, одамларнинг табассумидан, осмондаги юлдузлар жилвасигача – буларнинг бари айнан шу жавобнинг бир қисми экан.

Жавобнинг фақат биринчи жумласини удраладим, у шундай сўзлар билан бошланиши мумкин:

“Ҳар бир тонгни қувонч билан кутиб ол, ҳар бир нафасинг учун миннатдор бўл, сендаги меҳр-муҳаббатга тўла чексиз қувват ўзини намоён этишига изн бер. Бугун –сенинг қолган умрингнинг биринчи куни.....”. Бу жумлани ҳар ким ҳар хил давом эттириши мумкин, лекин гап овоз чиқариб айтиладиган ёки қозоғга ёзиладиган сўзларда, ҳатто маълум фикрларда ҳам эмас. Гап одамнинг қалбида содир бўлаётган ички кечинмаларида, унинг юрагида жўш ураётган туйғуларида, уни ҳаракат қилишга ва яшашга ундаётган эзгу ният ва мақсадларида. Мен топган, аниқроғи ҳис қилаётган жавобга энг яқин бўлган фикрларни чет эллик бир ёзувчининг асаридан топдим ва уни қуйидагича таржима қилдим:

“Токи одам ўзини бахтли ҳис қилар экан – у яшаяпти.

Бошқа ҳолатларда у шунчаки – кун кечиради. Демак унинг ичида Худо йўқ.

Парвардигор ҳаётни яхши кўрганларни севади.

Бундайларни у етаклаб юради ва уларга ёрдам беради.

Беҳуда чеккана зоб-укубатларим, изтиробларим учун Худо мендан рози бўлмайди.

У менга: сен бахтли бўлолмадинг,
чунки буни ўзинг истамадинг, деб айтади.”

Роботнинг ажойиб камчилиги

Сухбатларимиз давомида робот кўпинча мавзуга алоқаси бўлмаган кўп маълумотларни кўшиб айтадиган одати бор эди. У ҳар сафар янги бир сўзни эшитиши билан, шу сўз маъноси билан боғлиқ бўлган камида 3-4 иборани аралаш-қуралаш қилиб кўшиб юборар, уйқусида алаҳсираган одамдек ёки бир фикрни бошлаб кўйиб, якунига етказмасдан бошқасига ўтиб кетадиган маърузачидек нутқда бироз “довдираб” юрадиган бу одати мени бироз гангитиб кўйиб, баъзида асабимга тегар эди.

Лекин, ўйлаб қарасам, унинг “сен богдан келиб, у тогдан келган” пайтларида айтган гаплари ёки муҳокама қилишнинг кераги бўлмаган жуда галати саволлари ҳам ўшанда жуда кўп нарсаларни англаб етишимга ёрдам берган экан. Бу гаплар бошқаларни ҳам безътибор қолдирмас деган, мулоҳаза билан қуйида уларнинг айримларини келтирмоқчиман.

Роботнинг айрим “галати” саволлари:

-Сен “болам-чақам” деб яшаяпсанми?

Агар шундай бўлса, бола-чақанг ҳам “болам-чақам” деб яшашини истайсанми ёки “отам-онам” дебми?

-Сен ўзингни ақлли одамман, деб ҳисоблайсанми? Унда нимага муҳтожликда яшаяпсан?

-Бу дунёга нима учун келганигни биласанми? Билмасанг, нимага елиб-югурасан, асабийлашасан, ҳеч тиниб-тинчимайсан?

-Сен ўзингни одобли, маданиятли ва бошқалар билан яхши муомала қиладиган одамман, деб ҳисоблайсанми? Унда, айтчи, ҳаётингда душманлар ёки сен билан келишолмайдиган, асабингга тегадиган одамлар қаердан пайдо бўлиши мумкин?

-Хаётингда сен учун кимдир жудаям кадрли ва керакли эканлигини англаганмидингки, бошқалар учун жуда кадрли ва керакли бўлишдан умидвор бўлсанг?

Роботнинг муҳокама қилинаётган мавзуга оид бўлмаган айрим гаплари:

-Билим олишнинг ўзи кишига етарли эмас. Бу билимни яшаб ўтиш, бошингдан кечириш, вужудингга пайвандлаш керак. Шундагина у сенга наф келтириши мумкин. “Одам егани билан эмас, ҳазм қилгани билан яшайди. Бу фикр ақл учун ҳам, тана учун ҳам бир хил тўғри келади”. *

-Эндигина уйғониб, лекин уйқуга тўймаган бўлсанг ўзингни “онанг меҳри” билан севишинг – бу бемалол яна бироз мизгиб олишингга руҳсат беришинг бўлади. Ўзингга нисбатан муҳаббатинг “ота нуқтаи назаридан” бўлса – сапчиб ўрнингдан турасан, бадантарбия қилиб, яшаш учун олга!

-Бирон бир тўсиқдан сакраб ўтиш учун бир марта шиддат билан сакраш керак. Агар сен юз марта озгина куч сарфлаб сакрашга ҳаракат қилсанг, тўсиққа юз марта пешонанг билан урилсан.

-Ҳар қандай жавобни ўзинг изла, тайёр жавобни ахтарма ва бошқаларга ҳам берма. Чўкаётган одамни кутқариш учун унга қўл узатишинг етарли эмас, у ҳам ўз қўлини узатиши керак.

-Инсон моҳияти тўғрисидаги баҳсларда ўз нуқтаи-назарингни сўзлар билан эмас ўз хаётинг билан ёқлашинг керак. Муносиб одамга айланишинг билан – баҳсда ютдинг!

-Хаётдан аслида нимани исташини биладиган одам - ё жуда кўп нарса биледи, ёки жуда оз нарса истайди.

-Кўпчилик одамлар одатда бекорчи бўлишади. Ҳатто ҳар куни бирор бир соҳада тинимсиз ишлаб чарчаётган бўлишса ҳам. Масалан, эркак киши ҳар куни соат олтида туради, шошилиб уйдан чиқиб иш жойига етиб келади. Кечкурун ҳориб-толиб, йўл-йўлакай бозорга ҳам кириб чиқади ва уйига қайтади. Кечки овқатни еб, зўрга телевизор томон судралиб боради ва бироздан кейин мудрай бошлайди, ухлаб қолади. Ҳўш, ким бу эркак? Бекорчи! Чунки у ишлашга

мухтож бўлмаса икки дунёда ҳам ишламаган бўларди. У ишлашга мажбур бўлган бекорчи. Агар ишламасликнинг иложи бўлганида эди, ў-ҳў – у ўзига бир зумда ўзгача машгулот топиб олган бўларди: дам олиш керак, улфатлар, маишат ва хоказо. Аслида бундай бекорчи ишдан кейин яхшилаб дам олиш учун ишлайди. Уста эса (уни шундай аташ мумкин бўлса) кўнгилдагидек хордикдан кейин, яхшилаб ишлаш учун дам олади.

-Сен кўпинча ўз мулоҳазаларингни, фикрингни айтмасанг ҳақиқат химоясиз қолиши ва дунё кулаб кетиши мумкин, деб ўйлайсан. Аслида эса – сен жим турсанг ҳам ҳаёт давом этаверади. Буни тан олиш жуда огир, лекин борлиқни ва унинг қонунларини қандай бўлса шундайлигича қабул қил – дунё сенсиз ҳам яшай олади! Унинг сенсиз ҳам яшашига кўна олсанг, сенда багрикенглик ўз-ўзидан пайдо бўлади.

-Тилни одамлар баъзан фикрларини ифодалаш учун, баъзан фикрларини яшириш учун, баъзида эса фикрлар ўрнига ҳам ишлатиши мумкин.

-Камдан кам холларда келинлар оналари ўйлаганчалик яхши ва қайноналари ўйлаганчалик ёмон бўлишади.

-Дунё лаззатларга тўла. Сенга нафас ато этувчи ҳаво лаззатга тўла. Тирик ва тетик тананг лаззатга тўла. Оламнинг ранг - баранг суратлари лаззатга тўла... Лаззатни ҳовучлаб олса бўлади, агар қўлларинг ва қалбингни чанг-губор ва ичи пуч нарсалар билан банд қилмасанг, албатта...

-Юқорига кўтарилаётганингда жуда кўп одамларни учратасан. Уларни хафа қилма, чунки пастга тушаётганингда улар билан яна кўришасан.

-Бахт сен истаган нарсага эга бўлишда эмас, ўзингда борини асраб авайлашда ва қадрига етиб яшашда.

МУНДАРИЖА

Танишув	5
Билими бор, акли йўқ	11
Тухумни чакмасдан қовуриб бўлмайди	17
Даҳолар сири	23
Пири комилдан сўрадим	31
«Тутиқуш»нинг мулоҳазалари	37
Лаборатория каламуши	47
Интеллектуал ринг	53
Сартарош	60
Жавобсиз қолган саволлар	63
Масъулият	70
Авваламбор ўзинг учун қил	78
Саккизинчи респондент	82
Ифторлик	90
Роботнинг ажойиб камчилиги	92

Шавкат Раззоқов

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЗАВҚИ

ёхуд

Сизни ўзгартирадиган китоб

*Муҳаррир Умида Содицова • Бадий муҳаррир Жоҳонгир Бадалов
Техник муҳаррир Елеиа Толочко • Кичик муҳаррир Гулбайра Ералиева
Мусаҳҳиҳ Умида Ражабова • Матн терувчи Гулчеҳра Азизова*

Лицензия рақами № 163. 09.11.2009. Босишга 2014 йил 8 апрелда рухсат этилди.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. Офсет қоғози. Times TAD гарнитураси. Шартли босма табоги
5,58 Нашр табоги 4,9. Адади 3000 нусха. Шартнома № 19-2014. Буюртма № 379.
Баҳоси келишилган нарҳда.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligining Cho`lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy
uyi 100129, Toshkent, Navoiy ko`chasi, 30.
Telefon: (371) 244-10-45. Faks (371) 244-58-55.

«TOSHKENT TEZKOR BOSMAXONASI» mas'uliyati cheklangan jamiyati
bosmaxonasida chop etildi. 100200, Toshkent, Radialniy tor ko`shasi, 10.

Китоб тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни www.kitobxon.com сайтига юбори-
шингиз ёки +99890-959-25-26 ва +99890-178-35-74 телефон рақамлари ор-
қали билдиришингиз мумкин.

«Меҳринур консалтинг сервис» МЧЖ. Урганч ш. А.Баҳодирхон қўчаси, 187-
уй. х/р 20208000804492345001 АИТБ «Тинчлик» филиали МФО: 00580,
ИНН:206318280 Тел. 8-362-224-21-53, факс: +99890-178-35-74